

РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР ИЖТИМОИЙ  
МОСЛАШУВИ МАРКАЗИ

Ж.А.Пұлатов

КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИНИНГ ХАТАР  
ГУРУХИГА МАНСУБ ЎҚУВЧИЛАРИНИ  
КАСБГА МОСЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

(касб-хунар колледжлари гурӯҳ раҳбарлари, ихтинослик  
ўқув предметлари ўқитувчилари, шираб чиқарии таълими  
усталари ва психологлари учун методик қўлланма)

**РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР ИЖТИМОЙИЙ  
МОСЛАШУВИ МАРКАЗИ**

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ  
КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ**

*Ж.А.Пўлатов*

**КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИНИНГ ХАТАР ГУРУХИГА  
МАНСУБ ЎҚУВЧИЛАРИНИ КАСБГА МОСЛАШТИРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

*(касб-ҳунар колледжлари гурӯҳ раҳбарлари, ихтинослик ўқув  
предметлари ўқитувчилари, шилаб чиқарии таълими усталари ва  
психологлари учун методик қўйланма)*

**Тошкент -2013**

Мазкур тавсия этилаётган “Касб-хунар коллекларининг хатар гурухига мансуб ўқувчиларини касбга мослаштириш технологияси” методик кўлланма касб-хунар коллежи педагоглари учун мўлжалланган бўлиб, унда хатар гурухига мансуб ўқувчиларнинг ўзига хос индивидуал психологик хусусиятлари ва унинг типологияси, ижтимоий психологида вояга етмаган хагар гурухита мансуб болалар муаммоси ва уни характерологик хусусиятлари (девиант хулк-атвор мисолида), таълим тизимида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва касбга мослаштириш ишларини ташкил этишининг мазмуни, шакл усуллари, касбга мослашишини таъминловчи тадбирлар шунингдек, ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва мослаштиришда таълим муассаса ва оиласанинг хамкорлиги, ўқувчилар учун ижтимоий касбий мослашув дафтарини юртиши коидалари хамда педагог шахсига кўйиладиган психологик талаблар, ўқувчиларга касб таълими асосида уларни иктисадиёт соҳаларида ижтимоий касбий мослаштириш омиллари ва ундаги муаммолар, истиқбол йўналишлари келтирилган.

Методик кўлланма педагогларни малакасини ошириши ва уларни кайта тайёрлаш институтларида, олий ўкув юргарининг бўлажак педагог, психологлари (талабалари) ва илмий ходимлари учун шунингдек, ёшлилар хуқукбузарликларининг оздини олиш бўйича мутасадди ходимлар хамда кенг жамоатчиликка мўлжалланган. Уизбу методик кўлланманинг яратилишида ўзининг кимматли маслаҳатлари билан ёрдам берган Республика болалар ижтимоий мослашуви Маркази бўлими бошлиғи фалсафа фанлари номзоди Н.А.Исраловага муаллиф ўзининг самимий миннатдорлигини билдиради.

**Тақризчилар:** ЎМҚҲГТҚМО ва УКТИ “Педагогик технологиялари” кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди, доцент О.Абдукудусов.

Абдулла Авлонай номидаги ХТРХМО марказий институтининг “Педагогика ва психология” кафедраси мудири, психология фанлари номзоди, доцент О.У.Авлаев.

**П15 Пулатов Ж. А.,**

Касб-хунар коллекларининг хатар гурухига мансуб ўқувчиларини касбга мослаштириш технологияси / Пулатов Ж. А. - Тошкент: Chashma print, 2013. - 154 б.

Мазкур педагоглар учун тавсия этилаётган “Касб-хунар коллекларининг хатар гурухига мансуб ўқувчиларини касбга мослаштириш технологияси” методик кўлланма “Ўқувчиларни хатар гурухдаги болаларни касб-хунарга йўналтиришни илмий-услубий таъминлаш-узлуксиз таълим тизимида баркамол авлодни тарбиялашнинг мухим йўналиши сифатига” пойиха донрасида ишлаб чиқилган бўлиб, ЎМҚҲГТҚМО ва УКТИ Илмий-методик Конференцияси 2013 йил 3 июнданги 5-сонли қарори билан тасдикланиб, нашрга тавсия этилган.

УК:78(072)  
КБК:74.4 (5У)

## К И Р И Ш

*Давлат ва ижтимоий муассасаларнинг  
касб-хунарга йўналтириши бўйича фаолиятини  
такомиллаштириши, бунда касб танлаш-  
нинг бозор эҳтиёжлари ва имконият-  
ларини ёътиборга олими зарур, токи ҳар  
бир шахс ўзига мос касбни эгалай олсин...*

*И.Каримов*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” 2012 йил 28 майдаги ПҚ-1761-сонли қарорида чет эл тажрибасини инобатга олган ҳолда, касб-хунар коллежлари учун янги ўкув режалари ва дастурларини қайтадан ишлаб чиқиш, таълим соҳасида ташкил этилаётган фаолият самараадорлиги ва муваффақияти мутахассиснинг касбий тайёргарлиги, малакага эгалик даражаси, зиммасидаги вазифаларни бажаришга нисбатан ижодий ёндашинш назарда тутилган. Шундай экан, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” нинг касб-хунар таълими тизими олдига қўйган асосий вазифаларидан бири “Дунёга янги кўз билан қарайдиган, янгича фикрлайдиган, уддабурон, ишнинг кўзини билувчи, буюк келажагимиз пойдеворини қурувчи, юксалтирувчи, замон талабларига жавоб берувчи, ракобатбардош, бир сўз билан айтганда, етук мутахассис кадрларни тайёрлашдир.

Етук мутахассис кадрларни тайёрлашнинг бош омилларидан бири, бу – ўкувчи ёшларни онгли равишда, қизиқишилари асосида касб-хунарга йўналтириш ва мослаштириш жараёни бўлиб саналади.

Бу борада ҳозирда ҳукуматимиз томонидан бир талай ишлар амалга оширилиб келинмоқда, бунга яққол мисол Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 июнданги “Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ўқитиш билан қамраб олишни таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисидаги 109-сонли қарори, шунга мувофиқ ишлаб чиқилган “Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларига

қабул қилиш ва расмийлаштиришни ташкил этиш тартиби түғрисида”ги Низомда келтирилган умумий коидаларида ҳам умумий ўрга таълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини (кейинги ўринларда битирувчилар деб юритилади) ўзлари ва ота-оналари (ёки уларнинг ўринини босувчи шахслар) томонидан танланган таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасаларида ўқитишни ташкил этиш тартибини белгилаш масалалари долзарб муаммо эканлигидан далолат бермоқда.

Аввало, қасб-хунарга йўналтириш ва мослаштиришнинг ахамиятлиги ҳақида тўхтадиган бўлсак: ўкувчи ёшларни қасбий қизиқишилари, мойиллуклари ва қобилиятлари асосида уларни онгли равишда қасб танлашларига кўмаклашиш ҳамда уларни жамиятда мутахассисликларга бўлган эҳтиёжини хисобга олиб, ишга жойлаштиришнинг мақбуллаштиришга қаратилган ижтимоий психологик, педагогик жараёнлар мажмуи тушунилади.

Келтирилган таърифдан ҳам маълумки, қасб-хунарга йўналтириш ва мослаштириш жараёни ижтимоий институтларнинг биргаликда амалга оширилишига қаратилган фаолият саналар экан. Шу боис, таълим муассасаларида ўкувчи ёшларимизга таълим-тарбия билан бирга қасб-хунар түғрисида қасбий ахборот, қасбий маслаҳат, қасбий тарбия орқали уларни қобилиятлари, қизиқишилари асосида онгли қасб-хунарга йўналтириш ва мослаштириш ишларини амалга ошириб келмогимиз мухим аҳамият қасб этади. Бунда, аввало узлуксиз таълим ислохотларида қасб-хунарга йўналтириш ва мослаштириш ишларини узлуксиз равишда аниқ бир ташкилий жараённига эга бўлмогимиз жоиз.

Зеро, етук мутахассис тайёрлашнинг бош омилларидан бири, бу – ўкувчи ёшларни қасблар олами ҳақида етарли даражада билимга эга бўлишлари ва уларни қизиқишилари, имкониятлари асосида мустақил равишда қасб танлаш жараённига йўналтириш мухим ўрин тутади. Бунда, аввало таълим муассасаларда фаолият юритувчи педагоглардан ўкувчи шахси билан психологик-педагогик ёндашиш жараёнларида етарли билим, кўникма малакаларга эга бўлишлари билан бирга ўкувчи шахсини мақсадли қасб-хунарга йўналтириш ва мослаштириш юзасидан тавсиялар бериш малакаларига ҳам эга бўлишларини талаб этади. Ушбу жараёнларга хизмат қилиш мақсадида “Қасб-хунар коллекларининг хатар гурухига мансуб ўкувчиларини қасбга мослаштириш технологияси” илмий-методик кўлланма тайёрланди.

Тарбия узлуксиз жараён бўлиб, инсон дунёга келишидан бошлаб, то умрининг охиригача давом этиб боради. Бу жараён давомида атроф-муҳитдаги воеа-ходисаларнинг шахсга салбий ёки ижобий акс таъсири этиши унинг инсоний фазилатлари қай даражада шаклланганлигини белгилайди. Бугунги кунда таълим соҳаси олдида турган энг долзарб муаммолардан бири ҳам айнан, шу мақсадга қаратилган бўлиб, келажак авлод яъни соғлом болаларни комил шахс даражасида шакланишини таъминлашдан иборатдир.

Афсуски, барча мамлакатларда бўлгани сингари, бизнинг ўсиб келаётган ёшларимиз орасида ҳам вояга етмаган хатар гурухига мансуб болалар мавжуд бўлиб, уларнинг тарбияси алоҳида эътибор ва ёндашувни талаб этмоқда. “Вояга етмаган хатар гурухига мансуб болалар” деган иборанинг асл маъноси нимада? Бу сўз замирида инсоннинг биологик ёши эмас, балки кўпроқ психологик ҳолати билан боғлиқ маъно мужассам. Глобал ўзгаришлар, илгор технологиялар асирида барчамизга аён ҳақиқат шундаки, фарзандларимиз жуда тез вояга етмоқда. Тўрт-беш ёшли боланинг дунёқарashi, ташки оламни ва бутун борлиқни идрок қилиши шу даражадаки, биз катталар унинг кўламини билмай ва сезмай қолмоқдамиз.

Вояга етмаган хатар гурухига мансуб болалар бу – жамиятда ўрнатилган ахлоқ меъёрлари ҳамда қонун нормаларига мос келмайдиган, уларга зид ҳаракат қилувчи хулқ-атвор кўринишларни ижрочиларирид.

Психологияда вояга етмаган хатар гурухига мансуб болаларда қуидаги хулқ-атвор хусусиятларининг классификациялари мавжуд:

- оммавий маданият таъсири (аудио, видео, мафкуравий ва ахборот таҳдидлари, модда...);
- зўрлик ишлатишга мойиллик;
- носоглом фикрни оммалаштирувчи;
- диний фанатизим;
- оиласда доимий муаммолар сабабчилари ва катта авлод қадриятлари тизимини қабул қилмаслик билан шартлашган низолар;
- касбга мослаша олмаслик ва қўнимсизлик;
- суицидал ҳавфга мойиллик ва бошқаларни шу ҳаракатлар билан қўрқитиш;
- психотроп воситаларга мойиллик (гиёҳванд моддалар: алкогол, наркотик...);

- ўз турмуши ва майший шароитидан доимий қониқмаслик;
- шахслараро муносабатларга кириша олмаслик, одамовилик (низолар, айрилиқ, хўрланиш, агрессивлик);
- соматик касалликлар, инфекциялар ва носпективик тана шикоятлари (чарчоклик, уйқунинг бузилганлиги ва зўрикиш хисси) таъсирида ўзига ишонч хиссини доимо паст баҳолаш.

Юқорида келтирилган хатар гурухига мансуб болаларнинг хулқий оғишларига асосий сабаб бўлувчи омиллар:

- ўсмирда ўтиш даврига хос “катталик хисси” нинг пайдо бўлиши кузатилганда ота-оналар ҳамда педагог-мураббийлар уни тан олмайдилар. Чунки бола ҳали ҳам моддий, ҳам маънавий томондан катталарга тобе, улар унга мустақилликни осонликча бермайдилар;

- мураккаб вазиятларда ўзини назорат қила олмаслик, бунинг учун сабр-бардошнинг ҳали шаклланмаганлиги;

- оиласдаги носоғлом вазият, ота-оналарнинг ўсмирлик ёш даври психологияси борасида билимга эга эмасликлари, баъзан эр-хотин ўргасидаги оддий муросасизликнинг йўқлиги, ҳатто, оиласнинг нотўлиқ мақомга келиб, яъни мураккаб педагогик вазиятлардан чикиш борасида ота-она билимининг етишмаслиги;

- ўқишида тенгқурларидан ортда қолиши, ўсмирнинг ажратиб қўйилиши; боланинг ўзига нисбатан ишончсизлиги, ўзига бўлган баҳонинг пастлиги (ёки баъзан ҳаддан зиёд юкорилиги);

- бола қобилиятларининг катталар томонидан салбий баҳоланиши, ундаги мавжуд фазилатларнинг ота-она ёки педагоглар томонидан ўз вақтида ва ўз ўрнида эътироф этилмаслиги натижасида бола хулқ-атворида салбий ҳатти-ҳаракатларни намоён бўлиши;

- оммавий ахборот воситалари орқали берилётган зўравонлик, қийноқ ёмонликнинг жазосиз қолиши каби ахборотларнинг тўғридан-тўғри қабул килиниши, телевидение ёки интернет тармоқлари орқали биз таъкидлаган жиҳатларнинг намойиш қилиниши ва бола уни тўғридан-тўғри қабул қилиши учун тўсиқларнинг йўқлиги натижасида унда мафкуравий иммунитетининг заифлашуви;

- ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва танлаган касбларига ижтимоий касбий мослаштириш жараёнларини узлуксиз равища ота-она ва таълим муассасалар томонидан доимий узвийликни амалга оширилмаслиги натижасида, ўқувчида касблар олами унга қўйилган психофизиологик талаблар ва имкониятлари, қизиқиши, мойилиги,

лаёқати, қобилиятига мос касб танловини катталар томонидан педагогик-психологик тарзда асосланмаганлиги боис, уларда касб танлашда хавотирланиш, құрқиши, ишончсызлик, касб түгрисида тұлық маълумотларға эга бўлмаслик вазиятларини келтириб чиқаради. Бундай вазиятлар айниқса вояга етмаган хатар гуруҳига мансуб болаларда касб танлаш ва унга ижтимоий мослашиш жараёнларига салбий муносабат шаклланади:

- 1) ўқувчилар у ёки бу касбдаги одамга муносабатни касбнинг ўзига бўлган муносабат билан бир хил деб қарайдилар;
- 2) ўқув фанини касб билан бир хил деб тушуниш;
- 3) касбни ташки жиҳати билан қизиқиш ва шу аснода баҳолаш;
- 4) ўз қобилиятига түгри баҳо бера олмаслик;
- 5) ўқувчи у ёки бу касбга зид бўлган ўз жисмоний хусусиятлари ва нуқсонларини назар писанд қиласлик (майда, нозик иш, масалан, соат заводида, аник асбоблар заводида. Кўриш органининг заифлиги, масалан, транспортда ишлаш, заргарлик, наққошлик каби.);
- 6) ўртоқлари, тенгқурларининг таъсири остида касб танлашлари кузатилади.

Маълумки, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан оила, маҳалла, таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари, хукуқни муҳофаза қилувчи мутасадди органлар, илмий педагогик кадрлар шуғулланадилар. Аммо ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва ижтимоий касбий мослаштириш жараёнларида ҳам барча иштирокчиларнинг эътибори, баҳамжиҳатлиги таъминланса, ўқувчининг мустақил, онгли касб танлаш ва унинг ижтимоий касбий мослашуви орқали келажакда биз кутган баркамол авлод буюртмасига эришишимиз мумкин.

## **1. “ХАТАР” ГУРУҲИГА МАНСУБ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ИНДИВИДУАЛ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИНГ ТИПОЛОГИЯСИ**

“Хатар” гуруҳига мансуб ўқувчилар муаммоси азалдан энг долзарб муаммолардан бири бўлиб келган.

Бу муаммонинг юзага келиш сабабларини чуқур таҳлил қилас эканмиз, энг аввало, туғилган боланинг уни дунёга келтирган шахсларнинг кимлиги, иккинчидан, у қандай ижтимоий мухитда туғилиб вояга етиб, улғаётганлигига эътиборни қаратишмиз

лозимдир. Мазкур муаммо юзасидан мамлакатимиз психолог олимлари Э.Э.Фозиев, Ф.Б.Шоумаров, Й.М.Асадов, О.У.Авлаев, Г.Қ.Тұлаганова, Ҳ.Рухиева, Л.С.Турсунов, Г.Т.Ядгаровалар томонидан илмий тадқиқот ишлар амалга оширилған. Й.М.Асадовнинг фикрича, шахснинг психологик, ирсий хусусиятлари ундаги баъзи тұгма касалліктері хам шахс хулқатворининг шақлланишига бевосита ва билвосита таъсири этишини эътироф этган.

Психологик кузатишларга қараганда сүнгги пайтларда хатар гурухига мансуб ўкувчилар билан боғлиқ муаммоларнинг тез-тез учраб туриши таъкидланмоқда. Бу муаммони бир қанча ташки сабабларга боғлаш мүмкін, яъни, ҳозирги вактда ахборот оқимининг юқориилиги (узлуксиз телевизор күриш, компьютердаги ҳар хил ўйинлар эпизодларига тақлид қилиш, Internet тизимидағи норасмий сайтылар орқали ҳар хил номақбул ахборотларни ўзлаштириши) ёки катталарнинг эътиборидан четда бўлиши, оиласдаги кризис ва хоказолардир. Бу омилларни инкор этмаган ҳолда, мазкур муаммонинг туб сабабларини ўкувчининг психик тараққиётидан кидириш лозим.

Ҳозирги ёшлар тез таъсиранувчан, мустақилликка мойиллиги юқориилиги ва шу билан бирга нисбатан бефарқ, ўз вақтларини мазмунли ижтимоий фойдали фаолиятта сарфлагилари келмайди. Ваҳдоланки, инсон табиатан ўзига хос осон ва қўнгилочар машғулотларга мойил бўлади. Инсон хулқ-атвори таркибининг аксарияти табиий инстинктлари тазийики остида бўлишини инобатга олиниши керак. Ушбу тазийкларни тўғри мувофиқлаштириш инсондан иродавийликни талаб киласди.

Бу ҳолатни замонавий техниканинг ривожланғанлиги таъсири деб хам изохлаш мүмкіндир. Кўпчилик ҳолларда болалардаги бу ўзгаришларга эътиборсизлик ҳамда бефарқлик уларнинг хулқатворида салбий оғишлирининг бошланғич сабаби ва асоси бўлиши мүмкін. Психолог олимлар Г.Т.Ядгарова, О.У.Авлаевлар томонидан психологик хизмат доирасида болани тарбиясидаги салбий ўзгаришларни олдини олишида энг аввало болага таъсир кўрсатиш зарурлиги таъкидланади. Бунинг учун болани ўзини ўзgartиришга тайёрлаш, яъни:

- ташки муҳит таъсиридан саросимага тушмасликка;
- турли хил қийинчилекларни енгип ўтишга ўргатиш лозим. [12; 122].

Демак, олимларнинг фикрича, болада мавжуд нотўғри салбий чигаришларни руҳий ривожланишнинг меъёр даражасига етказиш орқали бола тарбиясидаги қийинчиликларни йўқотишга эришиш мумкин экан. Шу ўринда психология фанига мурожаат этиб, инсон психикасида онгнинг таркиб топиши хусусида қисқача тўхталиб ўтишни жоиз деб билдик.

Маълумки, инсон онгининг юксак белгиларидан бири унинг ўзини англашидир. Унинг ўзини англаши ўз навбатида шахснинг муҳим белгиси хисобланади. Инсон ўз теварак-атрофидаги оламни қилувчи ва шу оламга таъсир этувчи субъектдир. Инсоннинг идрок ғадиган, тасаввур қиласиган нарсалари унинг учун обьектдир. Ана шу нуқтаи-назардан олганда, инсоннинг ўзини англаши субъектив равишда ўзини «Мен» деб ҳис қилишида ифодаланади. Инсон ижтимоий зот бўлғанлигидан унга ўзлигини англаш қобилияти хосдир. Фақат ижтимоий ҳаётда, ўзга кишилар билан қиласиган турли муносабатларда одамнинг ўзини англаши, ўзини «Мен» деб билиши вужудга келади ва тарақкий этади. Одам ўзини алоҳида шахс сифатида ким деб билиши, ўзининг ўтмиши ва келажагини англаши, ўз ҳуқук ва бурчини англаши ва ниҳоят ўзининг фазилат ҳамда камчиликларини англаши ўзини англашига киради.

Инсоннинг табиатини ўзгартирадиган, унинг шахсини таркиб топишига таъсир қиласиган куч ижтимоий омиллар ёки бошқачароқ қилиб айтганда, жамият ишлаб чиқариш кучлари, ҳамда ишлаб чиқариш муносабатларининг ўсиши ва ўзгишидир. Бундан ташқари яна инсон шахсининг таркиб топишига таъсир қилувчи кучли омил – инсон орттирган тажрибаларнинг тарбия воситаси орқали болаларга берилишидир. Шундай қилиб, инсон шахси жуда мураккаб психологик категория бўлиб, у кишининг индивидуал ҳаёти давомида маълум конкрет омилларнинг таъсири остида секин-аста таркиб топади. Илмий манбаларга қараганда инсон шахси учта факторлар таъсирида таркиб топади. Улардан биринчиси одам туғилиб ўсадиган ташқи ижтимоий муҳитнинг таъсири бўлса, иккинчиси одамга узок муддат давомида системали бериладиган ижтимоий таълим-тарбиянинг таъсиридир ва ниҳоят, учинчиси одамга наслий йўл билан берадиган ирсий омилларнинг таъсиридир.

Шундай қилиб, инсоннинг психик тараққиётида ва шахсий сифатларининг таркиб топишида ташқи ижтимоий муҳит ва тарбиянинг роли ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Лекин, инсон шахсининг таркиб топиши, юқорида айтиб ўтганимиздек, фақат шу

иккита факторга эмас, балки учинчи бир факторга ҳам боғлиқдир. Бу фактор наслий йўл билан айрим анатомик ва биологик хусусиятларнинг таъсиридир. Одамга наслий йўл билан айрим анатомик ва биологик хусусиятлари берилади. Масалан, танасининг тузилиши, сочи ва кўзларининг ранги, овози, гапириш услублари, айрим харакатлари туғма равищда берилиши мумкин.

Маълумки, одамга ҳеч вақт унинг психик хусусиятлари, яъни унинг аклий томонлари билан боғлиқ бўлган сифатлари наслий йўл билан берилмайди, деб изохланади. Лекин, шуни ҳеч қачон эсдан чиқармаслик керакки реал ҳаётда кўпинча инсоннинг характер хусусиятидаги салбий оғишлар унинг наслий таркиби билан боғлиқ эканлигига амин бўламиз. Шу ўринда 1-жадвалга эътиборингизни қаратинг.

Шахс фаолиятига таъсир килувчи омиллар		
Ирсий биологик омиллар:	Психологик омиллар:	Ижтимоий омиллар:
<ul style="list-style-type: none"> <li>- туғма хусусиятлар;</li> <li>- туғма нуксонлар;</li> <li>- орттирилган нуксонлар.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- фикрлаш тарзи;</li> <li>- эмоционал таъсируланиш даражаси</li> <li>- иродаси;</li> <li>- темпераменти;</li> <li>- характеристи;</li> <li>- қобилияти.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- жамият тузилмаси;</li> <li>- ижтимоий институтлар;</li> <li>- ижтимоий меъёрлар;</li> <li>- турмуш тарзи.</li> </ul>

Инсоннинг шахс сифатида шаклланиши унинг биологик ва ижтимоий омилларига боғлиқ экан. Демак, болалар хулқ-атворининг салбий томонга оғишида ҳам бевосита ўзига хос юкоридаги икки омилнинг ўрни бор. Боланинг хулқ-атвори кўпинча ўз олдига қўйган мақсадлари, қизиқишилари, идеаллари ва эътиқодлари мажмууда яққол намоён бўлади. Хулқ-атвордаги ўзгаришлар бевосита ёш кризис даврларининг кечиши билан боғлиқ юз бериши табиийдир.

Шундай қилиб, боладаги салбий иллатларни олдини олиш ва уларни бартараф этишда қуидагиларга эътиборни қаратиш зарур:

**биринчи ўринда**, ҳар бир ёш даврни ўзига хос психологик ривожланиш даражаларини аниклаб олиш лозим;

**иккинчи ўринда**, болани тарбиясидаги содир бўлаётган салбий ўзгаришларни ўрганиб чиқиш керак;

**учинчи ўринда**, хатар гурухига мансуб болаларнинг психологик ривожланишини меъёрлаширишга йўналтирилган маҳсус тадбирларни ишлаб чиқиш лозимдир.

### **Хатар гурухига мансуб болаларнинг хулқ-атворидаги ўзгаришнинг ёшга боғлиқлиги**

Ёш даврлари психологиясида олимлар томонидан таъкидланишича, инсон ёш даврларини таҳлил қилиш, уларнинг ҳар оғир бола, ўсмир ва ўспирин ҳаётини чуқур ўрганишдан бошланади. Бу эса ёш даврларининг характер хусусиятларидаги ўзгаришларини психологик қонуният асосида амалга ошишини билиш мақсадга мувофиқдир.

Психолог Г.Қ.Тўлаганова ўсмир ёшининг даврланишига алоҳида ўтибор қаратиб, ўзига хос хусусиятларни шарҳлаб ўтган эди. Масалан:

**10-ёш** ўсмирлар мувозанатли ҳаётни тез идрок этувчи, ишонувчан, ота-оналарига итоатли, ташқи қиёфага эътиборсиз бўлганлиги боис бу “олтин ёш” ҳисобланади.

**11-ёш** организмда қайта куриш юз беради, болалар гайри - табиий негативликни намоён қилади, кайфияти тез ўзгаради, ота-оналарига нисбатан норозилик билдирувчи.

**12-ёш** тез жазавага тушувчан, дунёга нисбатан ижобий муносабат шаклланади, ўсмирда оиласига нисбатан автономлик ва тенгдошларига таъсири ортади. Уларда ақллилик, ҳазил-мутойибага мойиллик, чидамлилик, ташаббускорлик, ташқи қиёфа ва қарамакарши жинсдагиларга эътибори орта бошлайди.

**13-ёш** ўзининг ички дунёсига эътиборлик, интровертликка хос бўладики, улар ўзини ўзи танқид қилишга ва танқидларга нисбатан таъсиранувчан, ота-оналарга танқидий муносабат билдирувчи, дўст танловчи, тўлқинланиш ва ҳаяжонланиш ортади.

**14-ёш** ўсмирлардаги интроверсия экстраверсияга алмашинади, шижоатли, хушмуомала, ўзига ишонч уйғонади, бошқаларга эътибори ортади ва улар ўртасидаги фарқни ажратади.

**15-ёш** бу ёшдагилар учун мустақиллик ортади, бу эса уларнинг оила ва мактаб билан боғлиқ зўриқишиларга дучор этади. Уларни гурухли ҳаракат қилишга ва гуруҳдагиларга мослашишга интилиш ортади.

**16-ёш ўспириналар хисобланиб, уларда мувозанатлашув, ҳаётдан қувониш, ички мустақиллик, эмоционал баркарорлик, муомалага мойиллик, келажакка интилувчанлик ортади.** [13; 37].

Юқорида санаб ўтилган ҳолатлар билан ёш даврларни характерли жиҳатларини шархлаб ўтдик, чунки ёш хусусиятларининг психологияк тавсифи, болаларни хулқ-атворидаги ўзгаришларини баҳолаш имкониятини беради.

### **Хатар гурухига мансуб болаларнинг хулқ-атвордаги салбий оғишилар типологияси**

Хатар гурухига мансуб болаларнинг хулқ-атвордаги салбий оғишилар борасида олимлар бир катор типологияларни яратишган. XX асрнинг охирларида болаларни ижтимоий ва психофизиологик ўзгаришларга қараб В.Л Леви ёш қонунбузарларни олти типга ажратади.

**1. “Эси паст”.** Уларнинг хулқ-атворида шўхлик, ёқимсиз ҳатти-харакатлар етакчилик қиласи. Уйга кеч келиш, алдаш, таълим муассасасидаги хар хил низоли вазиятни келиб чиқишига сабаб бўлишлари, кинога билетсиз киришлари, доим жанжаллашиш, атрофдагиларни кўнглини қолдириш, наркотикни татиб кўришга мойил бўладилар.

**2. “Ота-онанинг душмани”.** Бу тоифадаги ўсмирлар ўз ҳатти-харакатлари билан ота-оналарини кийин ҳолатга қолдирадилар, уларга норозилик ҳиссини очик-ойдин билдирадилар. Улар ота-онасини муносабатини тушунмайдилар. Бу даврда салбий ҳисларни орттириб юборадилар.

**3. “Ахлоқсиз бола”.** Бундай ўсмирлар ассоциал йўналишга эга. Уларнинг ҳиссий ва интеллектуал тараққиётида ўзгаришлар йўқ, хулқ-атворларида ҳам яккол оғиш кузатилмайди. Уларда конунбузарлар билан алоқада бўлишга мойиллик бор. Бу ҳолат болага нисбатан оиласидаги эътиборсизлик ёки номақбул оиласида тарбия топганлиги замирида вужудга келиши мумкин. Шунинг учун бундай болалар жиной олам меъёрларини қабул қиласидилар ва уларга бўйсунадилар.

**4. “Органик”.** Бу тоифадаги болаларда миядаги лат ейиш, ёки ақлий тараққиётда ортда қолиши хос. Натижада боланинг интеллектуал ривожланиши ортда қолади бу эса тартиб-интизомни

ҳамда хулқ- атвортинг бузилишига олиб келади. Бундай болалар күпинча ўз тенгдошлари билан асабийлашадилар ва жанжаллашадилар.

**5. “Психотиклар”.** Ақлий стилмаган, касалманд болалар бўлиб, улар учун галлюцинация, жиноий ҳаракатлардан хурсанд бўлиш, бузғунчи фикрлар хукумронлик қиласи. Таълим муассасаларда хукуқбузарлик, жиноятларни амалга ошириш кўпроқ уларнинг хатти-ҳаракатларида кузатилади. Чунки ўқиш ва меҳнат улар учун энг хавотирлик туйғуларини келтириб чиқарувчи омилдир.

**6. “Наслий бузуқлик”.** Бу тоифадагилар бирламчи психопатлар ҳисобланадилар. Улар учун жиноий ҳатта-ҳаракат килиш одатий ҳолга айланади. Буларда хатти-ҳаракатлар илк ёшлигидаёқ намоён бўладики, асоциалланишга мойил. Уларда маъсулият ҳисси йўқ ва ишониб бўлмайди. Улар билан психокорекция ишларини олиб бориш ва ёрдам кўрсатиш анча мушкулдир. [16; 127].

Юкорида хатар гурухига мансуб болаларнинг хулқ-атвортдаги салбий оғишлиларда дастлаб кўпроқ агрессивлик ҳолати кузатилган.

“Агрессив”лик деганда, шахснинг бузғунчиликка интилиши билан характерланувчи хусусият бўлиб асосан субъектлараро муносабатлар соҳасида намоён бўлади. Эҳтимол, инсон активлигининг бузғунчилик компоненти яратувчилик фаолиятида зарур ҳисобланар, чунки индивидуал ривожланиш талаби беихтиёр кишиларда бу жараёнга тўсқинлик қилувчи тўсқиларни бартараф этиш, парчалаб ташлаш қобилиятини шакллантиради.

Аслида ғазаб кўркув ва бошқа эмоциялар инсонни ўраб турган мұхитта адаптация функциясини бажаради. Ғазаб тасодифий реакция, у инсонга ўзи учун хавфли вазият давом этаётганида пайдо бўлади ва инсон учун керакли ҳолат. Аммо у йигилиб бораверса ва доимий сиқилиш билан кузатилса буни нормадан ташқари ҳолат ҳисоблаш мумкин. Стресснинг узоқ давом этуг‘чи ҳаракати адаптацияни бошқаришга қаратилади. Қачонки бу ҳолатда агрессивлик пайдо бўлса, юкори хавотирланиш ва бошқа нерв симптомлари ўз-ўзини бошқариш тизимининг бузилишидан дарак беради.

Куйидагиларни нормадаги ҳодиса дейишимиз мумкин бир ёшли боланинг онаси унга қандайдир ёқимсиз нарсани қилгани учун қўл кўтариши, икки ёшли боланинг бошқа болани уришга ҳаракат қилиши, болаларнинг ўйинчогини тортиб олишга уриниши. Бу

реакцияларнинг барчасида жаҳл тасодифий ва адекват ҳодиса, бироқ бузилишнинг ўсиб боришига сабаб ҳам бўлиши мумкин. Ҳар қандай бузилиш ўз бошланишида конкрет вазиятни олади. Жаҳлдорлик реакциясининг ўсиб боришига қўйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

- ота – онанинг доимий агрессив хулқи. Бола уларга тақлид килади ва уларнинг агрессивлигини «юқтириб» олади. Бу шундан далолат беради, боланинг эмоционал ўз-ўзини бошқариши ота-онасининг эмоционал ўз-ўзини бошқариши типида курилади;
  - болага меҳрсизлик кўрсатилиши, унда ҳимоясизлик туйғусининг шаклланиши, атрофни ўраб турган оламга хавф ва душманлик туйғуси;
  - ота-она ёки бирор бир ҳодиса сабабли тез-тез бўладиган ва узоқ давом этувчи фрустрация;
  - болага ота-онаси томонидан бўладиган камситиш, таҳқиrlаш. Бу тез-тез бўлиб турадиган фрустрация ҳодисаси, аммо у бола шахсининг шаклланишида муҳим, шу сабабли коррекцияга муҳтож.
- Агрессивлик сифат ва микдор тавсифларига эга. Барча хусусиятлар каби у ҳам турли даражада ифодаланади.

### **Хатар гурухига мансуб ўқувчиларда агрессив хулқ турли кўринишларда намоён бўлади:**

1. **«Намойши:корона»** тип – бу турли хил йўналишларда жўшқин фаолият юритувчи холерик. Бундайлар кўзга ташланиб юришни ёқтирадилар. Ўзларини шунга мос тутишади. Ўзига юқори баҳо бериш кузатилади. Одатда ақлли, фаросатли.
2. **«Ригид»** (нодон) – бундай типдаги болалар янги муҳитга мослаша олмайдилар, атрофдагиларнинг фикри ва нуқтаи назарини эътиборга олмайдилар. Жуда тез хафа булишади, иззатталаб, хеч кимга ишонмайдилар. Ўз хулқига танқидий ёндашмайди, ўзини таъкидлашларини ёқтиради.
3. **«Недант»** – бундай болалар одатда жуда пухта, инжик, ижрочи бўлсада одамови, одамлар билан мулоқотдан қочади.
4. **«Зиддиятсиз»** – ўзи ангалаған ҳолда зиддиятдан қочадиган, ўз фикр ва баҳоларида нотурғун, ўзгалар таъсирига берилувчан, бирор қарор қабул қилганда маъсулиятни ўзгаларга юклайди.
5. **«Амалиётчи»** – «Энг яхши хужум – ҳимоя» шиори остида ҳаракат қиласи. Бундай болалар учун энг муҳими атроф муҳитни ўзгартириши ўзга одамларнинг позициясига таяниш. Бунинг оқибатида турли хил тўқнашувларга учрайди.

Е.К Лютова., Г.Б Монина қуйида агрессив болаларнинг ўзига хос типологиясини таклиф қилади.

«*Даргазаб*» – бу типдаги болалар табиатан жаҳлдор эмас, у ҳиссисётлар билан вазиятни кўлга оламан деб ўйлади.

«*Шикоятчи*» – қандайдир ғояга эга бўлган болалар бўлиб, бу гоя амалга ошмагани учун кўпчиликни, баъзида бутун оламни айблайди, лекин бу муоммони ҳал қилиш учун ҳеч нима қилмайди.

«*Индамас*» – ҳамма нарсани ўзига олади, ўзини хафа эканлигини яширади, сўнгра кимгadir ғазабини сочади.

«*Доимий айбловчи*» – ўзгалар айбини ахтарувчи бола, у доимо ўзини ҳақ деб билади.

«*Тажсовузкорлар*» – қўпол ва андишасиз гапларни гапирадиган, уни тингламасалар жаҳли чиқадиган бола. Одатда унинг жаҳли ортида ўз ишини яхши билмаслигини фош бўлишдан кўркиш ётади.

«*Яширин қасоскор*» – қандайдир найранг билан одамларни қийновчи бола. Кимдир нотўғри иш қилган бўлса адолат ўрнатмоқчи бўлади.

«*Максималист*» – зарурат бўлмаган тақдирда ҳам бирор ишни зудлик билан қилишга шошиладиган одам.

«*Сохта альтурист*» – гўё сизга яхшилик қилмоқчике бўлади-ю, юрагининг тубида бундан афсусланади. Баъзида у яхшилик қилишларини ҳам талаб қилади. [17; 136].

Бугунги кун психологик-педагогик тажрибалар хатар гуруҳига мансуб болалар ҳулқ-авторини психокоррекциялашни қуйидаги тартибда асосланишни тақозо этмоқда:

Ёш жиҳатларига қараб профилактика ва психокоррекция ишларни бошлиш талаби: хатар гуруҳига мансуб болаларнинг айнан ўсмирилик ёшида ҳулқда қатъий бузилиш кўпроқ шаклланиши мумкин вақтда, профилактик ва коррекцион ишларни олиб борилади.

Ишни дифференциал ва индивидуал ташкил этиш: болаларнинг тарбиявий-профилактик жараёнларида ёш ва жинсини инобатта олиб дифференциал ҳамда уларни ҳар бири билан индивидуал ишни режалаштириш.

3. Ҳулқ-авторни қандай ҳолатда келганилиги, яъни вазият, шарт-шароитга қараб самара берувчи шакл, усул, воситалардан фойдаланиш: болалар билан ишлаётганда уларни ҳар бир тоифасига қандай миллатга хослиги, дунёкараши, динидан қатъий назар ишонч унинг қизиқишларини ҳисобга олиб, унга очик кўнгиллик билан муносабатга киришиш.

4. Минтақавий хусусиятларни ҳисобга олиш: хатар гурухига мансуб болалар билан тарбивий-профилактик тадбирларни ўтказиш жараёнида уларни ижтимоий—маданий ва иқтисодий вазиятларга таяниб, минтақанинг хусусиятларини ҳисобга олиш лозим.

Хатар гурухига мансуб болалар билан ишлаганда тақдирлаш ва жазолаш усуллари ҳам баъзан ўзининг самарадорлигини кўрсатади.

**Тақдирлаш** бола ҳатти-харакатларида ижобий сифатларни таркиб топиши ва мустахкамланиши учун.

**Жазолаш** эса ихтиёrsиз намоён бўладиган салбий фазилатларни тормозлаш ва улардан огоҳ этиш мақсадида фойдаланилади. Жазолаш ҳам адолатли ва боланинг „мен”ини, шахсини камситмаган ҳолда ёндашишини талаб қиласди.

Шунингдек, тарбиявий воситалар орасида тарбия амаллари борки, уларни самарали ташкил этиш ва амалга ошириш ижобий натижаларга олиб келади.

Тарбия амаллари - тарбия методларининг таркибий элементлари бўлиб, улар тарбиявий таъсир самарадорлигини таъминлашга ёрдам беради.

Тарбия амалларини мақсад ва йўналишидан келиб чиқсан ҳолда уларни қуидаги уч гурухга ажратишимииз мумкин:

### **Биринчи гурухга**

- тарбиячининг тарбияланувчига мурожаат этиши орқали унинг шахсий эҳтиёжларини аниқлаш ёрдамида ташкил этиладиган амаллар. Бу амаллар тоифасига ёрдам кўрсатишига эҳтиёжни аниқлаш амали. Тарбиячи тарбияланувчига маслаҳат маъносида мурожаат қилиб, ўз муаммолари ҳакида сўзлаб беришини сўрайди ва шу аснода муаммонинг ечиш йўлларини топади.

- яхши ҳатти-харакатларга йўналиш бериш амали: тарбиячилар тарбияланувчиларга ёрдам зарур бўлганда кўмак берадилар. Бунда ижобий ҳатти-харакатларга алоҳида ургу берилади.

- ҳаёт истиқболини белгилашга кўмаклашиш амали: педагог сухбат жараёнида тарбияланувчининг ҳаёт режаларига аниқлик киритади. Шундан сўнг тарбияланувчининг режаларини амалга оширишига кўмак берилади.

**Иккинчи гурухга** гурухий фаолиятни ташкил этишга асосланган тарбия амалларини киритиш мумкин.

- ўзини ўзи руҳлантириш амали: ўқувчилар гурухларга ажралиб, бир-бирига маълум саволлар билан мурожаат қиласдилар, берилган савол ва жавоблар солиштирилиб, сўнгра муҳокама килинади.

• эркин мавзуда сухбатлашиш амали: ҳар бир тарбияланувчи ўзи қизиқадиган бирор мавзу бўйича ҳикоя тузади ва гуруҳдагиларга ҳикоя қилиб беради.

**Учинчи гурухга** ўқитувчиларнинг ўқувчиларга атрофидаги мухитни ўзгартиришга йўналтирилган ташкилий фаолиятларига қаратилган амаллар киритилади.

• кўрсатма бериш амали: тарбияланувчиларга муомалага ва хулқ-атвор қоидаларига таяниб, берилган топширикларни бажариш сўралади. Тарбияланувчилар ўйин қоидаларига мувофиқ ўз мулоҳазаларини беришлари мумкин. Таклифлар жараёнида ҳар бир тарбияланувчининг мавқенини ҳимоялаш инобатта олинади.

• ролларни тақсимлаш амали: тарбияланувчиларнинг мавзуни билишларига қараб роллар тақсимланади ва улардан топширикни бажариши сўралади.

Келтириб ўтилган хатар гуруҳига мансуб болалар хулқ-атворини психокорекциялаш ва улар билан ишлашда тақдирлаш ва жазолаш усуслари, тарбия амалларини мақсад ва йўналишидан келиб чиқиб психологик-педагогик ёндашиш таълим-тарбия жараёни билан касб-хунарга йўналтириш ва мослаштиришнинг узвийлигини таъминлашга муҳим омил бўлиб хизмат қиласди.

## **2. ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИЯДА ВОЯГА ЕТМАГАН ХАТАР ГУРУҲИГА МАНСУБ БОЛАЛАР МУАММОСИ ВА УНИ ХАРАКТЕРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

*(девиант хулқ-атвор мисолида)*

“Вояга етмаган” деган иборанинг асл маъноси нимада? Бу сўз замирида инсоннинг биологик ёши эмас, балки кўпроқ психологик ҳолати билан боғлиқ маъно мужассам. Глобал ўзгаришлар, илгор технологиялар асрида барчамизга аён ҳақиқат шундаки, фарзандларимиз жуда тез вояга етмоқда. Тўрт-беш ёшли боланинг дунёқараши, ташки оламни ва бутун борлиқни идрок қилиши шу даражадаки, биз катталар унинг кўламини билмай ва сезмай қолмоқдамиз.

Жамиятда вояга етмаганлар энг муҳим, мураккаб, муоммоларга тўлиқ гурух сифатида олимлар ва педагогларнинг доимий диққат-марказида туради. Бу эътибор замирида, аввало, фарзандларимизнинг муайян муоммолари, ички руҳий кечинмалари ётадики, уларни ўрганиш асосида осонроқ ҳал қилишга кўмаклашиш масаласи устиворлик касб етади.

Вояга етмаганлар тарбияси икки мухим жиҳати кўзга ташланади. Бу бир томондан, замона зайли билан фарзандларимиз онгида турли ўзгаришлар ясаётган тараққиёт билан боғлиқдир. Чунки конун хужжатлари, жумладан, “Бола хукуқларининг кафолатлари тўғрисидаги” қонунда ҳам “бала (болалар) – ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга қадар бўлган шахс (шахслар)” деб эътироф этилиб, генезис нуқтаи назаридан анчагина узок давр вояга етмаганлик даври сифатида қайд этилган. Иккинчи тарафдан эса ўн саккиз ёшга тўлган инсон “шахс” деб эътироф этилиб, унинг шахс эканлиги алоқадор жиҳатлари инкор қилиб бўлмайди. Бундан кўриниб турибдики, “вояга етмаган” деган таърифнинг ўзидаёқ ушбу даврнинг ўзига хослиги, кийинчиликлари, демак, муайян муоммолари мужассамлашгандек туюлади.

Психологлар бу даврни иккига бўлиб ўрганиш кераклигини таъкидлайдилар.

“Ўсмирлик даври” 10-11 ёшдан бошланиб, 14-15 ёшгача қамраб олади. Вояга етмаганликни кейинги даври 18 ёшгача давом этади. Ўсмирликнинг бошлангич даври 10-12 ёшни, юқори даври 12-15 ёшга тўғри келади. Вактнинг ўзига хослигию мураккабликлари кўп ва хўп ёзилган. Мухими – айнан шу вактда инсон боласи кенг ижтимоий муносабатлар тизимида ўз ўрнини аниқлаш, англаб олишга уринади, турли ижтимоий вазиятларга ўзини солиб кўради, керак бўлса, ўзини ўтга, чўқка уради, натижада ҳар бир бола ўзгача тарзда намоён бўлади. Ўзига бўлган баҳосининг бекарорлиги, турли вазиятларда ўзини анчагина тажант тутгани боис, бола хулқ-атворида турли чекинишлар, оғишлар кузатилади. У англаб-англамай ўзи кутмаган муаммолар домига тортилади, хатто жинойи ҳаракатлар ҳам содир этиб кўйиши мумкин. Айнан шундай ҳаракатларнинг олдини олиш, вояга етмаган фарзандларимизнинг жамият хаётига фаол киришиши давридаги барча хукуқларини ҳимоя қилиш Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Зоро, мухтарам юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, “Барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзузи туради”.

Мамлакатимизда мустакилликнинг ilk йиллариданоқ, ёшларга оид давлат сиёсатига кенг жамоатчиликнинг диққат-эътибори

қаратилди. Ёшларни ижтимоий жиҳатдан шаклланғанда, камон тоғтириш, иқтидори ва истеъодини жамият манфаатлари ійүлида имкони борича тўла-тўқис рўёбга чиқариш учун яратилган имконият ва шарт-шароитлар чексиздир. Шу мақсадда қабул қилинган қатор қонунлар асосан ёшлар, хусусан, вояга етмаганларнинг хукуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган. Бунга мисол қилиб, “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги ҳамда юкорида зикр этилган. “Бола хукуқларининг кафолатлари тўғрисида” ги, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонунларни келтириш мумкин, уларда вояга етмаганлар хукуқ ва манфаатларини химоя қилишнинг самарали механизмлари белгиланиб, ижроси ҳам таъминланмоқда. Ушбу қонунларда вояга етмаганлар манфаатлари камситилишининг, уларнинг қонуний хукуқлари поймол бўлишини олдини олиш чоралари ишлаб чиқилган. Шундай қилиб, Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти қуриш шароитида жуда долзарб муоммолардан бири вояга етмаганлар ўртасида содир этиладиган турли хил жиноятчилик ҳолатларининг олдини олиш, қонуний хатти-ҳаракатлари профилактикасининг самарали йўлларини белгилаш ҳисобланади. “Соғлом бола йили” деб эълон қилинган 2014 йилда илмий-амалий томондан ўта долзарб масала ота-она ва фарзандларнинг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш орқали оиласдаги маънавий муҳит барқарорлигига, ёшларнинг ҳар томонлама барқамол вояга етишига эришиш, ўсмирлик ва илк ўсмирлик ёшидаги болаларни турли хулқий оғишлардан муҳофаза қилишга ҳам эътибор қаратилиши лозим. Тўғри, хеч бир ота-она боласига ёмонликни раво кўрмайди, уни ҳамиша турли балолардан, нотўғри хатти-ҳаракатлардан асрарни ўзининг бирламчи бурчи деб ҳисблайди.

Бола эса бу ҳолатнинг нозик томонларига ўралиб олгани учун ота-она орзусини чукур англамайди, чунки ўсмирлик вақти шундай даврки, бола билар-бильмас, баъзан эса қасдан ноодатий ҳаракатлар содир этиб, умумахлоқ меъёрларидан чиқиб кетгиси келаверади. Масалан, ўқитувчи ундан мактабда коллеж ёки академик лицейларда жорий қилинган кийимда келишини талаб қилса, атайлаб бошқача кийим кийиб кўпчиликнинг диққат-эътиборини ўзига қаратгиси келади. Муаллима ёки ота-она ўсмирни дугонаси, дўсти билан ҳадеб гаплашавермасликка, вақтини бехуда ўтказмасликка, кўп “SMS” ёзмасликка даъват этгани сари у тескарисини қилади. Яширинча

телефон билан мулоқатга киришади, кўчада дўсти ёки дугонаси билан соатлаб гаплашиб тураверади. Шу каби “қайсарликлар”, кўполроқ килиб айтганда “бемаъниликлар” секин-аста ахлоқбузарликлар ёки хуқуқбузарликларга олиб келиши ҳаётда жуда кўп кузатилган. Ўсмирнинг айнан шундай ҳолатга кириши психология фанида “девиант хулқ-автор” деб аталади.

Девиант хулқ-автор - шахснинг жамиятда ўрнатилган ахлоқ меъёрлари ҳамда қонун нормаларига мос келмайдиган, уларга зид бўлган ижтимоий хулқидир.

Девиация (лотинча четга оғувчи феъл-автор деган маънени билдиради) кўпгина ҳолларда ижтимоий таъқиқларни талаб этади. Девиациянинг шундай кўринишлари борки, улар одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар нормаларининг бузилиши билан боғлиқ бўлиб, жамиятга жиддий зарар етказмайди. Улар ижтимоий фикр ва ўзаро муносабатлар қатнашчиларининг ўзлари томонидан бошқарилади.

Девиациянинг ижобий ва салбий кўринишлари мавжуд. Ижобий девиация ҳоллари нормалар эскириб, талағба жавоб бермай колганда ва улардан оғиш тизимнинг ривожига, феъл-авторнинг мавжуд консерватив стандартларини ўзгартиришга ёрдам бериши мумкин бўлганда учрайди. Салбий девиация ижтимоий патологиядир ва унинг кўринишлари аниқ шахсга ҳамда бутун жамиятга жиддий зарар етказади.

Девиациянинг қўйидаги класификацияси мавжуд: жиноятчилик, алокоголизм, гиёхвандлик, суицид, ўгрилик.

**Жиноятчилик.** Э Эриксоннинг фикрича, ҳар қандай социал тузум ўзининг ташкил топишига кўра келиб чикувчи жиноятларнинг маълум бир миқдори ва тартибини белгилайди. Бу соҳада олиб борилган тадқиқотлар жиноятни бир қатор объектив ва субъектив факторлардан келиб чиқишидан кўрсатди: социал ўрин (мавке), фаолият тури, маълумот даражаси, қониқтирмайдиган моддий аҳвол, индивид ва ижтимоий гурух ўртасида муносабатларни пасайиши, маданий чегараларнинг ўйклиги, ижтимоий назоратни талабга жавоб бермаслиги. [18; 116].

Психологик кузатишлардан маълум бўлишича, жиноятчиликни келиб чиқишига ижтимоий мухитни носоғломлиги, ракобатлар, ишга жойлашиш ва мослашиш жараёнларидағи кийинчиликлар, хатти-ҳаракатларни доимий назорат килиниши ҳолатларининг кўпроқ таъсири кузатилган. Жиноят бу инсониятни барча нуксонларини акс эттиришидир.

**Алкоголизм (ичкилиқбозлык).** Байрам, тантанали маросимлар, оиласыв тантаналарни ўтказишида, шунингдек, шахсий муаммоларни ҳал этиш йўлида спиртли ичимликлар ичиш мажбурий бўлиб қолганлиги анъанаси инсонлар ҳаётида алкоголни қаттиқ ўрнашиб қолганлигига асос бўлади. Лекин бу ижтимоий маданий анъана жамиятга қимматга тушмоқда. Тарих гувоҳлик берадики, жамият алкоголизмга қарши 2 йўл билан курашган:

1) спиртли ичимликларни чегаралаш, уларни ишлаб чиқаришни ва сотишни қисқартириш, нархини ошириш, таъкиқ ва чегараларни бузганлиги учун жазони кучайтириш йўлидир;

2) алкоголга эҳтиёжни камайтиришга қаратилган чора тадбирларни кучайтириш, ҳаётни социал ва иқтисодий шароитларини яхшилаш, умумий маданий ва маънавиятни ўсиши, алоҳида алкоголизиз феъл-атвор стереотипларини шакллантириш йўлидир.

Иккинчи йўл мақсадга мувофиқдир, лекин бу алкоголизмга қарши курашни административ йўлини рад этмайди. Бу 2 йўлни бирга онгли равишда мувофиқлаштириш лозим.

**Гиёхвандлик (паркомания).** Шахсга ва жамиятга бугун бузғунчи таъсир кўрсатувчи, оғир ижтимоий оқибатларига кўра гиёхвандлик асосий ўрин тутади. Социологик тадқиқотлар кўрсатишича, одамлар роҳат олиш, ўткир ҳиссиётларга киришини учун гиёхванд моддаларга берилиб қоладилар. Гиёхвандлар асосан ёшлар ичидаги кўп учраб, улар бошқа одамлар таъсири остида, асосан дўстлари, танишлари орқали гиёхванд моддаларга берилиб қолмоқдалар. Хавфли томони шундаки, гиёхванд моддалар қабул қилишни бошланиш босқичларида одам ҳеч қандай ёмон таъсир, оғрик сезмайди, аксинча гиёхванд моддани қабул қилганда кайфият кўтарилади. Жисм шундай роҳат оладики, буни кўпчилик соғлиқса яхши ёрдам беради, тинчлантиради деб ўйлади. Жисмоний ва психик деградация босқичида эса, улар боши берк кўчага кириб қолганлигини англаб етадилар. Лекин бу одатдан воз кечишга кучлари етмайди, унга бўйсуниб қоладилар. Гиёхвандлик билан курашишда ижтимоий, иқтисодий, маданий характердаги чора-тадбирлар ва шунингдек маҳсус медицинага оид, ҳуқукий чора-тадбирлардан фойдаланилади.

**Суицид (ўз жонига қасд қилиш).** Суицид бу одамнинг ўз жонига қасд қилишга йўналган хатти-харакатидир. Кўп ҳолларда суицид четга оғувчи феъл-атвор сифатида ечилиши мумкин бўлмаган муаммолардан, умуман ҳаётдан кутулиш усули бўлиб келади. Бундай

холлар кузатилиб, ўрганилиб, шундай хулосага келиндики, улар маълум даражада жинс, ёш маълумот, ижтимоий ва оиласдаги тутган ўрнига боғлиқ ҳолда келиб чиқади. Эркақлар орасида содир этилаётган суицид ҳоллари аёл орасидагига караганда кўпроқ оғир ахволларга олиб келади. Ўз жонига қасд қилиш 20 ёшгача ва 55 ёндан ошганлар ичидаги учрайди.

Жаҳон статистикасига кўра, суицид феъл-атвор кўпинча шаҳарларда, ёлғиз яшовчи одамлар орасида кузатилади. Ўрта Осиёда 60-йиллардаёқ аёллар ичидаги ўз жонига қасд қилиш ҳоллари кузатилган. Бунинг ижтимоий сабаби аёлларга бўлган нотўғри муносабатлар, уларга жамият томонидан бефарқ қаралганлиги, турмушдаги қийинчиликлар, аёлларни ижтимоий ишлаб чиқаришга, ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб этишда зарур шарт-шароитни яратиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни маҳаллий бошқариш органлари томонларидан нотўғри ҳал этилганлигидир.

**Ўғирлик.** Инсонга тегишли бўлмаган моддий ва маънавий қийматга эга нарсаларни эгасининг рухсатисиз ёки олдиндан уни бу ҳакида огоҳлантирумай туриб ўзлаштириб олиш ёки фойдаланиш тушунчасини англатади. Ўғирлик натижасида жабрланувчилар албатта кўрадиган ёки кўришлари мумкин бўлган заарнинг олдини олиш ёки уни камайтириш чораларини кўрмаслик ўғирликнинг оғирлаштирувчи ҳолати ҳисобланади. Ўғрилик баъзан ҳайвонот дунёсида ҳам, яшаш учун кураш воситаларининг биттаси шаклида намоён бўлади. Аммо ҳайвонот оламида ўғрилик тасодифий, эпизодик табиятга эга, масалан овқат маҳсулотларини ўғрилаш шаклида. Ҳайвонлар орасида факат ўғриликка ихтисослашган турлар ёки индивидлар бўлмайди, бунинг сабаби ойдин – ҳайвонот оламининг моддий бойликлари жуда чекланган, бу бойликларнинг доимий ва тикланиб турадиган заҳиралари йўқ, маънавий бойликлар эса ҳайвонот оламида умуман бўлмайди. Одамларга хос бўлган ўғриликнинг мотивацияси жуда содда. Бу – шахс учун керакли бўлган бойликларга, бошқа усууллар билан амалга ошиши қийин ёки умуман мумкин бўлмаган ҳолларда, кисқа ва тезкор йўл билан эришиш, бунда «вақтинча» хукукий ва ахлоқий меъёрлар билан ҳисоблашилмайди. Эътиборингизни «вақтинча» жумласига қаратамиз, ҳар кандай хатар гурухига мансуб болалар ўзиниг ҳаракати гайриқонуний ва гайриахлоқий эканлигини билади, шунинг учун у агар бошқа бир шахс унинг бойликларини ўғирласа, бундан қаттиқ норози бўлади, асабийлашади. Баъзан болаларнинг бу

харакатлари фош этилади, баъзан эса очилмай қолади. Психологик тестлар ёрдамида болада ўғриликка мойиллик бор-йўклигини ишончли даражада аниклаш мумкин эмас. Психологияда хатар гуруҳига мансуб болалар ҳулқ-авторида рўй берадиган салбий ҳолатларни ёшга қараб шаклланиб бориши ҳам бизга маълумдир. Бундай ҳолатларга эътиборсизлик психологик маслаҳат ва психологик коррекцияга муҳтожликни келтириб чиқарғати.

Ҳозирги кунда ўсмиirlар орасида девиант ҳулқ-автор долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Ўсмиirlар кўпинча четга оғувчи хатти-ҳаракатларни онгиз равишда, беҳосдан қиладилар. Шунинг учун уларнинг кўпчилиги қилган ишларини моҳиятини англаб етмайдилар, ўз хатосини, айини кўрмайдилар.

Психолог Ж.Пўлатовнинг тадқиқот ишида 2002 йилда Тошкент шаҳар Олмазор тумани ички ишлар бўлимнинг рўйхатига олинган вояга етмаган хуқуқбузарликка мойил ўсмиirlарнинг 10 нафари билан ўтказилган сўровлар натижасига кўра, ўсмиirlарнинг кўпчилиги ўз жиноий хатти-ҳаракатларини сабабини аксарият эҳтиёжлар кўламини ортиши ва бунга эришишдаги ҳаракатларни нотуғри йўналғанлиги ҳамда ижтимоий таъсиrlар натижасида амалга оширилганлигини сабаб қилиб келтирғанлар.

Маълум бўлдики, ўсмиirlарни хатти-ҳаракатида четга оғиши ҳоллари асосида ижтимоий маданий эҳтиёжларни ривожланмаганлиги, маънавий дунёни етишмовчилиги ётади. Бу эса жамиятда ёшлар девиациясини яъни четга оғувчи феъл-автор сабабларини топиш, ижтимоий ёрдам тизимини ташкил қилиш, тушунтириш тарбия ишларини олиб бориш бўйича яхши ўйланган, мақсадли йўналтирилган ишларни амалга ошириш лозимлини белгилаб беради.

Инсон тарбиясида энг биринчи ва энг муҳим ижтимоий назорат институти бу – оиласидир. Фарзанд тарбиясида ва баркамол авлодни шакллантиришдан соғлом оила муҳитини ўрни каттадир. Қолаверса, инсон хатти-ҳаракати ва ҳулқ-автори, фаолиятини таълим муассасалари, маҳалла, меҳнат жамоаси, умумдавлат миқёсида эса қонунни ҳимоя қилиш органлари (ички ишлар, суд, прокуратура) ҳам назорат қилиб боради ва ушбу шахсга нисбатан ижтимоий назорат институтлари вазифасини бажаришади.

Бундай ҳулқ-автор, бевосита инсоннинг шахс бўлиб шаклланиши ва жамиятда муносиб ўрин эгаллаб, онгли, фаол фуқаролик позициясини эгаллашига тўсиқ бўлиши мумкин. Шундай вазиятлар

курбони бўлиб қолган бола агар ийткимоий мухитда, яни оиласвий ўзаро муносабатларда, тенгкурлари даврасида, маҳалладаги ўртоқлари ёки дугоналари орасида муносиб ўрин тополмаса, тушкунликка тушади, агресив, жиззаки, урушқоқ бўлиб қолади, унда жамиятдан, ён-атрофдаги кишилардан норозилик кайфияти пайдо бўлгани боис, ўқишдан ҳам совиб, ўзини қўярга жой тополмай қолади.

Девиант хулқ эгаси бўлган шахс аслида кўп нарсани хоҳламайди. Психологларнинг кузатишларига кўра, у учун энг муҳими бу – бошқа инсонларнинг унга озгина эътибор кўрсатишидир. Бола баъзан ўз истагини англамайди, англаса ҳам, “Менга эътибор қилинган, мен унчалик ёмон бола эмасман”, деб дод солмайди. Чунки у ўз хатти-харакатлари бошқалар томонидан салбий баҳоланиши ёки қораланишидан ҳамиша чўчийверади.

Бундай холат эса, ўз навбатида, катталар кутмаган, ота-оналар, ўқитувчилар, умуман, кенг жамоатчилик томонидан ахлоқсизлик деб баҳоланадиган ишларнинг содир этилишига туртки бўлади.

Ўсмир бундай харакатлари учун жазоланишини ҳам билади, лекин била туриб ҳам хатоликлардан чекинмайди, бу билан ўз “мен”ини кўрсатиб қўйгиси келади. Бундай ўсмир мактабда ўқитувчилари, тенгкурларидан эшигтан дашномлари унга таъсир килмаётгандай ўзини тутади, ахлоқан ёки маънан жазоланишга лойиклигини билиб турса ҳам, нари борса, яхши муносабатда бўлиб юрган ўртоқлари билан гаплашмай қўяди. Ўқитувчилари ҳадеб уни танқид қиласвериша, дарслардан қочишни одат қиласади. Табиийки, бола ўз ҳолатидан қониқмайди, ички изтиробларини ичига ютади, бу унинг психикасидағи қатор салбий эмоциялар, ҳиссиятларида намоён бўла боради. Баъзи ўсмирлар бошини кумга тикиб олган тұякуш каби, жамиятдан ўзини олиб қочадиган бўлиб қолиши бежиз эмас. Ташибланарлиси шуки, девиант хулқли шахс ўзига ҳам, атрофдагиларга ҳам жиддий зарап етказади. Етказилган зарап кўпроқ маънавий бўлса-да, айрим хукуқбузар вояга етмаганларнинг жиноий хатти-харакати оиласига, жамиятга моддий зарап келтиради. У ҳатто баъзан бошқа бир инсоннинг ёки ўз ҳаётига зомин бўлиши мумкин.

Кўпинча девиант хулқ бир неча марта қайтариладиган, мунтазам кўриниш касб этадиган хулқка айланиб қолиши мумкин. Масалан, бир марта сигаретани татиб кўриш қизиқконлик, қизиқувчанлик деб эътироф этилса, доимий чекишга кўникиб қолиш - **девиация** деб аталиб, энди бундан катталар ҳам ташибланана бошлайдилар.

Айникса, боланинг отаси оғзига сигарета олмаган инсон бўлса, фарзандининг ушбу ҳаракатини сезиб қолгач, тепа сочи тикка бўлиб кетади, уни шафқатсизларча уриши ёки сўкиши билан орадаги зиддият кучаяди. Одатда хулқи оғувчан ёки девиант деб талқин қилиниши учун у ноодатий, фавқулодда вазиятларнинг оқибати бўймаслиги керак. Рус тадқиқотчиси Ю Платоновнинг фикрича, **постравматик синдром** кузатилганда, яъни инсон хаёти учун аниқ хавф-хатар мавжуд бўйлан шароитда ўзини ҳимоя қилиш мақсадида бола амалга оширган ҳаракат девиант ҳисобланмайди. Яъни, ёмон одатларга кўникиш жараёни одатий, кундалик, майший хатти-ҳаракатлар доирасида шаклланиб боради, лекин уни бартараф этиш, олдини олишда катталар ностандарт йўлларни тутсаларгина, натижга самарали бўлиши мумкин. Вояга етмаган ўсмирнинг заарали одатларга, масалан, спиртли ичимликлар ёки гиёҳванд моддага ружу қўйиш ҳолати ўтказиб юборилса, касалликка айлангани учун ҳам девиант ҳулқ дейилмайди. Чунки уни энди тиббиёт йўли билан даволаш керак, чораси ҳам шунга яранша. Лекин ушбу кулфатдан фориг бўлишда психологиянинг ўрни катта, бу ўша шахснинг ўзига ҳам, уни ўраб турган, унга ёрдам қўлини чўзган катталарга ҳам тааллуқлидир.

Девиант ҳулқка эга одамнинг турли ижтимоий вазиятларда мослашуви қийин кечгани боис унинг феъл-автори кўпчиликка эриш туюлади. Чунки ҳар қандай янги вазият одамнинг тезроқ мослашувини талаб қиласи ва бу нарса турли қийинчиликлар доирасида рўй беради. Дейлик, бола ўрта мактабни тамомлаб, касб-хунар коллежига ўкишга келди. У бу коллежни онгли равишда танлаган, орзу қилган мутахассислигини эгаллаш, сўнгра олий таълим даргоҳига кириб, таҳсилни давом эттириш истагида. Шундай ҳолат кузатилади, катта ўсмирлик ёшидаги йигит-қиз колледжа ҳукм суроётган янги тартиб, ўзгача муносабатларга педагоглар ва тенгқурлар жамоасига қўнича олмайди, бунинг учун унга маълум муддат керак. Дўст топгиси келади-ю, кўнглига мос ўртоқ ҳам учрамай турибди. Ўзи мансуб ижтимоий гурухга сира мослаша олмаслик, янги шароитда ўзини нотўғри тутиши, одамови бўлиб қолгани, аввало, у ҳақидаги фикрининг ўзгаришига олиб келади ва ташқаридан қаралганда, унинг хулқ-авторида муайян чекинишларни келтириб чиқаради. Масалан, умумий тушкунлик ҳолати дарсларга кеч қолиш ёки айримларнинг қолдириш истаги намоён бўлиши билан кузатилади. У тенгқурларининг айрим танбеҳларини агрессив қабул

килиб, уришиб кетади. Вақтида тайёрланмаган дарс учун ўқитувчиларидан эшитган танбехи таъсир қиласи. Уларга нисбатан күрслек пайдо бўлади... Сезилиб турибдики, ўсмир қалбини тушунмаслик оқибатида аввал яхши ўқиган, ибратли хулқ соҳиби бўлган бола коллежда “хатар гурухига мансуб” кимсага айланиб қолади. Ушбу ҳолатни оиласвий ҳаёт мисолида олиб қарайдиган бўлсан, баъзан янги оила мухитига, ундаги хулқ нормалари ва талабларига сира жавоб бераолмаган келинда дезадаптация(мослаша олмаслик) кучаяди. У урушқоқ, гап қайтарадиган, бироз безбетроқ, жиззакига айланадики, охир-оқибат ўзини энг бахтсиз аёл ҳисоблайди, барча нарсалардан воз кечиб, номаълум томонга кетиб колини истайди. Албатта, девиант хулқ ўзига хос индивидуаллиги билан ажралиб туради. Ҳар бир шахсда у ёки бу девиант хулқ ўзига хос тарзда ҳамоён бўлади. Бундай индивидуаллик, аввало, шу тоифа хулқнинг мотивларига, шахснинг характери, темпераментини пайдо килган шарт-шароитга, оғишнинг кечиш динамикасига ва бошқа ҳолатларга боғлиқдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, девиант хулқни шахснинг кундалик саъй-ҳаракатларида нисбатан барқарор такрорланадиган, уни мухим ижтимоий нормалардан чекинтирадиган, нафақат ўзига, балки жамиятга ҳам зарар етказадиган (моддий, маънавий, ахлоқий) ва ижтимоий мослашувга тўғаноқ бўладиган ҳаракатлар тизими ёки шакли сифатида таърифлаш мумкин.

Психологик ҳамда педагогик адабиётларда вояга етмаганлар жиноятчилиги ёки уларда девиант хулқнинг шаклланиши ҳақида гап кетганда асосий сабаб сифатида кўпинча “кўча таъсири” омили кўрсатилади. Тўгри, бола уйига сигмагач, содик ва аклли дўст топа билмагач, педагогларнинг меҳрини қозона олмагач, кўчага чиқиб кетади. Уни кўчада ўзига ўхшаш, лекин бироз тажрибали тенгурлари (ёки ўзидан каттароқ болалар) кутиб олади. Улар таклиф этган нормаларни бола бажонидил қабул килмаса-да, ионижложликда кўнишга мажбур бўлади ва улар тутган сигаретани татиб кўради, аста-секин гиёҳвандлик домига илинади, йўлтўсарлик қиласи. “Кўча дўстлари” таклиф этган бошқа жиноий ишларни ҳам билиб-бilmай содир этиб кўяди.

Мамлакатимизда деярли барча болалар оила мухитидан узоқ эмаслигини инобатга олган ҳолда, ушбу даргоҳ ва унинг қадриятлари ҳақида гапирмасак бўлмайди. Атрофимизга зийраклик билан назар солсан, ҳамма оилани ҳам идеал деб бўлмайди. Ноқобил оиланинг

вояга етмаганлар девиантлик хулқ-авторига психологияк таъсири умумий, ижтимоий, педагогик, юридик психологиянинг алоҳида тармоғи бўлган превентив психологиянинг муҳим муаммоларидан ҳисобланади. Бу муаммони ўрганишда олимлар оила ва оиласи муносабатлар омилига алоҳида эътибор қаратишади. Сабаби, оила жамиятнинг муҳим бўғини бўлиб, унда инсон мустакил ҳаётга тайёрланади. Хорижий мамлакатларда ва Ўзбекистонда ўтказилган кўплаб тадқиқотлар ота-оналар ўзаро муносабатларнинг ёки оиласидаги салбий ва ижобий таъсири ҳамда психологияк оқибатлари қандай бўлиши мумкинлигига алоҳида эътибор қаратилган. Олиб борилган тадқиқотларимизда энг аввало, ота-оналарнинг ижтимоий ҳулки ва ўзаро муносабатларида фарзандларига нисбатан салбий таъсир қиласидиган омиллар мавжудлиги аён бўлди.

Демак, вояга етмаганлардаги девиант хулқ-автор кўпинча носоғлом оиласининг ижтимоий психологияк муҳитига боғлиқ тарзда шаклланади ва бунда ота-онанинг роли етакчи омил саналади. Ота-онанинг айби нимада? Эр-хотин ва бошқа яқин қариндошлар, масалан, қайнона ва келин, қайнота ёки куёв, опа-сингил ва ака-укалар ўргасидаги ўзаро муносабатлар шу даражада чигаллашадики, мурғак қалб бу кўргиликларни нима биландир ўзгартириш, ўзига нохуш туолиган ўзаро муносабатларнинг психологик жиҳатдан компенсация қилиш, яъни бошқа ҳаракатлар билан, эрмаклар билан қоплашга урина бошлайди. Муаммо шундаки, бола қанчалик уринмасин, эмоционал ҳиссий олами номақбул ўзаро муносабатларни тўғри ҳамда холис идрок этишга қўйналади, оқибатда руҳий оламида инфанитилизм келиб чиқади. Инфанитилизм шундай психологик ҳолатки, вояга етмаган бола руҳиятида ўз ёшига тўғри келмайдиган, кўпинча кичикроқ, (баъзан каттароқ) болага хос хулқ-авторнинг намоён бўлишидир.

Ота-онаси ёки оиласи мунитидан доимий норизо бола салға йиғлаб юбориши ёки идишларни синдириши мумкинки, ташқаридан кузатганлар уни “Ёш боламисан, нега йиғлайсан?” каби сўзлар билан койий бошлайди. Бундай ҳаракат 14-15 ёшли бола учун муносиб эмаслигини тушунса-да, ўсмир ички алам огушида ўзини беихтиёр ноадекват (талабга мос эмас) тарзда тутади. Бундан ташқари, ота-онанинг ўзаро муносабатларида муаммолар мавжудлиги, яъни ноҳияллик, бир-бирининг камчиликларини кечира олмаслик, бесабрлик, муросасизлик боланинг тенгқурлари доирасида ҳам, ўз

оиласида ҳам яккаланиб колишига сабаб бўлиб, ҳар қандай ижтимоий мухитдаги қийинчилик, зиддият ёки келишмовчиликни “ичига ютавериш” орқали унда руҳий тушкунлик, стресс ҳолатини келтириб чиқаради ва бола салга аразлайдиган, жеркиб ташлайдиган, ука-сингилларидан ўч оладиган, бу вазиятдан холи бўлиш учун ўзини кўчага отадиган бўлиб қолади.

Барча ота-оналар ҳам ўз муаммоларига кўмилиб яшаса-да фарзандига бефарқ бўлмайди. Ота-оналар зурриёдининг ҳар бир ҳатти-харакатини муайян бир муддатда назорат қилиб турса-да, баъзан бошқа масалалар билан овора бўлганилиги боис, фарзандининг ютуқларини эътиборсиз қолдириши ҳам кузатилади. Бундай муносабат айрим вояга етмаганларни ўта мустақил қилиб қўйиши, оқибатда эса ҳам ижобий, ҳам салбий ҳолат кузатилиши мумкин.

Психологияда аутизм деб аталадиган омил вояга етмаганларнинг ҳаётини холис ва тўғри баҳолашига замин яратиши, ота-оналарнинг айрим ҳолатларидан тўғри хулоса чиқариб, уларни теранроқ мушоҳада юритувчи шахсга айлантириши мумкин.

Шундай, оилавий ўзаро муносабатлар ўз моҳиятига кўра **конструктив** (охири ижобий, яхшилик билан тугайдиган) ва **деструктив** (оқибати салбий, ёмонликлар билан тугайдиган) характеристи бўлиб, вояга етмаганларда кузатиладиган хулқдаги девиантлик, яъни хулқий оғишлар, зиддиятлар аксарият холларда эрхотин муносабатларининг бузилиши ва деструктив тарзга ўтиши, оила типининг эса “ноқобил” деб тавсифланиши билан боғлиқ ҳолда кечади. Оилавий низо ва жанжалларнинг гувоҳи бўлган болада нафакат оилани, балки атроф-мухитни, ижтимоий мухитни (тengқурлар, тенгдошлар, синфдошлар, курсдошлар, маҳалладошлар ва бошқа норасмий гурухларни) тан олмаслик кузатилади, унда танглик (стресс) ҳолати келиб чиқади. У инсоний ўзаро муносабатларни нохолис идрок этиб, хукуқбузарликка мойилликдан маъно ахтаради.

Креминалистикага оид адабиётларда хатар гурухига мансуб вояга етмаганлар ўргасида содир этиладиган қонунбузарликлар чукур таҳлил қилинади. Профессор F. Абдумажидов шундай хулқни намоён этувчи болаларни 4 та гурухга ажратган:

**1-гуруҳ** — илк бор жиноятга қўл урган вояга етмаган шахслар. Уларнинг жиноят қилишдан аввалги ҳулки ва маънавий қиёфаси бир мунча ижобий бўлган. Одатда, бундай ўсмирлар у қадар жиддий

бўлмаган жиноятларни вазият тақозоси билан, фавқулодда содир этиши мумкин.

**2-турұх** — илк марта жиноятта қўл урган, лекин илгариги ижтимоий ҳулқни ҳам бенуқсон деб бўлмайдиган ёшлар. Масалан, бундай болалар зарарли одатлар билан маҳалла профилактика инспектори ёки вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия “назар”ига тушган. У спиртли ичимлик ёки гиёхванд моддани истеъмол қиласи, чекади ва уйдан қочиб кетишдек салбий одатлари билан белгиланади.

**3-турұх** — маънавий қарашлари бузук ўсмирлар. Улар аввал ҳам турли қонунбузарликлар содир этиб, маъмурий жазога тортилган, маҳсус мактаб ва қасб-хунар коллежларида тахсил олиш мобайнида ҳулқидаги оғишлар билан рўйхатга тушган. Улардаги жиноий ҳулқ кўпинча салбий таъсири “кўча”, ундаги катта ёшли шахслар ёки ахлоқи бузук тенгдоши таъсирида рўй беради. Бу тоифага мансуб ўсмир кўчадаги муштлашишларда қатнашган, безорилик қилган; ўзидан кичик ёки ночор инсонларни тунаш, ўғрилик қилишдан уялмайди.

**4-турұх** — жамиятга жиддий хавф туғдирувчи ҳулқ-атвор сохиблари. Бу тоифага муқаддам судланғанлар (шартли хукм қилинган, муддатидан аввал озод қилинган ва х.) ҳам киради. Одатда, улар ишлаш ёки ўқишдан бўйин товлаб жиноий гуруҳларга онгли равишида кириб оладилар. Уларнинг феъл-атворида қўрслик ва бераҳмлик, андишасизлик устивор бўлади. Чунки уларнинг асосий мақсади — таъмагирлик йўли билан бойиш ҳалқ манфаатига зарар етказишdir. Шу боис кўпинча вактларини бекор ўтказишади, кимор ўйнашиди, спиртли ичимлик ичиш, гиёхванд моддаларни истеъмол қилишдан завқланишиди, тартибсиз, бемаъни жинсий ҳаётдан ҳам жирканмайдилар. Вояга етмаганлар жинояти мазмунан ва мантиқан ижтимоий психологик табиатта эгалиги, унда ўсмирнинг ўзини шахс деб хис қилиши катта роль ўйнашига амин бўлдик. Бунда турли ижтимоий гуруҳларнинг салбий ёки ижобий таъсири бевосита ҳамда билвосита бўлишини кўриб турибмиз. Вояга етмаган болани ўраб турган ижтимоий мухит — қулай ёки ёмон типлари билан ҳам фарқланади.

Кулай психологик мухит замирида эр-хотиннинг дунёқараши, фикрлаш тарзи, феъл-атворининг бир-бирига мос келиши ётади. Олимларнинг фикрича, оиласидаги қулай мухит тушунчаси куйидаги белгиларга асосланади: оила аъзоларининг бирлиги, яқинлиги (қараш,

фикр, қизиқиши, идеал қадриятлар йўналишининг яқинлиги), шахснинг ҳар томонлами ривожланиши учун имкониятларнинг мавжудлиги, оила аъзоларининг бир-бирига нисбатан хайрихоллиги, талабчанлик, ҳимояланганлик хиссининг мавжудлиги, ўзаро ишонч ва хураматга асосланган муносабатлар.

Кулай психологик мухитнинг муҳим кўрсаткичи бу — оила аъзоларнинг бўш вақтини ўз хонадонида ўтказишга интилиши ва уйдаги мажбуриятларининг биргаликда бажарилишидир. Бундан ташқари, юртимиз шароитида оиланинг меҳмондўстлиги, ёр-дўстлар, қўни-қўшнилар, қариндош-уруглар билан самимий муносабатларнинг йўлга қўйилганлиги ҳам ижобий психологик мухит деб ҳисобланиши мумкин.

Ижтимоий мухитнинг ёмон типи айнан шу холатларнинг тескариси тарзида талқин қилинади. Ўсмирлар ахлоқий қарашларининг шаклланишида куйидаги омиллар алоҳида аҳамиятга эга: оиласидаги ўзаро ишонч ва хурмат; ўсмир билан мулоқот мунтазамлиги ва интенсивлиги; оилавий тартиб назорат турининг йўлга қўйилиши; оила иерархиясида ўсмирга берилган роль; ўсмирга берилган мустакиллик даражаси (яъни “вояга етмаган” деган категорияда бўлишидан қатъий назар, ота-она ёки оиланинг катталари, мактабдаги устозлар ҳар бир ўсмир қиёфасида ШАҲСни илғаб олиши ундаги фазилатларга таянган холда камчиликларини тузатиш дастурларига эга бўлиши шарт).

Фарзандларнинг меҳнатсевар, хунарли, эпли ва аклли бўлишини хоҳлаган ота-она аввало, ўз хатти-ҳаракатида фаросатли, дидли, сабртоқатли, ҳар қандай мақсад-муддао олдида қийинчиликлардан кўркмайдиган, ҳалол ва тиришқоқлигини кўрсата олиши лозим. Зоро, бугуннинг боласи учун айтиш, тушунтириш, панд-насихат қилиш етарли эмас, унга намуна ва ибрат бўлиш, инсоний фазилатларни амалда кўрсатиш лозим. Ота-она бола тарбиясини таъминловчи барча омиллардан хабардор бўлсагина, ўсмир ҳаёти бир текисда, силлиқ кечади. Бола яқин кишиларининг хатти-ҳаракатини психологик жиҳатдан чуқур идрок этар экан, бундан ибрат ҳам олади. Оилага бу ишда мадад ва кўмак берувчи таълим муассасаси эса ҳар бир ўкувчининг юриш-туриши, ўзини тутишига қараб, қайси оиланинг фарзанди экани, ота-она ва фарзанд муносабатларига баҳо бериши, прогноз кила олиши керак.

Маҳалла фуқаролари йигини раиси ва фаоллари эса ёшлар тарбиясининг энг халқона, қадриятларимизга асосланган услуб ва

шаклларини оқилона жорий этиб, амалда Оила – маҳалла – таълим муассасаси ҳамкорлиги Концепциясининг ижросини таъминлашлари даркор. Албатта, буларнинг барчаси фарзандларимиз қалбида келажакда комил инсон бўлиш каби эзгу ниятлар рўёби йўлида чекинмаслик, мустаҳкам ва ахил оила куришга интилишни шакллантиради. Энг муҳими, оила деб аталган муқаддас кўргонимизни бут, соғлом, муносабатларимизни эса самимий қилиш асносида ёшларимизни турли заарли иллатлар домидан, гиёхвандлик, аҳлоқсизлик, “Оммавий маданият” таҳдидларидан асраб қолиш билан ўз олдимизга кўйилган эзгу мақсад “Обод турмуш” тарзимизга эга бўламиз.

### **3.ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ХАТАР ГУРУҲИГА МАНСУБ ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ХУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШ ВА КАСБГА МОСЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МАЗМУНИ**

Таълим тизимида ижтимоий-психологик хизматнинг ташкил этилиши ўқувчининг индивидуал-психологик хусусиятларни ўрганиш билан, шахснинг ҳар томонлама камол топиши, унинг ҳам маънавий, ҳам ақлий ривожланиши ва қобилиятларини намоён этиши учун тегишли таълимий-тарбиявий ҳамда маънавий-руҳий шароитлар яратишни назарда тутади.

Мазкур жараёнларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сонли қарори билан Ҳалқ таълими вазирлиги тасарруфида Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис Маркази ташкил этилиб, умумий ўрта таълим муассасаларида психологик хизмат ишларининг илмий-методик асоси маълум даражада йўлга кўйилган. Таълим тизимида ўқувчи шахснинг ривожланиш динамикасини узлуксиз ва тўлиқ қамраб олиш, илк ёшидан бошлаб психологик-педагогик кузатув остига олиш психологик хизмат жараёнларида самарадорликни таъминлайди.

Шу мақсадда, тарбияланувчиларни доимий кузатувини ташкил этиш максадида “Психологик-педагогик кузатув дафтари” ишлаб чикилган ва амалда жорий этилган. Унда амалиётчи психолог 3-6 ёшгача тарбияланувчиларнинг психологик, физиологик хусусиятлари, билиш жараёнлари, маънавий-гигиеник кўникмалари, оиласидаги

шарт-шароитларини аниклаб боради. Ўрганиш ва таҳлиллар натижалари асосида психологик коррекцияни талаб этиладиган сифатларни ота-оналарга маълум қилиб уларга тавсиялар бериб боради.

Узлуксиз психологик-педагогик кузатувни давоми сифатида умумий ўрта таълим мактабларида 1-9 синф ўқувчилари учун “**Психологик-педагогик ташхис дафтари**” юритилади. Мазкур дафтарни юритишда амалиётчи психолог синф раҳбарлар билан хамкорликда ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари, билиш жараёнлари, ижтимоий дунёкараши ҳамда психологик-педагогик ташхис методика натижалари тўғрисидаги маълумотларни қайд этиб, унинг мониторингини таъминлаб боради. “**Психологик-педагогик ташхис дафтари**” нинг якуннида амалий психолог ўқувчи шахсига якуний ташхис қўяди. Бунда ўқувчининг ёқтирган ва ёқтиргман фанлари, қизиқишлиари, иштиёки, қайси қасбни танлашга тавсия берилганини ҳамда психокоррекцияни талаб этиладиган хусусиятлар келтирилиб ўтилади. Демак, ҳалқ таълими тизимида психологик хизмат жараёни куйидаги схематик кўринишда ташкил этилади.

Узлуксиз таълим тизимининг муҳим боскичи саналмиш ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими тизимида ижтимоий-психологик хизмат фаолиятини йўлга қўйиш ва уни мувофиқлаштириш мақсадида ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими Марказининг 2008 йил 26 июндаги “**Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасаларида ижтимоий-психологик хизмат фаолиятини йўлга қўйиш тўғрисида**”ги №107-сонли буйруғи тасдиқланди ва бу бўйруққа асосан амалиётчи психологларнинг иш фаолиятларини мувофиқлаштириш вазифаси белгиланди.

Мазкур вазифалар доирасида ўрта маҳсус, қасб-хунар таълим тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтининг “**Психология ва маънавият**” кафедраси қошида жамоатчилик асосида “**Ижтимоий-психологик хизмат Маркази**” ташкил этилди. Шунга мувофиқ, ўрта маҳсус, қасб-хунар таълим муассасаларида психологларнинг фаолиятларини мувофиқлаштириш мақсадида “**Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасаларида ижтимоий-психологик хизмат тўғрисидаги Низом**” ҳамда академик лицей ва қасб-хунар коллеж ўқувчилари учун “**Ижтимоий-қасбий мослашув дафтари**” ишлаб чиқилди.

Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълим муассасаларида психологик хизматини ташкил этишидан мақсад: “**Таълим жараёнида баркамол инсонни шакллантириш ўқувчиларнинг миллий ўзлигини англашими**


тарбиялаш, уларнинг ўзига хос (индивидуал) психофизиологик хусусиятларини, кобилияйтларини, имкониятларини, танлаган мутахассислик йўналишларига ижтимоий қасбий мослашувини ўрганиш, ўқувчилар билан психологик-педагогик коррекция ишларини олиб бориш ҳамда битирувчиларни кейинги таълим йўналиши, ижтимоий меҳнат фаолиятига самарали йўналтириш, ишга жойлаштириш” мақсад қилиб олинган. Мазкур жараёнлар таълим муассасаларда фаолият юритаётган амалий психологларнинг қўйидаги вазифалар асосида ишни ташкил этишлари лозимлигини белгилаб берди:

- 1) “Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасаларида ижтимоий-психологик хизмат тўғрисидаги Низом” асосида иш фаолиятни ташкил этиш;
- 2) академик лицей ҳамда қасб-хунар коллеж ўқувчилари учун “Ижтимоий-қасбий мослашув дафтари”ни юритиб бориш;
- 3) ўрта маҳсус, қасб-хунар таълим тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтида доимий малакасини ошириб бориш;
- 4) умумий ўрта таълим мактаблари билан доимий қасб-хунарга йўналтириш ишларida узвийликни таъминлаш;
- 5) таълим муассасада педагоглар, ўқувчилар ўртасида психологик соглом мухитни ташкил этиш;
- 6) ўқувчиларни ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганиш доирасида ота-оналар билан “Мулоқот” дафтарини юритиши;
- 7) ўқувчиларнинг қасбий лаёқат даражаларини аниклашда турли хил метод, тест ва сўровномалардан фойдаланиш “Ўқитувчи-ўқувчи” муносабатидаги муаммолар ечими йўлларини излаб топиш;
- 8) бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан психокоррекцион ва ривожлантирувчи ишларни ташкил қилиш;
- 9) иктидорли ўқувчиларни аниклаш ва улар билан психологик-педагогик ёндашиш;
- 10) хатар гурухига мансуб ўқувчилар билан психологик-педагогик ёндашиш ва қасб-хунарга йўналтириш, қасбга мослаштириш каби ишларни ташкил этишлари лозим.

Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасаларининг раҳбар ходимлари, педагоглари ва ўқувчиларини ижтимоий-психологик кўллаб-куватлашга ҳамда ўқувчиларни интеллектуал, ижодий-қасбий имкониятини ривожланишини таъминланда ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими бошқармаларида ижтимоий-психологик

хизматни мувофиқлаштирувчи ижодий гурух тузилиши мақсадга мувофик.

## Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими бошқармаси тасарруфидаги ижтимоий-психологик хизматнинг иш структураси



Мазкур ижтимоий-психологик хизмат ижодий гурухи раҳбарларининг иш структурасида белгиланган вазифаларни амалга оширувчи тажрибали психологларни танлаб олиш мақсадида таълим муассасаларида фаолият юритаётган амалий психологлар салоҳияти доирасида мониторинг тузилиши зарур. Мониторинг таҳлили асосида мутахассислик маълумотига эга бўлган тажрибали психологлардан иборат ижодий гурух аъзолари жамоатчилик асосида буйруқ билан тайинланади ҳамда ижодий гурух аъзолари туманларга биректирилиб куйидаги вазифалар белгиланади:

- таълим муассасаларда фаолият юритувчи педагог, психологларни қасб-хунарга йўналтириш ишларининг мазмун моҳияти, мақсади ва амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар доирасида педагогик жамоага тушунириш ишларини олиб бориш;

- умумий ўрта таълим мактаблари ва касб-хунар колледжларида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда узвийликни таъминлаш жараёнларини ташкил этиш;
- касб-хунар колледжининг мутахассислик йўналишлари ҳақида касбий ахборот беришда маҳсус касб-хунарга йўналтириш хонасини ташкил этиш ва бу хонага амалий психологни маъсул қилиб тайинлаш;
- касб-хунарга йўналтириш тадбирлари “Очиқ эшиклар куни”, “Касблар фестивали”, экспурсия, касб фаҳрийлари билан учрашув каби тадбирларни ўтказиб бориш.

Касб-хунар колледжлари умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларини касб-хунарга йўналтиришда қўйидаги икки босқич асосида ёндашишлари мақсадга мувофиқ:

1. **Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда назарий билимлар асосида ёндашиш.**
2. **Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда амалий билимлар асосида ёндашиш.**

Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда назарий билимлар асосида ёндашиш. Бунда, касб-хунар колледжининг педагог, психологлардан умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари билан қўйидаги касб-хунарга йўналтириш ишларини ташкил этиш жараёнларини амалга ошириш назарда тутилади:

- касб-хунар таълим муасасса ўзининг мутахассислик йўналишлари ва унинг имкониятлари, меҳнат бозоридаги ўрни ҳақида маълумотлар бериш;
- Касб-хунар колледжининг мутахассислик йўналишлари ва унинг имкониятлари тўғрисида ҳикоя қўйувчи кинофильмлар намойиши ҳамда турли кўргазмали фотоальбом, стендлар, плакатлар асосида ўқувчиларга маълумотлар бериш;
- касб-хунарга йўналтириш жараёнларига хизмат килишда психологик-педагогик ташхис методикаларини ўтказиш;
- касб-хунарга йўналтиришда ўқувчи шахсининг психофизиологик хусусиятларини инобатга олиш асосида ёндашиш;
- касб-хунар колледжининг мутахассислик йўналишларини танлашда касбий маҳорат, касбий қобилият асосида касб идеалини шакллантириш;
- касб-хунарга йўналтиришда меҳнат ингизоми, меҳнат хавфсизлиги тўғрисида маълумот берини;

- умумий ўрта таълим мактабларида “Касб-хунарга йўналтириш ва мослаштириш” бўйича маҳсус курсларни ташкил этиш;

- умумий ўрта таълим мактаблари ва касб-хунар коллежи ҳамкорлигига ўқувчиларни касбий қизиқишлари, майиллиги, қобилиятларини аниқлашда ижтимоий сўровномалар ўтказиши ва уларни тахлил қилиш каби жараёнлар асосида ёндашиш талаб этилади.

Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда амалий билимлар асосида ёндашиш. Бунда касб-хунар коллежи педагог, психологларидан ўқувчиларнинг касб-хунарга йўналтириш жараёнларига қаратилган назарий билимларини касб-хунарга йўналтириш тадбирлар асосида амалий билимларини шакллантириш назарда тутилади:

- касб-хунар коллежида “Очиқ эшиклар куни”, “Касблар фестивали” каби касб-хунарга йўналтириш тадбирларини ташкил этиш;

- касб фаҳрийлари билан учрашувлар ўтказиши;

- мутахассислик йўналишларига асосланган корхона ва ташкилотларга экскурсияларни ташкил этиш;

- касб-хунар коллежларида айрим касбларга бағишлиланган мавзули кечаларга умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларини таклиф этиб бориш;

- умумий ўрта таълим мактабнинг меҳнат таълими, биология, химия фанларини касб-хунар коллежининг ўқув устахоналари, биология ва химия хоналарида дарс жараёнларини ташкил этиш асосида ёндашишни талаб этади.

Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда тўпланган психологик-педагогик тажриба натижалари, назарий ва амалий билим хулосалари асосида уларда касбга қизиқишнинг асосий шаклланиш йўлларини аниқлаш лозим:

- 1) ўқувчиларга индивидуал (якка) ёндашувни қўллаш;

- 2) танланган касбга айнан ўхшаш тасаввурни түғдириш;

- 3) ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;

- 4) ўқувчиларда ўз-ўзини билишни кучайтириш;

- 5) ҳақиқий касбий қадриятларни шакллантириш;

- 6) касб идеалини шакллантириш ва касбга ижтимоий мослаштириш.

Мазкур касб-хунарга йўналтириш ишларини самарали ташкил этишда касб-хунар коллежининг психологи томонидан намунавий иш режа ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

**Касб-хунар коллекларида умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш ишларининг ташкилий иш режаси**

<b>№</b>	<b>Ишларининг мазмунни</b>	<b>Бажарилиши</b>	<b>Маъсул</b>
1	Касб-хунар коллеклари янги ўқув йилидан бошлаб яқин худуддаги умумий ўрта таълим мактаблари билан алоқа ўрнатиш ва ўқувчиларнинг қайси соҳага қизикишлари юзасида ижтимоий сўровномалар ўтказиш	Сентябр – октябр	Касб-хунар коллеки ва умумий ўрта таълим мактаб психологи
2	Касб-хунар коллекининг мутахассислик йўналишлари ва унинг меҳнат бозоридаги имконияти бўйича умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларига, ота-оналарга тушунтириш ишларини олиб бориш ва бу ҳакида оммавий ахборот воситаларда кўрсатув хамда эшиттиришларни ташкил этиб бориш	Ноябр - декабр	Маънавий-марифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, психолог
3	Касб-хунар коллекининг мутахассислик йўналишлари бўйича касбий ахборотлар, дидактик ва услубий материаллар билан умумий ўрта таълим мактабининг касб-хунарга йўналтириш хонасини мунтазам бойитиб бориш	Йил давомида	Касб-хунар коллеки ва умумий ўрта таълим мактаби психологи
4	Касб-хунарга йўналтириш тадбирларини ўтказиш ва бунда умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларини иштироқини таъминлаш	Йил давомида	Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, касб-хунар

			коллекция умумий ўрта таълим мактаб психологи
5	Касб-хунар колледжа "Касб-хунарга йўналтириш" хонасини ташкил этиш ва мутахассислик йўналишларига доир касбий ахборот стендлари, таъсвирий ойна, кўргазмали материаллар билан бойитиб бориш	Доимо	Ишлаб чикариш таълими бўйича директор ўринбосари ва амалий психолог
6	Умумий ўрта таълим мактаблари ва касб-хунар колледжларида ўкувчиларни касб-хунарга йўналтириш ишлари юзасидан хисоботлар тайёрлаш ва баёнот бериш	Доимо	Касб-хунар колледжининг амалий психологи
7	Касб-хунар колледжларда умумий ўрта таълим мактаб битириувчиларини кабул килиш бўйича комиссия иш фаолиятини ташкил этиш ва бошкариш	Июнь-июль	Касб-хунар колледжи директори, Ишлаб чикариш таълими бўйича директор ўринбосари, амалий психолог

### Касб-хунар колледжига қабул қилинган ўкувчилар билан касбга ижтимоий мослашув ишлари

№	Ишларнинг мазмани	Бажарилиши	Маъсул
1.	Дастлаб ўкувчиларнинг танлаган мутахассислик йўналишларига бўлган касбий кизикишларини аниклашда ижтимоий сўровномалар ўтказиши	Сентябр-октябр	Амалий психолог, гурух раҳбари
2.	Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасасида қабул қилинган ўкувчилар учун	Доимий	Амалий психолог, гурух раҳбари

	“Ижтимоий касбий мослашув” дафтарини юритиш.		
3.	Касб-хунарга йўналтириш тадбирларини ўтказиб бориши ва бунда умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари, маҳалла вакиллари, ота-оналар, “Камолот” ЁИХ вакилларини тақлиф қилиш	Доимий	Маънавий-марифий ишлар ва ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари, амалий психолог
4.	Яқин худудда жойлашган корхона ва ташкилотлар ҳамда олий ўкув юртларига экспурсиялар ташкил этиш ҳамда ўқувчиларни ишлаб чиқариш амалиётларига жалб этиш	Феврал-март	Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари, гурӯҳ раҳбарлари, катта усталари, амалий психолог
5.	Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётларини бажарилиши юзасидан хисоботларни қабул қилиш	Апрел-май	Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари, гурӯҳ раҳбарлари, катта усталари, амалий психолог
6.	Мутахассислик йўналишларини меҳнат бозорида тутган ўрни ва унинг имкониятлари юзасидаги ишлар	Июн-июл	Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари, гурӯҳ раҳбарлари, катта усталари, амалий психолог
7.	Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассаса битирувчиларини кейинги меҳнат фаолиятлари ёки олий ўкув юртларига йўналганлиги юзасидан маълумотлар тўплаш	Август	Гурӯҳ раҳбари, амалий психолог

Юқорида келтирилган касб-хунарга йўналтириш ва касбга мослаштириш ишларини амалий психолог томонидан мақсадли режа асосида ташкил этилганлиги умумий ўрта таълим мактаблари ва касб-

хунар колледжларда ўкувчиларни касб-хунарга йўналтириш ишларида узвийликни таъминлабгина қолмай, бунда таълим муассасада фаолият юритувчи педагогларни ҳам бевосита жалб қилишда ҳамда ўкувчиларни танлаган мутахасислик йўналишларига ижтимоий касбий мослашувига самарали таъсир этади.

#### **4. КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ХАТАР ГУРУҲИГА МАНСУБ ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ХУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШ ВА КАСБГА МОСЛАШТИРИШДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ**

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларида ўкувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва мослаштириш ишларини ташкил этишда психологияк хизмат ўрта маҳсус, касб-хунар таълими Марказининг 2008 йил 26 июнданги “Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида ижтимоий-психологияк хизмат фаолиятини йўлга кўйиш тўғрисида”ги 107-сонли буйруғи асосида ташкил этилган.

Шунга мувофиқ, таълим тизимида психологияк хизматнинг ташкил этилиши ўкувчи шахсининг касбий қобилияти, касбий кизикиши, мойиллiği, индивидуал-психологияк хусусиятларини ўрганиш ҳамда ўкувчини касбга мослаштириш орқали камол топиши, унинг ҳам маънавий, ҳам ақлий ривожланиши, ўзлигини англаши ва қобилиятларини намоён этиши учун тегишли таълим-тарбия ҳамда маънавий-рухий шароитлар яратишни назарда тутади.

Мазкур жараёнлар хатар гурухига мансуб ўкувчи шахсида намоён бўлишида бевосита касбга ижтимоий мослаштириш босқичлари мухим ўрин тутиши лозим.

##### **Касб-хунар коллежларидага хатар гурухига мансуб ўкувчиларни касбга мослаштириш босқичлари**



- Касбий ахборот**
- Касбий маслаҳат**
- Касбий ташхис**
- Касбий танлов**
- Касбий фаоллаштириш**
- Касбий мослашув**

**Касбий ахборот** - ўзида маълум бир касбни эгаллаш ҳоҳиши бўлган хатар гуруҳига мансуб ўқувчиларга касб-хунар коллежининг мутахассислик йўналишларини эгаллашнинг шакл ва воситалари, шарт-шароитлари, касбий билимларини ошириш имкониятлари, меҳнат бозорининг ҳолати ва эҳтиёжи, касбий қизиқишларнинг шаклланиши, ўқувчининг истак ва кўнгилларига қўйилган талаблар ҳамда замонавий касбларнинг истиқболи ва мазмуни тўғрисидаги ахборотлардан боҳбар қилиш, касблар олами бўйича маълумотлар тўплаш ва шу асосида тарғибот-ташвиқот қилиш чора-тадбирлари тушунилади.

**Касбий маслаҳат** - бу касб танлашда ўқувчининг қобилиятларини инобатга олган ҳолда, амалий ёрдам бериш ҳамда жамият эҳтиёжларидан келиб, ўқувчи ёшларга касблар ҳақидаги илмий ташкиллаштирилган маълумотларни етказиш жараёнлари ва шунинг билан бирга ўқувчининг қизиқиши асосида танламоқчи бўлган касб юзасидаги кўмакли мурожаатига бериладиган жавоблар натижалари касбий маслаҳат босқичида амалга оширилади;

**Касбий маслаҳат қўйидағи шаклларда олиб борилади:**

ахборот маслаҳати – ўқувчиларга ишга жойлашиш ҳақида, ишга ёки ўқишига қабул қилишнинг талаблари, меҳнатга ҳақ тўлаш тизими, касбий ўсиш истиқболлари ҳақида маълумот берилади;

диагностик (ташхис) маслаҳат – ўқувчининг шахсини, унинг қизиқиши, қобилияти, хусусиятларини танлаган касбига ёки мақсадига қараб ўтказилади;

шакллантирувчи маслаҳатнинг мақсади – ўқувчининг касб танлашини бошқаради, ушбу танловни тузатади. Бундай маслаҳат узок вақтга мўлжалланган бўлиб, ўқувчининг шахсий ўзлигини англашдаги доимий ўзгаришларини инобатга олади;

тиббий касбий маслаҳат – ўқувчининг саломатлик ҳолатини аниқлашга мўлжалланган бўлиб, танлаган касбига унинг психологик хусусиятларининг мос келиши, зарур ҳолларда унинг психофизиологик хусусиятларига кўпроқ мос келадиган бошқа фаолият турига қайта йўналтириш.

Касбий маслаҳатни ўтказиш иккита *бошлангич* ва *чуқурлаштирилган* касбий маслаҳат босқичларига бўлинади:

1. Бошлангич касбий маслаҳат – индивидуал тарздаги маслаҳат шакли бўлиб, бу жараёнда касб танлашнинг қоидалари, касб-хунарларнинг хилма-хиллиги тўғрисидаги маълумотлар берилади.

Бундай касбий маслаҳатнинг натижасида шахснинг касбий режаси шаклланади, танловнинг масъулияти ва онглилик даражаси ўсади.

2. Чукурлаштирилган индивидуал касбий маслаҳат – шахсни ҳар томонлама чукур ўрганишга (қизиқишилари, қобилиятлари, саломатлиги ва жисмоний ривожланиши, дикқатининг даражаси, тафаккури, харакатларининг координацияси, характер хусусиятларини) асосланиб ўтказилади. Бунда ота-онаси ва ўқитувчиларининг фикри, ўқишидаги ўзлаштириш хусусиятлари инобатта олинади. Бу маълумотлар ўқувчига фақатгина касб-хунарга йўналтириш мақсадидагина эмас, балки унинг шахсини ривожланишига ҳам таъсир кўрсатиш имконини беради.

Касбий маслаҳатчи савол беради, жавобларни таҳлил қиласди, маслаҳат беради ва унинг натижалари учун масъул ҳисобланади.

Психологик-педагогик ташхис методларининг натижалари ўқувчига ўзини объектив баҳолаш ва ўзи устида ишлашни такомиллаштиришнинг самараали йўлларини топишда ёрдам бериши даркор.

Ўқувчининг фаоллигини ошириш ва қўшимча маълумотларни кўпайтириш мақсадида касбий маслаҳатчи муаммоли вазифаларни кўйиши мумкин.

Касбий маслаҳатчида агар тиббий ва бошқа асослар бўлмаса, касб танлашга тўғридан тўғри йўналтиришга маслаҳатлар беради. **Касбий маслаҳат методлари қўйидаги гурӯҳларга бўлиниади:**

- ахборот-маълумот ва маърифат методлари;
- ўқувчига ўзини англашга ёрдам беришга йўналтирилган диагностик методлар;
- ахлоқий-ҳиссий кўллаб-куватлаш методлари;
- касбий ривожланиш бўйича қарор қабул қилиш ва истиқболни белгилаш методлари;
- мўлжалланган мақсад ва истиқболларни амалга оширишни таъминловчи метод;
- ўзаро боғлиқ бўлган кетма-кетлик занжирини тузиш;
- истиқболдаги вариантлар ичидан энг мақбулини танлаб олиш имконини берувчи методлар;
- ҳар хил харакатлар варианtlари тизимини яратиш;
- мавжуд касб-хунарлар, ўқув юрти ва мутахассисликлар ичидан алтернатив танлов схемаларини кўллаш;

- касбий маслаҳатларнинг турли вазиятларини баҳолаш ва ўз-ўзини баҳолашнинг усул ва методларидан ўз-ўзини англаш ҳолатларини биргалиқда таҳлил қилиш усуllibаридан фойдаланиш;
- ҳаётий ва касбий ўзликни англаш бўйича турли ҳолатларни мустақил таҳлил қилишга тайёрликни шакллантириш методлари.

Касб-хунар коллекларидаги касб-хунарга йўналтириш ва касбга мослаштириш ишларини ташкил этишда юкорида кўрсатилган методлардан самарали қўлланилиши ўқувчиларнинг касбий қизиқишлири, касбий ўзликларини англаш жараёнларини шаклланишида муҳим ўрин тутади.

В.Л.Леви ҳолатларни типларга ажратиш критерияси сифатида хатар гурухига мансуб ўқувчиларни касбий маслаҳат олиш учун мурожаат қилиш мотивларини олади[16; 29].

Биринчи навбатда мотив тушунчаси нимани англатиши ҳақида билиб олсан:

**мотив** – ўқувчи шахсини бирор мақсадли фаолиятни бошлашга, киришиши учун сабаб бўлувчи ички омил, яъни субъектини фаоллаштирувчи турли ҳолатларни ифодалаш бўлиб, у шахс эҳтиёжи, майли, ҳиссиёти ва идеаллари таъсирида рўёбга чиқишига йўналтирилган ақлий фаолиятдир. Ўқувчи шахсини мурожаатида қўйидаги мотивлар кўпроқ учрайди, яъни ноаниқлик мотиви, муқобил танлов мотиви, ўз касбий режасига эга бўлган шахс маслаҳат сўраб мурожаат қиласи, муаммоли вазиятларда, билиш мотиви ва шу кабилар. Шахсий маслаҳат ўтказишида таълим муассасанинг касбга йўналтирувчи психолог-мутахассиси қўйидагиларни билиши шарт: бир томондан, хатар гурухига мансуб ўқувчининг қизиқиши, лаёқати ҳақидағи маълумотларни ва бошқа томондан касблар олами тўғрисидаги маълумотларни, касбнинг инсонга қўядиган талабларини, ўқув муассасалари ҳақидағи маълумотларни.

Ўқиши фаолияти мотивлари – бу ўқиши жараёнидаги билимларни онгли равишда тушуниб, муайян билимлар олишга ундейдиган бош сабаблар мажмуудан иборатдир. Ўқиши фаолиятини мотивациялаш – бу ўқиши фаолияти мотивларига нисбатан кенгроқ мазмунга эга бўлиб, у ўқиши жараённида бериладиган билимлар ичидан ўқувчининг ўз қизиқиши ва қобилиятидан келиб чиқиб, билим олишнинг маълум бир йўналишини танлаб олишдан иборат мантиқий жараёндир.

- Р.Т Байяд, Д.Байяд хатар гурухига мансуб ўқувчиларда ўқув мотивларни шаклланишини қўйидагича ифодалайди;
- бирор ўқув фанига қизиқиши;

- Ватанга фойда келтириш истаги (ўзига хос педагогик-психологик хусусият ва қобилиятни хисобга олмаган ҳолда);
- шахсий қобилиятни рўйиши;
- оиласвий анъаналарга риоя этиши;
- дўстлари ва ўртоқларига эргашиши; иш жойи ёки ўкув юртдининг уйига яқинлиги; моддий таъминланиши;
- ўкув юрти кўринишчининг чиройлилиги, нуфузлилиги ёки унга жойлашиш осонлиги[19; 76].

Шунингдек, бошқа турдаги мотивлар, масалан, ўкувчининг бирор қасбига, фанга мойиллиги, мақсади, унга интилиши, қасб тўғрисидаги маълумоти, ўзининг сиҳат-саломатлиги, асаб тизимининг ва темпераментининг хусусиятлари ёки бошқалар ҳам бўлиши мумкин.

Ўқини мотивларини шакллантириш ўкувчининг билимга бўлган ёхтиёжи, қизиқишини янада орттириб қолмай, балки унинг келажақдаги йўлини ҳам аниқлаб беради ҳамда билимининг кенгайиши, ўқиш, кўникма ва малаканинг шаклланиш даражасини кўрсатади

Хатар гурухига мансуб ўсмирларни қасб-хунарга йўналтириш ишларининг самарадорлигини баҳолашда Р.Т Байярд, Д.Байярднинг кўйидаги фикрига қўшилиш мумкин: “... маслаҳат ақлии ва малакали бўлган тақдирда ҳам, шахсий хусусиятларни тўғри ташхисдан ўтказишдаги унинг бутун компетентлигига қарамасдан, биз барибир шубҳаланишга ҳақлимиз... иккинчидан, унинг меҳнат оламини кабул қилишининг ҳаққонийлиги қай даражада, бундай ҳолатнинг сабаби шуки, ҳаттоқи энг малакали қасбий маслаҳатчи ҳам қасблар оламининг барча сир-асрорларидан боҳабар бўла олмайди, чунки қасблар оламининг ўзи ҳам ўзгармас эмас”.

Шундан келиб чиқиб, шу фикрга келиш мумкинки, ўкувчи ёниларга тўғри қасбий маслаҳат, йўл-йўриқ бериб борищ осон иш ёмас экан, уни амалга ошириш эса бундан ҳам мащаққатли жараён бўлиб саналади.

**Қасбий ташхис** – хатар гурухига мансуб ўкувчиларнинг индивидуал-психологик хусусиятлари, шахсий фазилатлари, қасбий қизиқишлиари, мойиллиги, соғлиги ва меҳнат талабларига тўғри келиши ёки тўғри келмаслик жараёнларини аниқлаш босқичи қасбий ташхис ҳисобланади.

Р.Т Байярд, Д.Байярднинг фикрига кўра, “Касбларнинг илмий асосланган типологиясининг йўқлиги, яъни у ёки бу қасбга ва қасблар

гурухига мослик даражасини аникладиган, психофизиологик хусусиятлар мажмуасининг йўқлиги ўқувчиларнинг касбий ташхис ҳақидаги хусусиятларни аниклаштириш йўлида ўтиб бўлмас тўсиқ бўлмоқда” экан.

**Касбий танлов** – ўқувчини касбий фаолиятининг яроқлилик даражасини аниклашга йўналтирилган, унинг психофизиологик хусусиятлари (танлаш) ёки аниқ бир касбга бўлган психофизиологик меъерий талаблар (саралаш) асосида ўқувчини ҳар томонлама ўрганиш тизимиdir.

*Ўқувчиларнинг касб-хунар танловларида қуйидаги омилларнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга:*

тенгқурлари, дўстларига эргашиш;

шахсий касбий ва ҳаётий режалар;

идеал касб орзуси;

оммавий ахборот воситалари (радио, телевидиние);

касб-хунарга йўналтириш ва мослаштириш тадбирлари.

Шунингдек, касб танлашнинг асосий омиллари сифатида психологиялар одатда қуйидагиларни келтиришади: қизиқишлилар (билим орттиришга доир, мутахассисликлари бўйича, касбларга қизиқиш, иштиёқлар); лаёқатлар (маълум бир фаолият турида муваффақиятга эришиш учун зарур бўлган психологик механизмлар); темперамент; характер. Бу омиллар кўпроқ субъектив ҳисобланади.

Қуйидаги омиллар гурухи (уларни объектив деб номлаш мумкин) – тайёргарлик даражаси (ўзлаштириш), саломатлик ҳолати, касблар олами ҳақида ахборотга эга бўлиш кабиларни қамраб олади.

**Касбий фаоллаштириш** – бунда хатар гурухига мансуб ўқувчиларнинг танлаган касб-хунари юзасидан касбий маълумотлар базасини кенгайтириш, ўқув ва ишлаб чиқариш жараёнларига жалб қила бориш ҳамда меҳнат турининг шарт-шароитлари билан таништириб бориш жараёнларини ўз ичига олади.

**Касбий мослашув** – бунда касб-хунар коллежида хатар гурухига мансуб ўқувчиларлар танлаган мутахассислик йўналишларига ижтимоий касбий мослашиш жараёнлари ҳамда ишлаб чиқаришда касбий фаолиятининг ижтимоий–психологик ва ташкилий-техник шароитларига шахсни мослаштиришга, уни муваффақиятли равишда касбни эгаллаш учун шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган чоралар комплекс тизими бўлиб саналади.

Мазкур жараёнлар асосида касбга мослаштириш ишларини ташкил этилиши, ўқувчиларни касб-хунар таълим муассасаларига

психологик-педагогик ёндашув тизимини таъминлашига ҳамда ўқувчининг ижтимоий мухитга касбий мослашувини самарали кечишига туртки бўлиб хизмат қиласди.

## **5. ХАТАР ГУРУҲИГА МАНСУБ ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН ЎТКАЗИЛАДИГАН КАСБГА МОСЛАШТИРИШ ТАДБИРЛАРИ ВА УНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ**

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни юксек даражада бажариш борасида, умумий ўрта таълим мактаблари ва касб-хунар коллажларида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш жараёнлари бўйича тадбирларининг имконияти мухим аҳамият касб этади.

Касбга мослаштириш тадбирларининг имкониятлари касб-хунар коллажларини тайёрлов йўналишлари, мутахассисликлари, шартшароитлар билан яқиндан таништиришда ҳамда ўқувчи шахсини инобаттага олган ҳолда бериладиган ёрдам бўлиб бир томондан жамият учун керакли бўлиши, иккинчи томондан ўзининг шахсий ҳаракатларига эришиши, меҳнат соҳаларини мустақил ва онгли танлай олишида имкон яратишга хизмат қиласди.

Шунингдек, касб-хунар коллажларининг ҳашаматли ҳамда кўркам биносининг ўқув устахоналар, компьютер хоналар, чилангарлик, гишт териш технологиялари, тиббиёт жиҳозлари, архитектура чизмалари, ўқувчилар томонидан тайёрланган хунармандчилик буюмлари асосида ташкил этиладиган ярмаркалар билан умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларини таништириш ва улар иштирокини таъминлаб борилиши ҳам уларни касблар оламидан ўзларининг қизиқишиларига мос бўлган касб танловини белгилаб беради.

Мазкур жараёнларни амалга оширилишида кейинги таълим тури бўлмиш касб-хунар коллажлар ўрни мухим саналади.

Бунда аввало, умумий ўрта таълим мактаб битирувчиларини касб-хунарга йўналтириш тадбирларига иштирокларини таъминланиши учун биринчи навбатда тадбир ўтадиган касб-хунар коллажининг худудида жойлашувини тўғри танланишига эътибор қаратиш лозим бўлади. Агарда тадбир ўтказиладиган касб-хунар коллажининг худудида жойлашуви ҳамда тадбирда тайёргарлик жараёнлари талаб

даражасида бўлмаса, иштирокчиларнинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бу борада М. Куронов, Ш.Жумаев, О.Сафаров каби педагог олимлар қуидаги фикрни келтириб ўтганлар: “Тадбир ўтказилишидан олдин тадбирни ўtkазиш заруриятини аниқлаш лозим. Бу зарурият дунёда рўй берган ижтимоий-сиёсий воқеа ёки мамлакат миқёсидаги кенг қамровли маънавий-маърифий тадбирлар, янги қонун ва қарорлар, ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, одамларни ўйлантираётган долзарб ижтимоий муаммолар бўйича ахолининг ишончли манбалардан аниқ ва атрофлича ахборот ҳамда маълумотлар олиши билан боғлиқ бўлиши мухим. Тадбирлар, заруриятга қараб, рўй берган ёки рўй бериши кутилаётган воқеа ва ҳодисанинг ғоявий жиҳатдан турлича талқин этилиши, улар бўйича ортиқча мишмишлар тарқалишининг олдини олишни кўзлаган бўлиши керак.

Шу билан бирга олимлар тадбир самарадорлигини оширадиган энг асосий жиҳатлардан бири кўргазмали воситалар, шиорлар, тасвирий санъат намуналари, ҳикматли сўзлар, харита, расмлар ва слайдлардан унумли фойдаланиш қатнашчиларда тадбирни янада мазмун моҳиятини чукур англашларига турткি бўлиши ҳақида ўз фикрларида илгари сурғанлар[16; 67]. .

Шундай экан, қасб-хунар коллежларида қасб-хунарга йўналтириш ва мослаштириш тадбирларини доимий ташкил этиш орқали ўқувчиларни қизикишлари, қобилиятлари асосида мустақил қасб танлашлари ҳамда келгусида уларни кунт билан эгаллашларига имкон берувчи омил сифатида қараш мумкин.

Бу борада педагог М.Ф.Зияева ўқувчиларни медицина қасбига мослаштиришни босқичма-босқич шакллантириш жараёнларини қуидаги тадбирларни ўтказиш йўли билан ҳал этиш мумкинлигини келтириб ўтган:


- коллеж ўқувчилари билан шахсий сухбатлар ўтказиш;
- коллеж ўқувчиларига қасбнинг ижобий ва қийинчилик томонларига урғу берган холда маслаҳатлар бериш;
- ўқувчилар танлаган қасбни “ҳимоя” қилиш бўйича кўрик-танлов ўтказиш;
- “Менинг севимли қасбим” мавзууси бўйича реферат тайёрлаш;
- қасбий мажбуриятлар билан хар томонлама мақсаддли танишиш;
- “Касб танлашдаги омиллар”, “Шифокорлик қасбининг мажбуриятлари” мавзуларида сухбатлар ўтказиш лозимлигини келтириб ўтган [7; 46]. .

Дарҳакиқат, ўкувчиларни касбий қизиқишларини шакллантиришда турли сухбатлар ўтказиш, экскурсиялар уюштириш, касблар олами ҳақида фильмлар намойиши орқали ҳам амалга ошириш мумкин.

Ўкувчилар билан гурухий ва индивидуал сухбатларни режалаштириш, уни ўтказиш бўлажак касбига ижобий муносабатни максадли йўналтириш ҳамда касб ҳақида айrim тушунчаларни шакллантириш билан бирга, касбга қизиқишнинг хиссиётли, сабабли, ақлий жараён асосида таъсир этишини таъминлайди.

Касблар олами ҳақида фильмлар намойиши ҳамда уюштирилган экскурсиялар ўкувчиларда маълум бир хис-хаяжонни юзага келтиради, касб фаолиятини моделлаштиради ва тарбиялайди.

Келтирилган фикрлардан шуни англаш мумкинки, умумий ўрта таълим мактаблари ва касб-хунар колледжларда ўкувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва касбга мослаштириш ишларини қўйидаги кўринишдаги тадбирлар орқали узвийликни таъминлаш мумкин.



Касб-хунар колледжлари мазкур касб-хунарга йўналтириш ва касбга мослаштириш тадбирлари юзасидан умумий ўрта таълим мактаблари билан доимий ҳамкорликда ўтказилиши бўйича иш режаларини тузиб олишлари мухим саналади. Ҳар бир тадбирга тайёргарлик жараёнлари бир ой олдин бошлаб юборилиб, унда буклет кўринишдаги таклифномалар, тадбир дастурини ишлаб чиқишилари лозим бўлади. Касб-хунарга йўналтириш ва касбга мослаштириш тадбирларини ўтказишида, аввало тадбирнинг номи ўкувчилар учун қолаверса, кенг омма учун тушунарли, мазмунли, қизиқарли, рухлантирадиган бўлиши лозим. Тадбирни номлашда ўта илмий, узун жумлали сўзлардан имкон борича ишлатмаслик лозим, йўқса,

ўқувчилар тадбирнинг мазмун, моҳияти қанлай мақсадга қаратилганлиги юзасида бирор-бир тасаввурга эга бўлмайдилар.

Шу билан бирга, касб-хунарга йўналтириш ва касбга мослаштириш тадбирларига ота-оналар, маҳалла вакиллари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, маҳалла нозирлари, касб фахрийлари, аҳолини бандликка кўмаклашувчи марказ ходимлари, корхона ва ташкилот вакиллари ҳамда касб-хунар коллежининг собиқ бити्रувчиларни ҳам таклиф этиш лозим. Ушбу ҳамкорликда ўтказиладиган касб-хунарга йўналтириш ва касбга мослаштириш тадбирлар ўқувчи шахсининг қизиқиши, мойиллиги асосида келажакда мустақил касб ташлашларига ва ижтимоий касбий мослашувига имкон беради.

Касб-хунар коллежларида “Очиқ эшиклар куни”  
тадбирининг ташкилий жараёни

“Очиқ эшиклар куни” – тадбири умумий ўрта таълим мактаблари ва касб-хунар коллежларида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда узвийликни таъминлашнинг самарали тадбирларидан бири бўлиб ҳисобланади. “Очиқ эшиклар куни” тадбири касб-хунар коллежлари томонидан доимий ўтказилиб борилиши, мактаб битириувчиларини яқин худудда жойлашган касб-хунар коллежларнинг мутахассислик йўналишлари ҳақида маълумотга эга бўлишларига имкон беради. Бунда, аввало касб-хунар коллежи психологи, муҳандис, педагоглар умумий ўрта таълим мактабларига ташриф буориб, дастлаб ўз касб-хунар коллежларида мавжуд мутахассислик йўналишлари, имкониятлари юзасидан мактаб педагог жамоасига, ўқувчиларга касбий ахборотлар берадилар ҳамда касб-хунар коллежида ўтказиладиган “Очиқ эшиклар куни” тадбирига таклиф этадилар.

Амалиётчи психологлар 9-синф битириувчилари билан шу коллежнинг мутахассислик йўналишлари юзасидан ўзаро сухбатлар олиб борадилар ҳамда касб-хунар коллежининг ихтисослик предметлари ҳақида касбий ахборотларни тараинум этувчи “Сенинг келажакдаги касбинг” мавзусида стендли кўргазмаларни ташкил этиб, ўқувчиларни танишишларига қулай бўлган жойга ўрнатишлари мақсадга мувофиқдир.

“Очиқ эшиклар куни” тадбирида касб-хунар коллежлари байрамона руҳда безатилган бўлиши билан бирга қўйиндаги ишиларни ташкиллаштириш ҳам лозим:

ушбу тадбирни ўтказилишида касб-хунар коллекци, мактаб, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, оммавий ахборот воситаларини ўзаро мувофиқлаштирувчи буйругини амалга ошириш;

ўз транспортига эга бўлган касб-хунар коллекклари масофаси узок бўлган умумий ўрта таълим мактабларига бориб битирувчиларнинг тадбирдаги иштирокини таъминлаш;

касб-хунарга йўналтириш хонасини ташкил этиб, ушбу хонада касбий тайёрлов мутахассисликларини тараннум этувчи стендлар, кўргазмалар ҳамда мутахассисликларга доир кейинги меҳнат ва таълим фаолиятлари юзасидан ишлаб чиқариш корхона, танкилотлари, олий ўкув юртлари ҳақида маълумотлар банкини танилтиш;

унибу тадбир юзасидан матбуотда мақола ва тезислар билан чиқини.

Тадбирда касб-хунар коллекци ва мактабнинг педагог жамоасининг иштирокини таъминланиши билан бирга касб-хунар коллекци ҳамда умумий ўрта таълим мактаб директорларининг, касбга йўналтирувчи, психологларнинг ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш масалалари, чора-тадбирлари, тавсиялари бўйича маърузалари тингланади. Шунинг билан бирга, тадбирда ота-оналар, маҳалла вакиллари, касб-хунар коллекции битириб иктисадиётнинг тармоқларида ишләётган ёки олий ўкув юртларида таълим олаётган собиқ битирувчилари, коллекцининг иқтидорли ўқувчилари (кўрик танлов голиблари), касб фахрийлари, ишлаб чиқариш корхона ва ташкилот ҳодимлар катнашадилар. Тадбир давомида умумий ўрта таълим мактаб битирувчиларидан мазкур касб-хунар коллекцияга ўқиш истагини билдирган ўқувчиларни шу ерни ўзидаёқ, дастлабки касб-хунар коллекцияга қабул қилиш рўйхатларини тузиш ҳам мумкин.

#### Касб-хунар коллекларида “Касблар фестивали” тадбирини ўтказиш тартиби

“Касблар фестивали” хар бир умумий ўрта таълим мактаблари (7-9-синифлар), академик лицей, касб-хунар коллеклари кесимида ҳар бир шаҳар, туманда 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиш, битирувчиларнинг онгли ва мустақил касб танлашлари, танланган таълим муассасаларида ўқишини давом эттиришларини таъминлаш, академик лицей ва касб-хунар

колледжлари билан ўкувчилар, ота-оналар, маҳалла аҳлини яқиндан таништириш мақсадида ташкил этилади.

Бу борада Ҳалқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика хотин-қизлар қўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси томонидан “Касблар фестивали”ни ўтказиш бўйича қабул қилинган кўшима қарорида ҳам куйидаги вазифалар белгилаб берилган:

1. 2006-2007 ўкув йилидан бошлаб доимий равишда умумий ўрта таълим мактаблари 9-синф битибувчиларининг таълимнинг кейинги босқичларига жалб этишни таъминлаш ва уларни касб-хунар коллежлари фаолияти билан таништириш, уларга касб-хунарлар ҳақидаги маълумотлар бериш мақсадида республиканинг барча вилоятларида жорий йилнинг 15-25 май кунлари “Касблар фестивали” тадбирларини ўтказиш.

2. Маҳаллаларда ота-оналар, хотин-қизлар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати 9-синф битибувчилари, айниқса, қизларнинг касб-хунарга бўлган қизиқишлигини орттириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш.

3. Ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг мазмун-моҳияти, фарзандларни билим ва касб эгаллашларига йўналтиришдаги бурчлари тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишлари ва маданий-оммавий тадбирларни эл орасида ҳурмат қозонган тажрибали, ўз соҳасини ҳар томонлама чуқур биладиган мутахассисларни кенг жалб этган ҳолда ташкил этиш (кўрик-танловлар, учрашув, давра сухбатлари, очик мулоқотлар).

4. “Касблар фестивали” доирасида ўтказилган тадбирларнинг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситалари (телевидение, соҳа газета ва журналлари) орқали кенг ёритиш.

5. Таълим муассасаларидан узокда жойлашган умумий ўрта таълим мактаблари битибувчилари учун транспорт ташкил қилиб, таълим муассасаларига экскурсиялар ташкил қилиш каби вазифалар кўрсатилиб ўтилган.

Мазкур тадбирни касб-хунар коллежларда ўтказилиб борилиши ўкувчи шахсининг келажакда танламоқчи бўлган касб доирасида таркиб топиши ҳамда малакали кичик мутахассисга хос сифатларни шакллантириша, ихтиёрий равинида касб танлашларида, касбий мотивацияларга асосланиб қарор қабул қилиш жараёнларига аниқлик киритишга имкон бериши билан бирга умумий ўрта таълим

мактаблари ва касб-хунар коллекцияда касб-хунарға йұналтириш ишларыда ҳамкорлықтың таъминлашынан самаралы хизмат қилишида бош омил бўлиб ҳисобланади.

Бунда касб-хунар коллекциялар “Касблар фестивали” тадбирини ўтказилиш тартиби ва унинг мазмун-моҳиятини күйидаги тарзда ташкил этишлари лозим:

аввало касб-хунар коллекции умумий ўрта таълим мактаблари билан “Касблар фестивали”ни ўтказилиши бўйича ҳамкорликда бўйруқ қабул қиласидилар;

“Касблар фестивали”ни ўтказиш бўйича ишчи гурухини тузадилар;

“Касблар фестивали” тадбирига туман, шаҳар ташхис маркази, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими, “Камолот” ёшлар ижтимоий харакати Марказий Кенгаши, маҳалла фуқоролар йигини вакилларининг иштирокини таъминладилар;

касб-хунар коллекции “Касблар фестивали” тадбирини ўтказиш бўйича ишчи дастур ишлаб чиқиб, тасдиқлайди;

#### **Дастурда қуйидагилар ёритилиши мумкин:**

- касб-хунар коллекционинг ҳаёти, шарт-шароитлари;
- “Касблар фестивали” тадбири иштирокчилари ва уларнинг маърузали чиқишилари рўйхати;
- “Касблар фестивали”ни ўтказиш бўйича касб-хунар коллекционинг ишчи гурӯҳ таркиби;
- касб-хунар коллекционинг мутахассислик йўналишлари бўйича маълумот;
- ўқувчиларни ўқишига қабул қилишда талаб этиладиган хужжатлар;
- касб-хунар коллекционинг жойлашув манзили;
- касб-хунар коллекционинг мутахассислик йўналишлари бўйича ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотларга биринчи юзасида маълумотлар;
- касб-хунар коллекционинг мутахассислик йўналишлари бўйича қандай олий ўқув юртларида ўқишини давом эттиришлари ҳакида маълумотлар келтирилиб ўтилади.

**Касб-хунар колледжининг “Касблар фестивали”ни ўтказиш бўйича  
Дастур (намунавий)**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлиги**

**Ўрта махсус, касб-хунар таълим маркази**

**Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълим  
бошқармаси**

**Тошкент политехника касб-хунар колледжи**

**«КАСБЛАР ФЕСТИВАЛИ»**



**Тошкент 2014**

**Касб - хунар колледж ҳаёти**



**“Касблар фестивали” тадбири иштироқчилари ва уларнинг  
маърузаличиқишилари**

№	Ф.И.О.	Лавозими	Маъруза номи	Ажратилган вакт
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				
6.				
7.				

**“Касблар фестивали”ни ўтказиш бўйича касб-хунар  
коллекционинг ишчи гурӯҳ таркиби**

<b>№</b>	<b>Ф.И.О.</b>	<b>Лавозими</b>	<b>Маъсул</b>
1			Ишчи гурӯҳ раҳбари
2			Ишчи гурӯҳ раҳбари ўринбосари
3			Амалий психолог
4			Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари

**Касб-хунар коллектида мавжуд тайёрлов йўналишлар  
бўйича мутахассисликлар**

- кийимларни лойихалаш ва моделлаш
- молия
- мухосиблик ҳисоби
- менежмент
- тикувчилик ишлаб чиқариш
- трикотаж ишлаб чиқариш
- пойабзал ишлаб чиқариш
- компьютер, компьютерларни таъмирлаш
- автомобилларни таъмирлаш

**Ўқувчиларни ўқишига қабул қилишда қўйидаги  
хужжатлар талаб қилинади**

1. Шаходатнома
2. Тиббий варақа - 0.86 форма
3. Расм 3 x 4 - 4 та
4. Туғилганлик ҳақида гувоҳнома (нусха)

5. Ариза (рахбарият номига)
6. Тавсиянома (ташхис маркази)

**Касб-хунар колледжининг жойлашув манзили**

Тошкент шаҳар.  
Миробод тумани  
Мовароуннаҳр кӯчаси 26 уй.  
Мурожаат учун телефонлар - - -

**Касб-хунар колледжининг мутахассислик йўналишларига мос ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлар хақида маълумот**

№	Корхона, ташкилот номи	Манзили	Талаб этиладиган мутахассисликлар
1.			
2.			
3.			
4.			

**Касб-хунар колледжининг мутахассислик йўналишларига мос қандай олий ўқув юртларида ўқиш мумкинлиги хақида маълумот**

№	Олий ўқув юрти номи	Манзили	Факультет
1.			
2.			
3.			
4.			

Касб-хунар колледжининг амалиётчи психолог ва ўқитувчилари яқин ҳудудда жойлашган умумий ўрта таълим мактабларига бориб, мактабнинг амалиётчи психологи ва синф раҳбарларига касб-хунар колледжининг мутахассислик йўналишлари бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борадилар ҳамда “Касблар фестивали” тадбирини ўтказиш бўйича дастур асосида ўтказиладиган касб фестивали тадбирига таклиф киладилар. Шунингдек, мактаб битирувчиларини ушбу тадбирда иштирок этишлари учун ўз имкониятларидан фойдаланган ҳолда транспорт билан таъминлайдилар.

Тадбир кунида касб-хунар коллежи мутахассислик йўнилишларини тараннум этувчи кўргазмалар, стендлар ҳамда ўқувчилар томонидан тайёрланган буюмлар ярмаркалари намойиши билан байрамона рухда безатилади. Тадбир давомида мактаб ўқувчиларини касб-хунар коллежининг ўқув лаборатория хоналари, ўқув устахоналари, техника воситалари ва спорт секторлари билан яқиндан таништириб борилади. Шу билан бирга мазкур “Касблар фестивали” тадбирини мазмун-моҳияти ва ундан кутилган мақсад вазифаларини оммавий-аҳборот воситалар орқали кенг оммага етказиб борилади.

“Касблар фестивали” тадбирини ўтказилишида куйидаги ҳамкорлик жараёнларига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 июндаги “Умумий ўрта таълим мактаблари битирувчиларини академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида таълим олишларини янада қенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-427-сонли қарорининг мазмун-моҳиятини ота-оналар ва кенг жамоатчиликка тушунтириш ишларига;

- шу таълим муассасасини тугаллаб, ҳозирда мутахассислиги бўйича меҳнат фаолиятини олиб бораётган ёки олий ўқув юритида ўқиётган ўқувчиларни таклиф этишга;

- маҳаллаларда тикланаётган касблар тўғрисида сухбатлар ўюнтириш ҳамда меҳнат фахрийлари ва жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналарини, иш берувчиларни таклиф қилишга;

- ота-оналар ва битирувчилар учун психологик педагогик ташхис ва касб-хунарга йўналтириш тавсияларини касбий танлов ва касбий қарор қилинишида нечоғлик муҳимлигини тушунтиришга;

- меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш ходимларининг ёшларни ишга жойлашиш имкониятлари ва қонунчиликда ўрнатилган тартиблар, кафолатлар тўғрисида маълумотлар берилишига.

Хулоса қилиб айтганда, касб-хунар коллежларида “Касблар фестивали” тадбирларини ўтказилиши ўқувчи ёшларни касб-хунар танлашларида ҳамда касблар олами тўғрисида аниқ фикрга эга бўлишларига ёрдам беради ҳамда ўқувчиларни танлаган касбларинга ижтимоий мошлашувини таъминлайди.

## **Экскурсия (саёҳат)**

Касб-хунарга йўналтиришнинг самарали усулларидан бири экскурсия бўлиб, бу усул орқали таълим муассасалари, корхона – ташкилотлар ҳақида амалий жиҳатдан тасаввурга эга бўлиш жараёнларига қаратилган фаолият саналади.

Бир қараганда экскурсия ўтказиш учун кўп тайёргарлик, билим ва малака талаб килинмайдигандек кўринади, аммо экскурсияни ташкил этишида жиддий ёндашиш талаб этилади. Экскурсияни ташкил этишидан мақсад ўқувчиларни касблар ва унинг тавсифи, мутахассислик йўналишлари ҳақида касбий ахборот, касбий маслаҳат, касбий қизикиш, касбий фаоллаштириш, касбий маҳоратни тақдилантиришдан иборатdir. Экскурсияни ташкил этишида аввало мъалум бир обьект танлаб олиш ва шарт-шароитни инобатга олиш мақсадга мувофиқdir. Шу билан бирга мавзу танлаб олиниши ва бу борада ўқувчиларга маълумот бериш муҳим ўрин тутади.

Экскурсияни ўтказилиш жараёнини касб-хунар коллежлари мисолида келтирсан, биринчи галда таълим муасассасида экскурсияни ташкил этиш ва уни бошқаришда педагог, психологлардан маъсул қилиб тайинлаш лозим бўлади. Экскурсия жараёнida, ўқувчиларга керакли мъалумотлар, тарқатма материаллар альбомлар, буклетлар, стендлар билан бевосита таништирилиб борилиши билан бирга, шарт-шароитлар, имкониятлар ҳам чукур ўрганилиб борилиши керак.

**Экскурсия жараёнida ўқувчиларга қўйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилилари лозим:**

*Масалалар:*

- меҳнат бозорида мутахассисликка бўлган талаб;
- корхонанинг тўлиқ номланиши ва уни қайси соҳага қарашли эканлиги;
- корхонани ташкил қилиниш тарихи, анъаналари ва ривожланиши;
- меҳнат фаолияти ва жамоатчилик ишларида юқори кўрсатгичларга эришган ходимлар;
- корхонанинг тузилиши (асосий ва ёрдамчи цехлар, уларнинг иш вазифаси ва ишлаб чиқариш кучи); ўқув муассаса бўладиган бўлса (факультетлар, кафедралар, мутахассисликлар, лабораториялар, кабинетлар ва ҳ.к.);
- хомашё ва ундан фойдаланиш, корхонага келтирилаётган хомашёнинг асосий турлари;

- корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари ва унга бўлган талаб;
- ишлаб чиқариш маҳсулотининг ўсиш динамикаси ва унни эксропт қилиш.

Экскурсияга маъсул педагог аввало экскурсияни ташкил этинида корхона билан экскурсияни ўтказиш вақтини аниқлаштириши лозим. Шу билан бирга педагог корхона тўғрисида тўлиқ маълумотта эга бўлиши, илғор ишчилари билан сухбатлар давомида улардан ўқувчиларни ушбу касбларга қизиқтиришда қандай усул, виситалардан фойдаланиш борасида ўзаро фикр алмашинишлари керак.

Шунингдек, педагог экскурсия режасини тузиши ва ўқувчиларни шу режа билан таништириши, вазифаларни тақсимлаши, экскурсия давомида нималарга эътибор қаратиш лозимлиги ҳамда экскурсияни ўтказишдан мақсад нима эканлиги тўғрисида батафсил тушунтириб бориши, шу билан бир қаторда ўқувчилардан экскурсия юзасида олган таассуротлари, фикр мулоҳазаларини аниқлаб бориши лозим бўлади.

Ўқувчилар экскурсия давомида қуйидаги саволларга алоҳида оътибор қаратишлари мақсадга мувофиқдир

*намунавий саволлар рўйхати:*

1. Қандай темир кесувчи станоклар билан механика цехи жиҳозланган?
  2. Цехда қандай маҳсулотлар тайёрланади? Уларни номларини айтинг?
  3. Улардан қаерда фойдаланадилар?
  4. Қандай материаллардан деталлар тайёрланади?
  5. Ишчи токарлик станокида детал тайёrlашда қандай кесувчи ва ўлчовчи асбоблардан фойдаланилди?
  6. Ишчи қандай технологик хужжатлар (технологик карталар, чизма, эскиз) билан ишлайди?
  7. Цехда қандай касб ва мутахассислиги бор инсонлар ишлайди?
  8. Металлга ишлов бериш бўйича станокчилар ва чилангларлар малакасини ошириш, касбий ўсиш ва таълимни давом эттириш учун қандай имкониятларга эгалар?
  9. Механика цехидаги қандай касб сизга кўпроқ ёқади?
- Тадбир кунида корхона раҳбари умумий тарзда корхона тўғрисида умумий маълумотли кириш сўзи билан бошлаб беради.

**Корхона тұғрисида умумий маълумотли кириш сўзида куйидагилар ёритилиши мумкин:**

- корхона (ўкув муассаса) тарихи ва ривожланиши, унинг ижтимоий-иктисодий ҳәётида тутган аҳамияти;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат моҳияти;
- меҳнатда ва жамоатчилик ишида яхши натижаларга эришган ишлаб чиқариш илғор ишчилар ҳақида;
- мутахассислик бўйича бўш иш ўринларига эга эканлиги;
- иш шарт-шароитлари, имкониятлари хулас корхона-ташкилот ҳақида тўлиқ маълумот бериш жараёнларини ўз ичига олади.

Тадбир сўнггида ўкувчилар ўзлари қизиққан касб турлари бўйича илғор ишчи мутахассислар билан ўзаро фикр алмашинилади. Бунда ўкувчилар томонидан берилган саволларга аниқ ва пухта жавоб беришлари лозим бўлади.

Ўкувчилардан экспурсия давомида олган таассуротлари, қизиқишлиари юзасидан билимларини мустаҳкамлаш мақсадида “Мен севган касб”, “Касбим-фаҳрим” каби мавзуларда иншолар олинади.

### **“Ўз қасбининг устаси” (кўрик-танлов)**

“Ўз қасбининг устаси” - кўрик-танлови ўкувчиларни меҳнат ва касб таълимида ўзлаштирган назарий билимларини мустақил равишда уларни амалий ишларга жалб қилиш жараёнларида эгаллаган билим ва малакаларини амалдаги ҳолатини аниклашда бевосита ёрдам беради. Кўрик-танлов умумий ўрта таълим мактаблари ва касб-хунар коллажлари ҳамкорлигида ўкув йили давомида уч босқичда яъни ноябрь, февраль, май ойларида дарсдан ташқари соатларда ташкил этиб борилади. Бунда касб-хунар коллажининг ўкув устахонаси кўрик-танловни ўтказиш обьекти бўлиб хизмат қиласи. Кўрик-танловни ўтказишда ўкувчиларга берилган амалий топшириклиарни бажариш жараённида меҳнат ҳавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш, белгиланган вақтдан унумли фойдаланиш, иш асбобларидан самарали фойдаланиш, материални тежаб ишлатишлари учун кўрсатмалар берилади.

“Ўз қасбининг устаси” кўрик-танловини ўтказиш жараёнларини уч босқич асосида ташкил этиш мумкин:

**1-босқич** умумий ўрта таълим мактаб ўкувчиларини касб-хунар коллажига очик эшиклар кунига жалб қилиниб, уларга касб-хунар

коллежининг мутахассислик йўналишлари ҳақида маълумотлар берилади. Шу билан бирга касб-хунар коллежнинг ўқув устахонасида умумий ўрта таълим мактаб битирувчилари ўртасида “Ўз касбининг устаси” кўрик-танлови ўtkазилади. Кўрик-танловнинг бу босқичида мактабнинг 9-“А”, 9-“Б”, 9-“В” синф ўқувчиларидан З нафари танлаб олиниб, уларга амалий топшириклар берилади. Албатта, ўқувчиларга бериладиган топшириклар умумий ўрта таълим мактабининг меҳнат таълими дарс соатларига киритилган ўқув режалари бўйича ўтилган дарслар асосида берилиши лозим.

**2-босқич** касб-хунар коллежининг иккинчи босқич ўқувчилари ўртасида ўtkазилиб, бу босқичида ўқувчиларни мутахассислик йўналишлари асосида берилган касб таълими бўйича ташкил этилади. Бунда бир мутахассислик йўналишида таълим олаётган ўқувчилардан З нафари танлаб олиниб, уларга мутахассислик йўналишлари асосида бирор мавзу юзасидан амалий топшириклар берилади.

**3-босқич** касб-хунар коллежининг юқори босқич ўқувчиларини корхона ва ташкилотларга, олий ўқув юртларига экскурсияларга жалб қилиниб, мутахассислик йўналишларига доир тасаввурлари бойитиб борилади. Шу билан бирга, касб-хунар коллежининг юқори босқич ўқувчилари ўртасида ўtkazildigancha mazkurni k'uriq-tanlovning bu bosqichida, kasb-xunarni kollezhining mutahassislik yuvalishlari boyicha ta'lim olaётgan Z nafar uquvchilar ixtirok etadilar. Albatta, k'uriq-tanlovda uquvchilarga beriladigancha amaliiy topshiriqlar kasb-xunarni kollezhining mutahassislik yuvalishlari, uquv режасида киритилган касб таълими дарс соатларида ўтилган мавзулар юзасидан бўлиши керак.

Мазкур босқичлар бўйича ўқувчиларни меҳнат ва касб таълими асосида бажарган амалий топшириклари юзасидан ўзлаштирган кўникума ва малакаларини қўйидаги мезонлар асосида баҳолаб борилади.

#### Умумий мезонлар:

- 1) топширикни бажаришда меҳнат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш;
- 2) белгиланган вақт нормасида ишни ташкил этиш;
- 3) топширикни мустақил бажариш;
- 4) иш асбобларини қўллай олиш маҳорати;
- 5) иш жараёнида озодалик;

- 6) тугалланган ишнинг сифатлилиги;  
 7) ўқувчининг тугалланган иши ҳақида баёноти.

Қўйидаги умумий мезонлар бўйича ўқувчиларни амалда бажарган топширикларини баҳолаб боришда умумий ўрта таълим мактаблари, касб-хунар колледжлари, корхона ва ташкилот вакиларидан комиссия тузилиб, мазкур босқичлар бўйича кўрик- танлов комиссияси томонидан қўйидаги баҳолаш даражалари асосида ўринлар аниқланиб баҳоланади ва шу асосида якуний хулосалар ёзилади :

1. “Юқори даражা”;
2. “Ўрта даражা”;
3. “Паст даражা”.

**1.30 балл – иш техник талабларга мувофиқ “юқори даражা”да бажарилган.**

№	Ф.И.Ш.	Таълим муассаса номи	Синф	Гурӯҳ, босқич	Мутахассислик йўналиши	Берилган амалий топширик номи	“Юқори даражা” мезонлари	балл
							топширикни бажаришда мехнат хавфсизлиги коидаларига риоя қилганлиги учун	5
							белгиланган вақтдан унумли фойдаланганлиги учун	4
							топширикни мустақил бажарганлиги учун	5
							иш асбобларини қўллай олиш	3

							маҳоратини пухта ўзлаштиргани учун	
							иш жараёнида озодаликка риоя қилганилиги учун	3
							тугалланган ишнинг сифатлилиги учун	5
							ўқувчининг тугалланган иши ҳақида тўлақонли баёнот бериши	5

### Хулоса

#### Кўрик-танлов комиссия таркиби:

Умумий ўрта таълим мактабининг и.ф.ш -----имзо-----сана

Касб-хунар коллежининг и.ф.ш ----- имзо-----сана

Корхона ва ташкилот ходими и.ф.ш --- имзо---сана

2. 22 балл – иш техник талабларга мувофиқ “ўрта даража” да амалга оширилган.

Ф И.Ш.	Таълим муассасаса	Синф	Гурух, боскич	Мутахассислик йўналиши	Берилган амалий топширик номи	“Ўрта даражা” мезонлари	балл
						топширикни бажаришда мехнат хавфсизлиги коидалари чегарасида риоя килиши	3
						топширик учун белгиланган вақт нормасида ишни ташкил этиши	3
						топшириқ устанинг озгина ёрдами билан мустақил бажарилган	4
						иш асбобларини кўллай олиш маҳорати етарли даражада	3
						ишни ташкил қилиш жараёнида озрок палапартишиликка йўл қўйилган	3
						тугалланган ишда баъзи камчиликлар мавжуд	3

							ўқувчи тугалланган иши ҳакида түлиқ байонт берса олмади	3
--	--	--	--	--	--	--	---	---

### Хулоса

#### Кўрик-танлов комиссия таркиби:

Умумий ўрта таълим мактабининг и.ф.ш -----имзо-----сана-

Касб-хунар колледжининг и.ф.ш ----- имзо-----сана--

Корхона ва ташкилот ходими и.ф.ш --- имзо---сана

**3. 12 балл – иш техник талабларга мувофиқ “паст даража” да амалга оширилган.**

Ф.И.Ш.	Таълим муассаса	Синф	Гурӯҳ, босқич	Мутахассислик йўналиши	Берилган амалий топширик номи	“Паст даража” мезонлари	балл
						топширикни бажаришда меҳнат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилимаслик	1

						топшириқ учун белгиланган вақт нормасидан четга чикиш	2
						топшириқ устаңинг ёрдами билин бажарилган	2
						иш асбобларини қўллай олиш маҳорати етарли даражада эмас	2
						ишин ташкил қилиш жараёнида палапартишликка йўл қўйилган	2
						иш тугалланмаган	1
						ўқувчи берилган топшириқ ҳақида баёнот бера олмади	2

### Хулоса

#### Кўрик-танлов комиссия таркиби:

Умумий ўғз таълим мактабининг и.ф.ш -----имзо----сана

Касб-хунар коллекционинг и.ф.ш ----- имзо-----сана

Корхона ва ташкилот ходими и.ф.ш --- имзо---сана

(изоҳ: кўрик танловининг учала босқичида ўқувчиларни бажарган  
амалий топшириклари юзасида аниқланган ўрин даражаларини  
баҳоланида жадвалларда келтириб ўтилган гурӯҳ, босқич,

*мұтахассислик йұналишлари касб-хунар колледж үқувчилари учун, синфлар келтирилгани эса умумий ўрта таълим мактаб үқувчилари учун тұлдірилтиши лозим).*

Умумий ўрта таълим мактаблари ва касб-хунар колледжлари ҳамкорлигіда касб-хунарга йұналтириш тадбирининг ўтказилиши үқувчиларни мустақил амалий ишларға жаңы қилиш асосида касб танлашларыда уларни қизықышлари, мойилліктери, қобиляйтларини аниклаш, меңнат фаолиятига ҳамда кейинги таълим тури олий үқув юртига ўқиши мотивларини ошириб бориша самарали таъсир этувчи омил бўлиб хизмат қиласи.

Умумий ўрта таълим мактаблари ва касб-хунар колледжларида үқувчиларни касб-хунарга йұналтириш тадбирларининг имкониятлари жараёнида үқувчиларга таъсир кўрсатишнинг индивидуал шакллари чексиз кўп бўлгани каби, касб-хунарга йұналтириш тадбирларини ишлаб чиқишида субъективлик мезонини кўллаш ҳам жуда кенг имкониятларга эга. Бундай хилма-хилликни сақлаб туриш учун ўқитувчи, психология үқувчиларни касб-хунарга йұналтириш билан боғлиқ ҳар бир тадбирга нисбатан ижодий ёндашиши, атроф-мухитда юз берадиган ўзгаришларни ҳаққоний баҳолашга йұналтириб турмоги лозим бўлади. Мисол учун тадбирлар жараёнида ўқитувчи, психология үқувчиларга врачлик касби тўғрисида сўзлаганда инсонларнинг сиҳат-саломатлигини сақлаш, бу билан бутун инсоният келажаги тўғрисида кайғуриш ҳисларини, ёки ўқитувчилик касби тўғрисида сўз юритганда аждодлар томонидан минглаб йиллар мобайнида йиғилган бебаҳо маърифий меросни авлодларга етказиб бера олиш ҳисларини үйғота олиши муҳим ўрин тутади. Бунда үқувчиларни касб-хунарга йұналтиришда уларнинг мустақил фикрлаш сифатларини ривожлантириш учун ўқитувчи ўз фикрини уқтириш тарзида эмас, балки маслаҳат, тушунтириш ва намуна тарзида баён қилиши мақсадга мувофиқдир. Бу каби психологик-педагогик моҳият мужассамланган ҳар бир үқувчидан ўз ҳаёт йўлини қуриш учун зарур бўлган касб-хунарнинг сир-асрорлари, афзалліктери ва унинг келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатлари ҳақида тўлақонли маълумотга эга бўлиши билан бирга ўзи учун макбул бўлган масъулият ҳиссини эътиборга олиб касб танлашларига имкон беради.

Хулоса қилиб айтганда, умумий ўрта таълим мактаблари ва касб-хунар колледжларида үқувчиларни касб-хунарга йұналтириш ва касбга

ижтимоий мослаштириш жараёнларида қуйидаги касб-хунарга йўналтириш тадбирларидан самарали фойдаланиш таълим муассасаларнинг ҳамкорлик ишларида қолаверса педагог, психологларнинг иш тажрибаларида касбий билимларини бойитибгина қолмай, ўқувчиларни кейинги таълим босқичини ихтиёрий равишда мустакил танлаш имконини яратади.

## **6. ХАТАР ГУРУҲИГА МАНСУБ ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ХУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШ КАСБГА МОСЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИДА ТАЪЛИМ МУАССАСА ВА ОИЛАНИНГ ҲАМКОРЛИГИ**

Сир эмаски, этнопсихологиямизга хос яхши хислатлардан бири ҳар бир ҳаракатда оиласдагилар измидан бориш, улар билан маслаҳатлашиш, уларга ўхшашликка ҳаракат қилиш, оиласнинг касбий сулоласини давом эттиришdir.

Шу боисдан бўлса керак, кўпчилик ўсмирий йигитлар ота, кизлар эса она касбини танлайдилар. Бу хислатлардан унумли фойдаланиш ёшларга касб танлашда амалий ёрдам кўрсатиши билан бирга, баъзи салбий ҳолатларга ҳам сабаб бўлмоқда. Чунки ўқувчиларни касбий лаёқати, кизиқиши, психофизиологик жиҳатларини аниқламасдан уларни шартли равишда бирор-бир касб-хунарга йўналтириш натижасида шу касб доирасида маъсулият ҳисси, ўз устида ишлаш ҳамда ижодкорлик ва ихтириолик даражасининг шаклланмаётганлигини кўрсатмоқда.

Бундай ҳолатлардан ҳоли равишда таълим муассасаларда педагог, психологлар доимий ота-оналар билан ҳамкорлик ишларини йўлга қўйиш орқали худуддаги маҳалла вакиллари, фаол ота-оналарнинг интироқини таъминлаш асосида ота-оналарга ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш жараёнларида уларни психологик хусусиятлари, билиш жараёнлари, физиологик сифатлари, қизиқишилари, мойилликларини хисобга олган ҳолда ёндашишилари ҳакида маълумотлар беришилари лозим бўлади.

Чунки оиласда ота-онанинг фарзандларининг келажакда қайси касб эгаси бўлишилари, уларни танламоқчи бўлган касб доирасидаги дунёқарашлари, қизиқишилари, кобилиятлари асосида касбга йўналганлик жараёнлари ,аввало оиласда намоён бўлади. Шу боис,

ота-оналарга фарзандларини касб-хунарга йўналтириш жараёнларида қўйидаги омиллар асосида ёндашилари тавсия этилади:

1. Ўқувчи шахсининг касбий қизиқишлари, лаёкатлари, қобилияtlари асосида ёндашиш.
2. Касб танлашда монелик қилувчи касалликларни инобатга олган холда ёндашиш.
3. Ўқувчи шахсига касблар таснифи ва касб эгасига қўйилган талаблар асосида маълумотлар етказиб бериш жараёнларига эътибор каратиш.
4. Худуднинг кўпроқ қайси касбга, меҳнат бозорига бўлган талаблари асосида ёндашиш.
5. Касб-хунарга йўналтиришда касбнинг ўқувчи шахсининг психолоqик хусусиятларига мослиги.
6. Касбнинг ижтимоий хаётда тутган ўрни ва аҳамиятлилиги.
7. Касб-хунарга йўналтириш жараённида касбий тарбия, касбий маҳорат, маъсуллият хиссини шакллантиришга доир ёндашиш.

Шу билан бирга ота-оналар фарзандларининг қобилияtlари, психофизиологик хусусиятлари, имкониятлари асосида танламокчи бўлган касб доирасига боғлиқ кичик топшириқлар, вазифалар сифатида амалий фаолиятларга жалб қилиб боришлари лозим. Бу ўқувчиларни касб танлашда ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини қандай баҳолашларига имкон берувчи омил бўлиб саналиши мумкин. Албатта, оиласда ота-оналар томонидан касб-хунарга йўналтириш ишларини олиб борилиши таълим муассасаларда олиб бориладиган касб-хунарга йўналтириш ишлари жараёнларидан фарқли ўлароқ, яъни индивидуал ёндашув асосида олиб борилиши кўп жиҳатдан аҳамиятлилиги билан фарқ килиши табиий.

Мазкур жараёнларини ташкил этилиши таълим муассасалар ва оиласнинг касб-хунарга йўналтириш ишларида ҳамкорлигини таъминлабгина қолмай, ўқувчи шахсида қўйидаги билим тасаввурларни шакллантиради:

- ўқувчининг касбий ўзлигини англаши ортади, касбий қарор қабул килиши тезлашади;
- касбий танловга иккilonanётган ўқувчилар зарурӣ касбий аҳборот, маслаҳатларга эга бўлади;
- ўқувчининг тургун (доимий) касбий қизиқиши ва мойиллиги шакллантирилади;
- танлаган касби ўзининг психофизиологик имкониятига мос келиш келмаслиги ҳақида тушунчага эга бўлади;

- ўқувчиларнинг касб танлашда жамият олдидаги бурчи ва маъсулият хисси ортади.

Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш жараёнларида таълим муассасалар ва оиланинг ҳамкорлигини самарали таъминлашда доимий ота-оналар кенгашиларида доимий ота-оналарнинг иштироқини таъминлаш жараёнларида қўйидаги “Оммавий ота-оналар билан учрашув куни” тадбирларининг намунавий сценарийси асосида касб-хунарга йўналтириш ишларида ота-оналарнинг ҳамкорликларини таъминлаш мумкин.

### **“Оммавий ота-оналар билан учрашув куни”**

#### **Максад:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2010 йил 7 июнданги “Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ўқитиш билан қамраб олишни таъминлаш бўйича норматив-хукукий базани янада такомиллаштириш тўғрисидаги 109-сонли қарорининг мазмун моҳияти.

#### **Вазифалар:**

- ота-оналарга ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда қизиқиши, мойиллиги, касбий қобилияти асосида ёндашиб лозимлиги ва бунда психфизиологик хусусиятларни инобатга олиш ҳакида маълумотлар бериш;
- ота-оналарга ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда касбий ахборот, касбий маслаҳат, касбий ташхис, касбий танлов каби босқичлари асосида касбий қарор қабул қилиш жараёнларига кўмаклашиш;
- ота-оналарга кейинги таълим тури академик лицей ва касб-хунар коллежларининг тайёрлов йўналишлари, мутахассисликлари ҳакида ва унинг меҳнат бозорида тутган ўрни тўғрисида ахборот бериш.

#### **Катнашувчилар:**

Касб-хунар коллежлар, умумий ўрта таълим мактаблари, 9-синф битирувчилари, синф раҳбарлари, амалиётчи психологлар, ота-оналар, маҳалла фаоллари, вояга етмаганларнинг хукукбузарликларини олдини олиш мутасади органлар, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракат вакилларидан иборат.

#### **Инглишнинг бориши;**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 июлдаги “Умумий ўрта таълим мактаблари битирувчиларини академик лицей ва касб-хунар коллажларида таълим олишларини кенгайтириш чоралари тўғрисида”ги 427-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 июндаги “Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицейлар ва касб-хунар коллажларида ўқитиш билан қамраб олишни таъминлаш бўйича норматив-хукуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисидаги 109-сонли қарорининг мазмун, моҳияти тўғрисида ахборот;

2. Умумий ўрта таълим мактаб битирувчиларини кейинги таълим тури академик лицей ва касб-хунар коллажларига тўлиқ қамраб олиш имконияти ва унинг самарадорлиги;

3. Умумий ўрта таълим мактабларда ўқувчиларни психологик-педагогик ташхис методикалар асосида аниқланган касбий қизиқишилари, қобилиятлари асосида бериладиган тавсияномаларнинг ўрни каби масалалар асосида фикр -мулоҳазалар тенгланади.

Бунда ҳудудда жойлашган касб-хунар коллаж вакииларидан бири ота-оналарга касб-хунар коллажнинг мутахассислик йўналишлари ҳамда дарс жараёнлари акс этган видеороликлар намойиш этадилар ва уларни шарҳлайдилар. Шу билан бирга касб-хунар коллажларнинг моддий-техник имкониятлари, маҳсус устахоналари, информатика, ўқув ишлаб чиқариш хўжалиги, таълим дастурларининг ўзига хос тамонлари, қабул тартиби билан таништирадилар. Шу билан бирга ота-оналардан умумий ўрта таълим мактаблари ва касб-хунар коллажларида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ишларида ҳамкорликка чорлаш ҳамда фарзандларини касб танлашларида кечеётган қийинчиликларни биргаликда муҳокама этишда, муҳим қарорларни биргаликда қабул қилишда кўмаклашиш ҳамда баъзи ота-оналарга ўз фарзандларига беряётган маслаҳатлари, кўрсатмалари ва айрим ҳолларда қўяётган ноўрин талабларнинг оқибатлари ҳакида ҳам тушунчалар бериб борилади.

Тадбирда ота-оналарга 12 йиллик таълимнинг мазмун моҳияти, афзалликлари, меҳнат бозоридаги талаблар, умумий ўрта таълим мактаблар кесимида ўқувчиларни касбий танловлари (жадвал, диаграмма, рақамлар) таҳлиллар асоси, касб-хунарга йўналтириш ишларда умумий ўрта таълим мактаблари касб-хунар коллажлари ҳамда ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-

педагогик ташхис марказлари иш фаолияти шу масалаларга каратилганилиги тўғрисида тассавурга эга бўлишлари лозим бўлади.

### **Кутиладиган натижা:**

-умумий ўрта таълим мактаблари ва касб-хунар коллежларда ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ишларида узвийлик таъминланади;

-ўқувчиларнинг турғун (доимий) касбий қизиқиши ва мойиллиги шаклланади.

-ота-оналар кейинги таълим тури (академик лицей ва касб-хунар коллежлар)нинг мазмун, моҳияти хақидаги ахборотга эга бўлади.

-ўқувчилар ота-оналари кўмагида танламоқчи бўлган касблари юзасида ўзларининг жисмоний имкониятига мос келиш келмаслиги хақида тушунчага эга бўлади.

- ўқувчиларнинг касб танлашда жамият олдидаги бурчи ва масъулият ҳисси ортади.

Умумий ўрта таълим мактаблари ва касб-хунар коллежларида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш тадбирларининг имкониятлари жараёнида ўқувчиларга таъсир кўрсатишнинг индивидуал шакллари чексиз кўп бўлгани каби, касб-хунарга йўналтириш тадбирларини ишлаб чиқища субъективлик мезонини қўллаш ҳам жуда кенг имкониятларга эга. Бундай хилма-хилликни саклаб туриш учун ўқитувчи ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш билан боғлиқ ҳар бир тадбирга нисбатан онгли равишда ёндашиш, атроф-муҳитда юз берәётган ўзгаришларни ҳакконий баҳолашга йўналтириб турмоғи лозим бўлади, мисол учун тадбирлар жараёнида ўқитувчи ўқувчиларга врачлик касби тўғрисида сўзлаганда инсонларнинг сиҳат-саломатлигини саклаш, бу билан бутун инсоният келажаги тўғрисидаги қайгуриш ҳисларини, ёки ўқитувчилик касби тўғрисида сўз юритганда аждодлар томонидан минглаб йиллар мобайнида йигилган бебаҳо маърифий меросни авлодларга етказиб бера олиш ҳисларини уйғота олиши муҳим ўрин тутади. Бунда ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда уларнинг мустақил фикрлари сифатларини ривожлантириш учун ўқитувчи ўз фикрини ўқтириши тарзида эмас, балки маслаҳат, тушунтириш ва намуна тарзида баён қилиши мақсаддага мувофиқ. Бу каби психологик-педагогик моҳият мужассамланган ҳар бир ўқувчи ўз ҳаёт йўлини қуриш учун зарур бўлган касб-хунарни унинг оқибатлари учун масъулият ҳиссини эътиборга олган ҳолда танлаш имкониятига эга бўлади.

## **Ўқувчиларни қасб танлашларидаги хатоликлари нималардан иборат.**

1. Ўқувчилар у ёки бу қасбдаги одамга муносабатни қасбнинг унга бўлган муносабат билан бир хил деб қарайдилар. Муайян одам, унинг юксак маънавий ҳислатлари, ақл-фаросати, дадил ишлари ўқувчига маъқул бўлади. Бундай қойил қолиш беихтиёр севимли қаҳрамон шугулланаётган ишга ҳам ўтади.

Бинобарин, ўсмир унга тақлид қилиш йўлидаги муддаосида қандайдир ахлоқий ҳислатлардагина унга ўхшаш бўлишни эмас балки, ўзини ҳам ана шу қасбга багишилашни истайди. Бунда ўқувчи ўша маънавий фазилатлар бошқа ишда ҳам намоён бўлиши мумкинлиги хақида ўзига кўпинча ҳисоб бермайди. Бадиий адабиётлардаги, кинофильмлардаги қаҳрамонлар кўпинча ана шундай муносабатни туғдиради, таниш-билишлар қариндош-уруглардан биронтаси, чунончи ўқитувчилар тақлид қилиш учун кўпинча намуна бўлиб хизмат қиласидилар.

### **2. Ўқув фанини қасб билан бир хил деб тушуниш.**

Ўсмир фанларни ўзлаштиришдаги муваффақиятларига асосланиб, кўпинча келгуси қасбини белгилайди. Ўқувчига адабиёт ёқиб қолган бўлса, бу у адабиётни амалий жиҳатдан қўлланиш билан боғлиқ бўлган қасблар тўғрисида тасаввурга эга бўлмаса адабиёт менинг севган фаним дейди. У қасбни эмас, балки билимнинг ўзини қизиқтирувчи соҳасинигина танлайди, бу соҳада нимани истаётганини ва нима қилиши мумкинлгини мутлақо тасаввур қиласиди.

### **3. Қасбнинг ташқи жиҳати билангина қизиқиши.**

Ўсмирларни романтика билан йўғрилган қасблар қизиқтиради. Улар учун геолог, ихтирочи бўлишни орзу қиласидилар. Бу - мутлақо табиий ҳол, албатта. Чунончи, геолог қасбига ўқувчиларни кўпинча саёҳат қилиш имконияти қизиқтиради, аммо улар геологнинг кундалик оғир ишини узоқ вақт давомида машаққатли кузатишни, жуда аниқ ўлчашлар билан шугулланиш зарурлигини, турли жойларда ўша бир хил қидирув ишини ой сайин такрорлаш кераклигини эсдан чиқариб қўядилар ёки билмайдилар.

Учувчи қасби эса кўпинча турли жасоратлар, одатдан ташқари тез парвозлар қаҳрамонона куткарув экспедициялари, учишлар ва шу кабилар хақида тасаввурлар билан бояланган. Холбуки, учувчилар

аввало ва ҳаммадан кўпроқ йўловчи, юк ва багаж ташиш билан шуғулланадилар, булар шофёрнинг ишини эслатади.

Ўқувчилар у ёки бу касб тўғрисидаги ўз романтик тасаввурларигагина амал қилиб, касб эгаллашга ўзларини чинакам тайёрламайдилар ва маҳсус ўкув юртларида ёки тажрибада қийинчликларга дуч келганларида кўпинча буни англаб етадилар.

4. Мехнатнинг аклий мазмуни ва баззи касбларда, айниқса оммавий касбларда ўсиш имкониятлари хақидаги нотўғри тасаввурнинг мавжудлиги навбатдаги камчиликдир. Ёшларимиз енгил йўлларни қидирмайдилар, балки маънавий хислат кобилиятларни, маҳоратни ривожлантириш мумкин бўлган жойларда ишланишга ҳаракат киладилар. Бу эса жуда соз, албатта. Лекин айни шу сабабдан мактаб ўқувчилари жамиятга зарур бўлган касблар ижодий, аклий жиҳатдан ўсиш учун етарли даражада имконият бермайди деб ана шундай касбларни кўпинча эътиборсиз қолдирадилар. Кийим тикишда зўр кобилият кўрсатаётган қиз қандай бўлмасин шифокор бўлишни орзу қилишини, дастгоҳда юксак маҳорат билан ишлаётган йигит токарлик касби хақида эшлишини ҳам истамаётганлиги сингари асосларни айни шу нарса билан изоҳлаш мумкин.

5. Ўз қобилиятларига тўғри баҳо бера билмаслик.

Ўқувчи бирон ишни адо этиш учун ўзида кўпроқ қандай қобилият борлигини кўпинча аниқлай олмайди. Бироқ ҳамма жойда унинг олдида барча йўллар очиқ эканини, ҳаммадан кўра кўпроқ қизиқарли бўлган нарсаларни қилиш лозимлигини унга таъкидлайдилар. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, ўсмир чизган суръат ва расмлар ўрта миёна бўлса ҳам у зўр бериб рассом бўлишга ёки математикани яхши билмаса ҳам индустрисл ўкув юртларига киришга ҳаракат қиласди. Афсуски, бундай ҳоллар ҳам кам эмас. Ана шундай ўқувчилар ижтимоий касбий мослашиш жараёнларига кириша олмайдилар.

6. Ўқувчиларнинг у ёки бу касбга зид бўлган ўз жисмо-ний хусусиятлари ва нуқсонларини назар писанд қилмаслик, масалан, майда иш (соат заводида, аниқ асбоблар заводида ва шу каби жойларда) билан боғлиқ касблар учун кўриш органининг заифлиги, транспортда ишлаш учун тўғри келмайдиган дальтонизм хасталиги, ўсмир геолог бўлишни хоҳласа ҳам лекин юрагининг заиф бўлиши, радиолокацияда ишлашни танлаган ўқувчиларнинг эшлиши борасидаги камчиликлар жумласидандир.

Ўсмирлар ўзлари танлаган касбларга тўғри келмайдиган бу нуқсонларни билмасликлари оқибатида мос бўлмаган касблар бўйича

шинга ёки тегишли ўкув юртларига қабул қилинмаганларида жуда ҳам қафа бўладилар, тушкунликка тушадилар.

### 7. Ўртоқларининг таъсири билан касб танлаш.

Ўкувчи ўз истакларини рўёбга чиқаришни ўйлаб ҳам кўрмаган оир пайтда унинг ўртоқлари касб танлаш ҳақида фикр юритадилар. Ўкувчи бунда ўртоқларидан ажралиб қолишини хоҳламайди, чунки унинг орзулари ёрқин, жозибалидир. Шу тариқа ўкувчи “Мен улар билан бирга бўламан, чунки менга барибир” дейди. Кейинчалик эса у кийнала бошлайди, нотўғри касб танлаганини англайди ва ўзига сўнгмаган касбда ишлаб қолганлигидан афсусланади.

### **Касб танлашда иккиласанаётган ўкувчилар учун психологик-педагогик маслаҳатлар**

Меҳнат бозоридаги ҳолатни таҳлил қилинг. Йилдан-йил янги касблар пайдо бўлаётгандигига эътиборингизни қаратинг. Доимо малакани оширишга, қўшимча касбларни эгаллашга тўғри келишига тайёр бўлинг.

Хозирги кунда, Сиз мактабни тугатаётган пайтда касб танлашингиз Сизнинг тақдирингизни бутунлай ҳал қиласди деб кўркманг. Кейинроқ танловдаги ўзгаришлар, янги мутахассисликни ўзлаштириш, Сизни фанлараро фаолият бўйича қимматли мутахассис киласди.

Биринчи касб, гарчанд сиз кейинроқ ундан воз кечишингиз ва ўзингиз учун қизиқроғини топсангиз ҳам ҳаётнинг турли қутилмаган ҳолатларида сизга аскотади. Бундан ташқари, эътибор қилингки, ҳар бир йигит учун чилангарлик, сартарошлиқ, электрик каби касблардан хабардор бўлиш муҳим саналади.

Қизлар учун эса тикувчи, ошпазлик, пазандачилик ва бошқа майший касблардан хабардор бўлиш, уларга ижтимоий ҳаётда аскотиши мумкин.

Албатта, касбнинг нуфузлилиги у ёки бу холда сиз томонингиздан инобатга олинади, лекин буни ўзингизнинг қизиқишиларингиз ва қобилиятларингиз, соғлиғингизнинг ҳолатини хисобга олгандан сўнг амалга оширинг. Меҳнат биржасидаги бўш ўринлар тўғрисидаги газеталарни таҳлил қилиш жуда фойдали (у ерда одатда ҳар бир бўш ўрин учун қайси таълим лозимлиги кўрсатилади).

Шундай касблар борки, улар сизга мос келмайди, чунки улар

сизнинг соғлиғингизни ёмонлаштириши мумкин. Бундай касблар кўп эмас ва улар асосан у ёки бу жисмоний тизимларнинг узоқ муддатли зўриқишини талаб этади.

Ўзингиз таңламоқчи бўлган касбнинг мазмун-моҳиятини ўрганиб чиқинг. Шу касб билан кунма-кун узоқ йиллар давомида шугууланишингиз лозимлигини кўз олдингизга келтиринг.

Касб таңлашда ва ҳаёт тарзига аниқловчи таъсир кўрсатишда, яъни лавозимга эришишда ҳар бир инсон ўзининг келажақдаги касбий меҳнатини фуқаролик мажбурияти сифатида англаши, ўз мамлакатининг ва ўз оиласининг манфаатлари йўлидаги ҳиссаси, давлатининг ва ота-оналарнинг бизнинг ўсиб улгайшимизга ва ўқинимизга сарфлаган харажатларини қайтариш сифатида англашимиз лозим.

## **7. КАСБ-ҲУНАР КОЛЕЖЛАРИДА ХАТАР ГУРУҲИГА МАНСУБ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ИЖТИМОЙ-КАСБИЙ МОСЛАШТИРИШ ОМИЛЛАРИ**

Хозирги пайтда мослашиш муаммоси ўта долзарб. Чунки кўп амалий масалаларнинг ечимини топиш инсонни турли ижтимоий ҳаёт соҳаларига самарали мослашиши билан боғлиқ. Ўқув-билиш фаолиятининг мухим омили сифатида муваффақиятли касбий тайёргарлик жараёнида мослашишнинг ўрни катта. Хатар гуруҳига мансуб ўқувчиларнинг касб-хунар коллеклари шароитига мослаша олмасликлари турли салбий оқибатларга олиб келиши мумкин, жумладан:

- касб-хунар коллеки ўқувчисининг касбий тайёргарлик фаолиятида салбий психик ҳолатларнинг вужудга келиши;
- гуруҳ ўқувчилари жамоаси аъзолари орасида низоли вазиятларнинг келиб чикиши;
- ўқув-билиш фаолияти сифат ва самарадорлигини пасайиши ва шу кабилар.

Хатар гуруҳига мансуб ўқувчиларни касб-хунар коллекларида мослашувини тадкиқ этган психолог олимлар Г.Т.Ядгарова, О.УАвлаевлар ўқувчиларнинг давомат ва ўзлаштириш даражасини пастлиги уларнинг таълим жараёнларида ижтимоий мослаша олмасликлари билан бевосита боғлиқ деб ҳисоблайдилар[12; 12].

**Мослашиш** (лотинчада *adaptatio*-мослашиш / кенг маънода инсонларни, гурух ва организмларни мавжуд бўлиш (яшашибароитига) мослашиш жараёни). Бу тушунча биология, физиология, психология, тибиёт ва қасбий педагогикада кенг кўламда кўлланилади. Психолог олимлар ижтимоий мослашиш синдромини ривожланишида кўйидаги уч босқични ажратиб кўрсатадилар:

- ҳадиксираш даражаси;
- қаршилик кўрсатиш даражаси;
- барқарорлашиш ёки ҳаддан ташқари зўрикиш даражаси.

Ижтимоий психологияяда мослашиш деганда шахснинг ижтимоий муҳит шароитларига фаол мослашиш жараёни тушунилади. Бунда мослашишнинг муҳим жиҳати ўқувчи шахси томонидан маълум ижтимоий ролни қабул килиниши ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мослашиш ўқувчи шахсини ижтимоийлашувининг энг асосий механизмларидан бири сифатида эътироф этилади. Мослашини самарадорлиги ўқувчининг ўзи ва бошқа гуруҳдошлари ҳақидаги гасаввурларининг бир-бирига мослигига боғлик.

Хатар гуруҳига мансуб ўқувчининг қасб-хунар коллежларига мослашиш жараёнида ички ва ташқи шарт-шароитлар ҳамда ўқув-билиш фаолияти воситалари ажратилади. Ўқув-билиш жараёнига мослашиш ички фаолият шарт-шароитлари ва воситаларига ўқув-билиш фаолияти талаб этадиган мотивлар мажмуасини шакллантириш орқали эришилади. Ўқув-билиш фаолиятининг ички шарт-шароитлари ва воситалари ҳамда мослашиши уларнинг мослашувчанлигига, яъни ўқув-билиш фаолияти жараёнида бошқа таълим-тарбия жараёни иштирокчилари билан мулоқотга киришувчанлик қобилиятига боғлик. Мосланувчанлик деганда эса, инсоннинг ҳаётни турли жабхаларига ҳар қандай шароитда мослашишига имкон берувчи туғма ва ўзлаштирилган қобилиятлари тушунилади. Инсонларнинг мосланувчанлигини юқори, ўрта ва паст даражалари эътироф этилади. Ижтимоийлашув, таълим, тарбия, ҳаёт шарт-шароитлари ва турмуш тарзи таъсирида мослашувчанлик даражаси ортиши ёки камайиши мумкин. Энг муҳим туғма мослашувчанлик асослари: инстинктлари, темперамент, эмоциялар, туғма интеллект ва умумий қобилиятлар ҳамда жисмоний ҳолатни ҳисобга олиш зарур.

Маълумки, хатар гуруҳига мансуб ўқувчиларнинг қасб-хунар коллежлари шароитига мослашиши қўйидаги кўринишиларда намоён бўлади:

- ўқув-билиш фаолиятига мослашиш;
- ижтимоий-ташкилий шарт-шароитларга мослашиш;
- ижтимоий-психологик муҳитга мослашиш.

Ўқув-билиш фаолиятига мослашиш – бу касб-хунар колледжлари шароитига, ундаги ўқувчилар орасидаги муҳитга, мустакил амалий фаолият кўрсатишига, колледжа амалда қўлланилладиган ўқув куроллари ва воситаларига, технологик жараёнга, ўқиш вақтининг давомийлигига, ўқувчиларнинг ўзаро таъсир характеристери ва йўналишига мослашишдир.

Бу жараёнга бизнинг фикримизча, куйидаги асосий уч омил ўз таъсирини кўрсатади:

- өргономика ва атроф-муҳит омиллари;
- ўқувчининг индивидуал хусусиятлари, шунингдек, мослашувчанлик қобилияtlарининг ривожланганлик даражаси;
- касб-хунар колледжларида ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятларини ташкил этилиши, амалга оширилиши ва эришилган натижаларни назорат қилиб бориш услуби.

Мослашиш касб-хунар колледжини моддий-техник ва илмий-услубий жиҳатдан жиҳозланиши ва ўқувчиларнинг индивидуал психофизиологик, яъни жисмоний ва психологик ўзига хос жиҳатларига мослашишдан бошланади. Бундан ташкари ўқувчининг колледждаги таълим-тарбия ритмига, ўқув-билиш фаолиятининг мослашиши муҳим аҳамият касб этади.

Хатар гурухига мансуб ўқувчининг касб-хунар колледжи муҳитига мослашиш жараёнини аниқлаштирувчи шахсий-индивидуал омилларга куйидагиларни мисол сифатида кўрсатиш мумкин:

- ўқувчининг умумий ўрта таълим мактабида ўзлаштирган билими ва хатти-ҳаракат усуулларининг даражаси;
- ўқув-билиш фаолиятининг мотивлари ва уларни мақсадли сафарбарлик даражаси;
- катор психологик хусусиятлар ва кўнималарни ўзига қамраб оловчи мослашувчанлик қобилияtlари.

Касб-хунар колледжлари шароитига мослашувни аниқлаштирувчи бошқарув таъсирига куйидагиларни киритиш мумкин:

- ўқувчиларга колледжа бериладиган топширикларнинг мураккаблик даражаси;
- ўқув-билиш вазифаларини бажариш ва фаолиятга мослашиш тезлиги(темпи)нинг асосланганлиги;

- ўқувчининг иш ва дам олиш режимини назорат қилиш;
- иш ўрнини жиҳозланишига қўйиладиган эргономик таъминланганилиги;
- ўқувчининг ўқув-билиш фаолиятида ютукларга пришганлигини рағбатлантирилиши.

Ижтимоий-тапкилий мослашии ўзига куйидагиларни қамраб опади: маъмурый-хуқукий жиҳатлари; ижтимоий-иктисодий жиҳатлари; бошқарувчилик жиҳатлари; ҳаётий-ижодкорлик жиҳатлари.

Ижтимоий-психологик мослашии ўқувчининг касбий ва ижтимоий шахслараро муносабатларга киришувчанлиги, жамоа апъданалари ва меъёрларини қабул қилиши билан боғлиқ. Бу ерда ўқувчиларнинг ўзаро фикр алмашиш, эмпатия, бир-бирини тушуниш, бир-бирлари ҳақидаги тасаввурларни ўзгариши кабилар мухим аҳамиятга эга.

Хатар гурухига мансуб ўқувчининг коллеж мухитига киришиши ва мослашиш жараёни уларнинг психологик сифатлари ва мослашини қобилияtlарига асосланиши зарур.

**Биринчи босқичда** касб-хунар коллежи психологининг асосий вазифаси янги қабул қилинган ўқувчининг мослашиш қобилиятини ва бошқа психологик жиҳатларини ўрганиш ва таҳдил қилиш ҳисобланади. Бу босқичда тадқиқ этиш методлари сифатида тестлар, шахс қобилияtlарини аниқлашга кўмак берувчи саволномалар, шунингдек, мослашувчанликни ташхислаш учун маҳсус синовлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари кузатиш, индивидуал маслаҳатлар, сұхбат кабиларга ҳам кўпроқ жалб этиш зарур.

**Иккинчи босқичда** мослашишга ва мослашувчанликка оид олинган ахборотлардан фойдаланиб, ўқувчиларда танланган касб ва ихтинослик, касб-хунар коллежида фаол ўқув-билиш фаолиятига жалб этиш мотивларини шакллантириш вазифаси қўйилади.

Фаол ўқув-билиш фаолияти қуйидагилар асосида таъминланиши мумкин:

- касб-хунар сир-синоатларини эгаллаш( хуқукий саводхонлик, шахсий хавфсизлик меъёрларини эгаллаш, турли қароитларда ўзининг хулқ-атворини шакллантириш);
- ўқувчи ўзининг психологик хусусиятлари ва муаммоларини билиши;

- психологияк жиҳатдан бошқа шахсларга ўзаро таъсир кўрсатиш кўнижмаси;

- танлаган касби ва ихтисослиги бўйича мутахассис кадрларнинг муҳим касбий сифатлари ҳақида ахборотга эга бўлиш;

- фаол ўқув-билиш фаолиятини таъминловчи омиллар ҳақида тасаввурга эга бўлиш;

- касбий шаклланишда фаол ўқув-билиш фаолиятининг ролини англаш ва тушуниш;

- ноқулай психологик ҳолат (вазият) дан мустақил ҳолда чиқиш кўнижмаси.

**Учинчи босқичда** хатар гуруҳига мансуб ўқувчиларни касб-хунар коллежларига психологик жиҳатдан мослашишларининг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда касбий шаклланиш жараёнини назорат қилиш ва ўз ўқув-билиш фаолиятига қўйидагича ўзгартиришлар киритишини кўзда тутади.

1. Ўз хулиқ-авторини бошқариш.
2. Гуруҳдошлари ва ўқитувчилар билан ҳамкорликда ишланиш.
3. Принципионаллик.
4. Тартиб-интизомлилик, тўғри сўзлик, маданиятлилик.
5. Гуруҳдошларини билиш.
6. Истиқболни кўра билиши.
7. Ўзига танқидий назар билан қараши.
8. Масъулиятлилик каби кўйиладиган талаблар саналади.

Хатар гуруҳига мансуб ўқувчиларни касб-хунар коллежларидағи фаол ўқув-билиш фаолиятига (кўнижилари) мослашишларига салбий таъсир кўрсатувчи сабабларга қўйидагиларни мисол сифатида кўрсатиш мумкин:

- танлаган касб, ихтисослик сир-синоатларини эгаллашга киришишнинг қийинлиги;

- умумий ўрта таълим мактабларида ўзлаштирган билимлари даражасининг пастлиги ва ҳаётий тажрибасининг етишмаслиги;

- касб-хунар коллежларининг моддий-техник ва илмий услубий жиҳатдан тўлақонли таъминланмаганлиги;

- ўқишига қабул қилинган тайёров йўналиши, касби ва ихтисослигига қизиқмаслиги, мойиллигини йўқлиги, мажбурий равища жалб этилганлиги;

- касб-хунар коллежларидағи психологик, ижтимоий, носоғлом муҳитнинг мавжудлиги;

- ўкувчиларни касб-хунар колледжлариға мослаштириш бўйича тара-тадбирларни етарли даражада ташкил этилмаганлиги;

- касб-хунар коллежи, оила, маҳалла, ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқа ижтимоий институтлар орасида ҳамкорлик етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги;

- алоҳида худудларда ишлаб чиқаришни йўлга қўйилмаганлиги оғисе ишга жойлаштириш ҳолатининг талаб даражасида эмаслиги ва ишни.

Касб-хунар колледжлари раҳбарлари, педагоглари ва ўкувчилар орасидаги муносабатлардаги қийинчиликлар:

- раҳбар ва ўқитувчиларнинг ўкувчиларга ишонмаслиги ҳамда улар ҳакида оталарча кайгурмасликлари;

- ўкувчиларни ўқишдан ташқари турли ишларга жуда кўп жалб этилиши;

- асосланмаган ҳолда кўплаб топширикларни берилиши ва уларни бажарилишини қатъий талаб этилиши;

- давомат ва ўзлаштириш даражасининг нисбатан пастлиги.

Ўкувчилар орасида ўзаро муносабатлардаги қийинчиликлар:

- ҳасад, кўролмаслик иллатларининг мавжудлиги ва ўзаро ёрдамнинг йўклиги;

- ҳадиксираш ҳолатининг кучлилиги;

- ўзаро мuloқotдаги кусурлар (мулоқотмандликдаги камчиликлар);

- ўкувчилар орасида ижтимоий-иктисодий жиҳатдан фарқли ҳолатлар;

- салбий лидерлик ҳолатлари.

Хатар гурухига мансуб ўкувчиларнинг касб-хунар колледжлариға мослашиш давридаги қийинчиликларини таҳлил этиш шундан далолат берадики, улар ўкувчиларнинг мосланувчанлик қобилиятлари билан эмас, балки бевосита ташқи шарт-шароитлар ва воситалар билан боғлиқ эканлиги равшан бўлди. Шунинг учун ҳам уларнинг ечимини топиш ўкувчилар ва колледж раҳбарлари ҳамда ўқитувчиларнинг муносабатларини ва тасаввурларини ўзгартириш орқали ижобий натижага эришиш мумкин.

Ўкувчиларни касб-хунар колледжлариға самарали мослаштириш бўйича фаолият – колледж раҳбарлари, педагоглар жамоаси, ҳар бир педагоглар, психолог, тарбиячи томонидан кўмак ва ёрдам бериш орқали уларга кулай шароит яратишга қаратилимоги лозимdir.

Бунда, аввало хатар гурухига мансуб ўқувчиларни касб-хунар коллектида ўқишига мослашишига йўналтиришда яратилган шарт-шароит, тенгдошлари билан дўстона муносабатда бўлиш мухитини яратиш мухим ўрин тутади.

Ўқувчини касб-хунар коллектида шароитига мослашиш жараёнини шартли равишда қуйидаги тўрт босқичга бўлиш мумкин:

1-босқич. Ўқувчининг мойиллиги, қизиқиши ва умумий ўрта таълим дастурларининг ўзлаштирган даражасини аниқлаш.

Агар ўқувчида қизиқиши, мойиллик ва ДТС талаблари даражасида билим, шахсий фазилатлар шаклланган бўлса, касб-хунар коллектида шароитига нисбатан тез ва осон мослашади.

2-босқич. **Йўналганик босқичи** - ўқувчи умумий ўрта таълим мактабида ўқиб юрган давриданоқ касбий маслаҳат олган, эгаллаётган касби ҳакида имкон қадар тўлиқ ахборотга эга бўлса касб-хунар сир-синоатларини ўзлаштириш сифати ва самарадорлиги ортади.

3-босқич. **Асосий мослашиш босқичи** – ўқувчининг ўз бурчини бажаришга ва гуруҳдошлари билан мулоқотга мослашиши.

в) машхур ва кўпкиррали инсонларнинг ҳаёти тўгрисида ёзилган бўлсин;

с) фан-техника тараққиётининг энг янги ютуқлари тўгрисида ёзилган бўлсин.

**23. Музика соҳасида қобилиятим бўлганда эди:**

а) дирижёр бўлган бўлардим;

в) бастакор бўлардим;

с) кўшиқчи бўлардим.

**24. Истардимки:**

а) кизикарли бир конкурс ўйлаб топиб, унинг режасини тузсан;

в) бирор бир конкурсада ғолиб чиқсан;

с) ўзим конкурс ташкил этиб уни олиб борсан.

**25. Биринчи навбатда билишим зарур:**

а) нима иш бажаришим кераклигини;

в) мақсадга эришиш йўлларини;

с) мақсадга эришиш учун атрофдаги одамлардан қандай фойдаланиш кераклигини.

**26. Инсан шунга интилиши керакки:**

а) бошқалар ундан хурсанд бўлсинлар;

в) унга буюрилган иш, аввало, вижданан, чин қўнгилдан бажарилсин;

с) қилган иши учун у ҳеч кимдан гап эшиитмасин.

**27. Бўш вақтимда яхши дам оламан:**

а) дўстларим билан сухбатлашганда;

в) кизиқарли фильмлар томоша қилиб, ҳордиқ чиқарганда;

с) ўзим севган иш билан машғул бўлганда.


**“ЎКУВЧИННИГ ШАХСИЙ ЙЎНАЛГАНЛИГИНИ АНИҚЛАШ МЕТОДИКАСИННИНГ  
САВОЛНОМАСИННИНГ ЖАВОБЛАР ВАРАҚАСИ**

№	Кўпинча	Камдан-кам	№	Кўпинча	Камдан-кам	№	Кўпинча	Камдан-кам
1			10			19		
2			11			20		
3			12			21		
4			13			22		
5			14			23		
6			15			24		
7			16			25		
8			17			26		
9			18			27		


**№6. ШАХС ТИПЛАРИГА ПСИХОЛОГИК ТАВСИФ  
(ГЕОМЕТРИК ШАКЛЛАР АСОСИДА)**

Психогеометрия – шахсни ўрганиш унинг хусусиятларини таҳлил килишининг куляй усулидир. А.Алексеев ва Л.А.Громоваларнинг фикрича бу методика:


1. Шахс типини тезкор аниқлайди.
2. Шахс хусусиятлари ва ҳатти ҳаракатининг ўзига хослигини тушунарли, аниқ изохлаб беради.
3. Типик ҳолатларда шахснинг ўзини тутиши бўйича ҳатти-харакатлар тизими қандай бўлиши ҳақида маълумот беради. Психогеометрия усул сифатида Америкада шаклланган, унинг муаллифи раҳбар ходимларни ижтимоий – психологик тайёрлаш бўйича мутахассис Сьюзен Дилингер ҳисобланади. Бу методиканинг аниқлик даражаси 85% гача ташкил этади. (Сизга ҳавола этилган тест мирилий шароитга мослаштирилган).



1.




2.



3.



4



5

**Кўрсатма;** Қоғозга чизилган 5-та геометрик шаклларга қаранг (квадрат, учбурчак, доира, зигзак, тўртбурчак). Мазкур шакллардан оғирини танланг (фараз килинг бу шакл Сиз!). Ўз шаклингизни хис килишга харакат қилинг. Агар бунга қийналсангиз, сизни кўпроқ кизиктирган шаклни танланг ва унинг номини биринчи ёзинг. Энди копган шаклларни ёқтирганингиз даражасига асосан тартиб билан сабоб чикинг.

Демак, ишнинг энг қийин қисми тугади. Сизнинг субъектив танлаган асосий шаклингиз характер хусусиятларингиз ва ҳатти харакатларингиз моҳиятини аниқлаш имконини беради. Бошка шакллар эса доимий сифатларингиз тўғрисидаги маълумотларни тўлдиради. Охирги шакл ўзаро муносабатлар сиз учун оғир кечадиган кишилар типига тегишли. Бирорта ҳам шакл сизга ёқмаслиги, ёки тўғри келмаслиги ҳам мумкин. Шунда сизнинг шахс хусусиятларингизни икки, ҳатто учта шакл гурухлари асосида извоҳлашга тўғри келади.

### Квадрат

Квадратлар энг аввало ўзларининг меҳнатсеварлиги, сабр, тоқат билан бошлаган ишни охирига етказиш хусусиятлари билан ажralиб турадилар. Сабр-бардошлилик, чидам квадратни ўз соҳасининг уста мутахассиси бўлиб етишишига олиб келади. Янги инфомрацияга (ахборотга) бўлган эҳтиёжнинг юкорилиги ҳам бунга ёрдам беради. Квадратлар ҳар хил маълумотларни тўплаб юрадилар, уларни тартибга солиб, системалаштирадилар, шунинг учун улар зарур инфомрацияни дарҳол топиб беришлари мумкин.

Дарҳақиқат квадратлар ўз соҳасига тегишли маълумотлар манбаи ҳисобланадилар. Уларнинг яна бир кучли томонлари, фикрий таҳлил ҳисобланади. Агар сиз ўзингиз учун квадратни танлаган бўлсангиз, сизда чап ярим шарлар фаолроқ ҳисобланади, яъни сизда инфомрацияни кетма-кет тартиб билан қайта ишлаш изчил а-б-в-г ва ҳ.к. тарзда кечади.

Квадратлар натижани таҳминан эмас, аниқ ҳисоблайдилар. Улар ҳодиса ва воқеаларга жуда эътиборли. Тартиб, интизомни хуш кўрадилар. Квадратлар режали, аниқ мақсадли ҳаётни ёқтирадилар, воқеаларнинг одатий кечишидаги ўзгаришларни ёқтирамайдилар. Улар доимо одамлар ва атрофидаги нарсаларни ташкиллаштирадилар (тартибга соладилар). Бу хусусиятлар квадратларни яхши иш

юритувчи, ижрочи бўлишларини таъминлайди. Лекин афсуски улардан яхши иш берувчи, менеджер чиқиши қийинроқ. Ўта майдачуйдаларга эътибор, аниқлик киритиш учун қўшимча маълумотлар асосида қарор қабул қилиш, уларнинг тезкорлигини сусайтиради. Ўта тартиблилик, қонун-қоидага аниқ риоя қилиш уларда ўта кучлидир. Қарор қабул қилишда айниқса, таваккал иш тута олмайдилар.

Квадратлардаги совуқконлик, ҳиссиётга берилмаслик, аниқлилик ҳар хил одамлар билан алоқада бўлишини қийинлаштиради.

### Учбурчак

Улар ҳаракатчан, кучли шахслар. Ўз олдилариға аниқ мақсадлар қўядилар ва одатда уларга эришадилар. Энг асосий нарсани илғаб олини уларнинг характерли белгиларидир.

Учбурчакнинг етакчи сифати биринчи бўлишга интилишидир. Учбурчакларда квадратлар каби фаоллик чап ярим шарларга тўғри келиб, улар яхшигина интеллект соҳибидилар. Вазиятни тез ва чуқур таҳдил қилиш ва шу аснода масаланинг мазкур шароитдаги энг тўғри ечимини топишга қодирдилар. Шу сабабли учбурчаклардан жуда яхши раҳбарлар, менеджерлар чиқади. Улар ўз ишлари ва кўл остидагилар меҳнатини «юқори лавозимдаги бошлиқ» эътиорига қандай тақдим этишни билишади.

Учбурчаклар ўзларини доимо ҳақ деб ҳисоблайдиган, ўзиға ишонган одамлар. Доимо ҳақ бўлишга кучли эҳтиёж, бошқарувга интилиш ҳисси, масалани факат ўзи учун эмас, ўзгалар учун ҳам ҳал қилишга ҳаракат қилиш учбурчакларни доимо бошқалар билан беллашишга, курашга даъват киласди. Бундай шахслар дунёқарашида омад, ғалаба, ютуқ каби тушунчалар етакчи ўринни эгаллади.

Улар кўпинча таваккалчи, тоқатсиздирлар, айниқса қарор қабул қилишда иккиланадиган кишиларга тоқатлари йўқ. Учбурчаклар ўз хатоларини тан олишни ёқтирумайдилар. Жуда қийинчилик билан ўз хатолариға икror бўладилар. Кўпинча улар ўз сўзларида туриб оладилар. Эътирозни қабул қилмайдилар ва ўз билганларича иш тутадилар. Шу қатарда улар асосий мақсадларига олиб борадиган нарсаларни, фойдали ахборотларни тез сингдириб оладилар.

Учбурчаклар шуҳратпараст, каръерист, жамиятда юқори даражага эришишга ҳаракат қилишади. Ишга киришишдан олдин ва қарор қабул қилишда учбурчаклар ўз олдилариға қўйидагича савол қўядилар: «Хўш мен бундан қандай манфаат кўраман?». Улар фойда келтирадиган ишни юз чақиримдан сезишади ва унинг учун

рақиблари билан аёвсиз курашга тайёр бўлишади. Бироқ уларнинг исосий салбий сифатлари кучли эгоцентризм, ўзига йўналганликдир. Учбурчаклар ҳокимият чўқисига интилиш йўлида ҳар қандай воситадан фойдаланишга тайёр, ўз мақсадларига эришиша бошқаларнинг хошишларини ҳисобга олмаган ҳолда, уларнинг боши устидан юриб боришдан қайтмайдиган кишилар тоифасидандир.

Учбурчак ҳамма-ю ҳаммани ўз измига солишга харакат қилади. Уларсиз хаёт ўз кескинлигини йўқотган бўларди.

### Айлана

Айлана – бу мутаносибликнинг фалсафий тимсолидир. Ким бу шаклни танлаган бўлса, у яхши шахслараро муносабатга астойдил интилади. Одамлар ва уларнинг роҳат-фарогати айлана учун олий химматдир.

Айлана бошқа шакллар ичida кўпроқ одамларга яхшилик гиловчи уларни бирлаштирувчи шаклдир. У жамоани, оилани мустаҳкамлаш учун хизмат қиласи. Айлана-ажойиб нотик, эътиборли тингловчи. Атрофидаги одамларга ҳамдардлик уларнинг хурсандчилиги-ю ташвишига шериклик айланага хос, у сезгирлик билан ўксик кўнгилга таскин беришга шошилади. Айланалар одамларни тез «билиб оладилар», алдамчи, худбин кишиларни тезда пайқаб олиш хусусиятига эгадирлар. Айлана-ўз жамоаси учун кайгуради ва ўз касбдошлари орасида хурмат-эътиборга сазовор кишидир.

Аммо улар бизнес соҳасида муваффакиятли фаолият кўрсата олмайдилар, яъни мененжер ва раҳбарлик соҳасида бўшрок ҳисобланадилар. Чунки, биринчидан, айланада шахс йўналганлиги одамларга қаратилган бўлиб, ҳар бир кишининг оғирини енгил килишга уринадилар. Улар тинчлик ва осойишталикни сақлашга уринадилар, ҳамда ўта катъий қарор чиқаришдан қочадилар.

Айлана учун муросасизлик оғир ҳолат, одамларнинг инок, аҳиллиги ва яхши муносабатда бўлишлари баҳтдир. Шунинг учун ким биландир тортишиб қолса ёки зиддиятли вазиятларда биринчи бўлиб айлана ён беради ва муросага киришади.

Иккинчидан, айлана «сиёсий ўйинлар»да заиф, бунда унга катъийлик етишмайди. Шунинг учун айланадан катъийрок шахслар (масалан учбурчак) кўпинча айланани тазиикка оладилар. Айлана чун ҳокимият кимнинг қўлида эканлиги аҳамиятли эмас, унга ҳамма рози, атрофида тинчлик бўлса бас. Лекин бир нарсада, яъни ахлоқ ва

адолат масаласида, айлана қатъийлик ва қаттиққүлликни намоён этади. Ўзининг айлана тимсолида кўрадиган шахсларда миянинг ўнг ярим шарлари фаол бўлиб фикрлар образли, интуитив, эмоционал ифодаланган, интеграл кечади.

Айланаларда ахборот ўзлаштириш жараёни узук-юлук, маълумотлар занжирининг алоҳида қисмлари ташлаб кетилган ҳолда кечади, аммо бу нарса улар мантиқдан йироқ кишилар деган холосага олиб келмаслиги керак. Улар ҳаётий муаммоларни ҳал қилишда расмиятчиликдан қочишади, холос.

Айланалар тафаккури шаклининг асосий хусусияти – муаммонинг субъектив жиҳатлари (ҳиссиёт, баҳолаш ва қадрият)га асосланишидир. Улар турли қарама-қарши қарашлар орасида ҳам умумийликни топишга интиладилар. Айланаларни туғма психологлар деб айтса бўлади, бироқ жиддий, улкан ишларнинг бошида туришлари учун уларда «тўғри чизиқли биродарлари» (учбурчак ва квадрат)да бўлган ташкилотчилик қобилияти етишмайди.

### Тўғри тўртбурчак

Бу шахснинг даврий ўтиш шакли бўлиб, ҳаётнинг маълум бир бўлакларида нисбатан мутлоқ ҳисобланган тўрт шаклда ҳам намоён бўлиши мумкин. Бу одамлар ўз ҳаётларининг ҳозирги кечиш тарзидан қониқмайдилар ва унинг яхшиланиши учун изланиш ва харакатда бўладилар. Тўғри, бу шаклни танлаш сабаблари турлича бўлиши мумкин, аммо уларни бирлаштириб турувчи нарса бигта – инсоннинг ўзгаришларга хайриҳоҳлигидир.

Тўғритўртбурчакнинг асосий психологик ҳолати-муаммони тушуниб етишда ноаниқлик, довдираб қолиш,чувалаштириб юбориш, шунингдек, ўз-ўзига бўлган муносабатларининг ҳам маълум бир вазиятларда ноаниқлиги кузатилади.

Тўғритўртбурчак ҳолатлари қунаро, ҳатто кун давомида ўзгариб туради. Уларнинг ўз-ўзини баҳолаши деярли доим паст бўлганлиги учун «яхши» бўлишга интиладилар. Янги иш услубларини излайдилар. Ҳаёт тарзини яхшилашга интиладилар. Агар тўғритўртбурчакнинг ҳатти-харакатини диққат билан кузатсак, у бошқа шакллар: «учбурчак», «айлана» ва бошқаларнинг «книймлар»ини «книйб» кўради. Тўғритўртбурчакларнинг ҳатти-харакатлари кутилмагандага шиддатли, кескин, ўзгариб туриши атрофдагиларни сергак тортиради ва улар онгли равишда бундай

«үзгарувчан одам» билан мулоктота киришишдан қочишлари мүмкін. Аслида эса улар учун бошқалар билан мулоктота бўлиш муратдир, ўзгарувчанликнинг яна бир қийинчилик томони ҳам шунда.

Тўғритўртбурчаклардаги ижобий фазилатлардан бири ҳаётий қизиқувчанлик, фаоллик ва жасоратдир. Тўғритўртбурчаклар шаргача ҳеч ким қилмаган ишларни қилишга, ҳеч ким ўйлаб кўрмаган саволларга жавоб беришга ҳаракат қилишади. Бу шаклни ишлаган кишилар мазкур ҳаётий босқичда янги гоялар, қадриятлар, турли қараш ва ҳаёт тарзларини осонгина қабул қилишади. Тўғри, иккинчи томондан қараганда, бу нарса уларни ҳаддан ташкари шуновувчан, турли таъсирларга берилувчан, соддароқ бўлишларига олиб келади. Шунинг учун ҳам бошқалардан кўра уларга таъсир уқазиш осонроқ.

### Зиг-заг

Бу шакл-ижодкорлик тимсолидир. Зигзаг-ҳақиқий ўнг ярим шарнинг фаоллиги акс этган ноанъанавий фикрловчи шахс. Унга образли фикрлаш, олдиндан ҳис этиш (интуиция), интегратив (мужассамий) фикрлаш хусусияти хосдир. Унинг ўй-фикрлари бир тумда бир-биридан узок бўлган нукталарга кўчиши мумкин, шунинг чун атрофдагиларга уларни тушунишлари қийин кечади.

Зигзагларга кўпроқ тафаккурнинг синтетик тури хосдир. Уларга оир-биридан мутлоқ фарқ қиласидиган гояларни бирлаштириб, мужассамлаштириб, шу асосда бутунлай янги ўзига хос гоялар яратиш ёқади.

Айланалардан фарқли ўлароқ зигзаглар келишувлар, консенсусларни афзал кўрмайдилар, улар ўз мақсадларига ён осишлилар орқали эмас, балки гоялар қарама-қаршилигини кучайтириш ва низо ўз ечимини топиши мумкин бўлган янги концепцияларни яратиш йўли билан эришадилар.

Табиатан ақли ҳисобланган Зигзаглар гоят тили заҳар юлишлари ҳам мумкин. Улар дунёни доимий ўзгаришда кўришини хоҳладидилар. Шу сабабли улар учун хамма билан муросага келувчилар, ўзгармайдиган қонун-қоида, кўрсатма каби нарсалардан кўра зерикарлироқ нарса йўқ.

Зигзаглар бир тизимга солинган вазиятда ишлай олмайдилар. Қатъий белгилаб қўйилган мажбуриятлар ва доимий иш тартиблари,

аниқ вертикал ва горизонтал алоқалар уларнинг ғашига тегади. Уларга ранг-баранглик ва фаолиятга ундовчи юқори даражадаги мотивлар керак. Шундагина Зигзаглар жонланади ва ўзининг бунёдкорлик, янги гоя ва иш услубларини яратиш вазифасига киришади. Улар нарсаларнинг ҳозирда ва ўтмишда одатий бўлган яратилиш йўлларидан кониқмайдилар. Бу шахслар келажакка интилиувчи ва уларни хақиқий воқеликдан кўра олдинда қандай имкониятлар мавжудлиги кўпроқ қизиқтиради. Бошқаларга нарсалар олами қанчалар реал бўлса, улар учун ғоялар дунёси шунчалик ҳақиқийдир. Улар ҳаётининг кўпроқ қисмини мана шу «ғоялар дунёси»да ўтказадилар. Шу туфайли уларда ишга амалий нуктаи назардан ёндошмаслик, ҳаётдан узоқлик ва соддалик каби хусусиятлар мавжуддир. Зигзаглар барча шакллар ичида энг тез кўзгалувчан, завқ-шавққа тўлиқ кишилардир. Ўзларида янги қизиқарли ғоялар туғилганда улар бутун дунёга жар солишга тайёр бўладилар. Бироқ уларга сиёсатдонлик етишмайди, улар тийиқсиз, шарттаки ва бу уларнинг ўз ғояларини амалга оширишларига халақит беради.

Бундан ташқари Зигзаглар аниқ деталларни ишлаб чиқиша юнокроқ (ғояларни амалга оширишда эса бу нарса муҳим) ва ишнинг якунига етказиша кўпам тиришқоқлик кўрсатмайдилар, чунки ўз янгилигини йўқотганидан сўнг ғояга бўлган қизиқиш ҳам йўқолади.


**“Шахс типларига психологияк тавсиф  
(геометрик шакллар асосида) нинг  
ЖАВОБ ВАРАҚАСИ**

**Кўрсатма:** қоғозга чизилган 5-та геометрик шаклларга қаранг (квадрат, учбуручак, доира, зигзак, тўртбуручак). Мазкур шакллардан бирини танланг (фараз қилинг бу шакл Сиз!). Ўз шаклингизни ҳис қилишига ҳаракат қилинг. Агар бунга қийналсангиз, сизни кўпроқ қизиқтирган шаклни танланг ва унинг номини биринчи ёзинг. Энди колган шаклларни ёқтирганингиз даражасига асосан тартиб билан ёзиб чиқинг.


1.	
2.	
3.	
4.	
5.	



1




2



3



4



5

## **II БОСҚИЧ. ЎҚУВ ЙИЛИ ДАВОМИДА ҚҰЙИДАГИ ЖАДВАЛДАГИ ТАРТИБДА МЕТОДИКАЛАРНИ ҚҰЛЛАШ**

Даврий жараён	Тавсия этилган методикалар	Ташхис ўтказыш вақты
1 босқич	1.Педагогик жамоанинг ижтимоий психологик диагностикаси. (ижтимоий-сүровнома). 2. Ўқувчининг билим олишга йўналғанлигини ўрганиш методикаси. 3. Ўқувчиларда ўқув мотивацияни аниқлаш методикаси.	Сентябр октябр
2 босқич	Ўқувчининг таълим муассасада ўқиш фаолиятига муносабатини баҳолаш методикаси.	Ноябр декабр
3 босқич	Ўқувчининг шахсий йўналғанлигини аниқлаш методикасининг саволномаси.	Январ Март
4 босқич	Шахс типларига психологик тавсиф (геометрик шакллар асосида)	Апрел май

## **II БОСҚИЧ. ЎҚУВ ЙИЛИ ДАВОМИДА ЎТКАЗИЛГАН МЕТОДИКАЛАР БҮЙИЧА ХУЛОСАЛАР**

Даврий жараён	Ташхис натижалари ва улар билан ўтказилган психокоррекцион машғулотлар	
1 босқич		Сентябр октябр
2 босқич		Ноябр декабр
3 босқич		Январ Март
4 босқич		Апрел май

### **Ш БОСҚИЧ УЧУН**

## **КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИ ХАТАР ГУРУҲИГА МАНСУБ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ МОСЛАШУВИНИ ТАЪМИНЛАШДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТУШУНЧАЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

### **№1. ЎҚУВЧИЛАРДА ҚАДРИЯТЛАРГА БЎЛГАН МУНОСАБАТЛАРИНИ БАҲОЛАШ САВОЛНОМАСИ.**

Кишининг ҳар хил истак ва ҳоҳишларини акс эттирадиган саволлар дикқатингизга ҳавола этилади. Ҳар бир савонни яхшилаб ўқинг ва унинг мазмунини ўзингизга киёслаб кўринг. Жавоб вариантлари қуидагича:

- 1-Мен учун ҳеч кандай аҳамияти йўқ.
- 2-Унчалик муҳим эмас.
- 3-Маълум аҳамиятга эга.
- 4-Муҳим, зарур.
- 5-Жуда муҳим, этиёжий зарур.

Билингки, бу ерда яхши ёки ёмон, тўғри ёки нотўғри жавоблар йўқ. Энг тўғри жавоб чин кўнгилдан, холисона берилган жавобдир. Шу сабабли барча саволларга ўйлаб, ҳаққоний жавоб берасиз, деган умиддамиз.

Марҳамат бошладик.

1. Бирор ишимга атрофдагиларнинг юқори баҳо бериши.
2. Иш жойим орқали ҳар хил камёб нарсаларга эга бўлиш.
3. Барчанинг хурматига сазовор бўлиш учун ўқиб, илм олиш.
4. Иш фаолиятимда ихтирочи бўлиш, янгиликка интилиш.
5. Кўп ўқиш, кўпроқ маълумотга эга бўлиш эвазига фаровон ҳаёт манбаига эришиш.
6. Оила аъзоларимнинг мени ҳурмат қилишлари.
7. Ҳамкасларим билан бажарилаётган иш хусусида тез-тез маслаҳат олиб, сухбатлашиб туриш.
8. Ўраганаётган билим соҳамда бирор бир янгилик яратиш.
9. Оиласминг бой-бадавлат ҳаёт кечириши.
10. Атрофдагиларнинг назарига тушадиган даражада ижтимоий-сиёсий воқеалардан хабардор бўлиш.

11. Касбий маҳоратимни доимий равишда ошириб бориш.
12. Ҳар хил одамлар билан фаол мулоқотда бўлиш учун юқори маълумот даражасига эга бўлиш.
13. Уй шароитимнинг кўринишини доимо ўзгартириб, янгилаб туриш.
14. Жамоат ишларида фаол қатнашиб, моддий мукофотлар олиш.
15. Ҳавас ва қизиқишлиарим билан атрофимдагиларни ҳайратга солиш
16. Касбий фаолиятимда катта ютуқларга эришиш.
17. Олган билимларимни тинимсиз ривожлантириш, кенг доирадаги илмий маълумотга эга бўлиш.
18. Оилада етакчи бўлиш, мулоқотчанлик мұхитини яратиш.
19. Жамият ҳаётига ҳар хил янгиликлар киритиш, одамларда янгича онг, янгича фикрни шакллантириш.
20. Бўш вақтларимда даромад келтирадиган ишлар билан шугулланиш.
21. Обрў-эътибор келтирадиган касб соҳасида ишлаш.
22. Бирор ишни бошлагач, унга чин қалдан, берилиб ишлаш.
23. Бирор соҳада таълим олиб, катта муаваффакиятларга эришиш.
24. Оиласамда ҳар хил тушунмовчиликларга йўл қўймаслик учун бошқа оиласалардаги воқеаларни синчковлик билан ўрганиш.
25. Ижтимоий ҳаётнинг янада қизиқарли бўлиши учун одамларни бир-бирига бирлаштириш, ҳамжиҳатликни йўлга қўйиш.
26. Бўш вақтимда илгари мавжуд бўлмаган бирор янги нарсани ихтиро этиш.
27. Иш шароитидан фойдаланиб, шахсий тадбиркорлик фаолияти билан шугалланиш.
28. Илмий даражалар ва унвонларга эга бўлиб, обрў-эътибор қозониш.
29. Бошқа касблардан ижобий фарқ қиласиган ўзига хос касб соҳасида ишлаш.
30. Чин юрақдан берилиб ўкиш, илм олиш.
31. Фарзандлармизнинг ҳар томонлама ривожланиши, тенгдошлиаридан устун бўлиши.
32. Жамоат ишлари билан шуғулланиб ташкилотчилик қобилиятими-ни ривожлантириш.
33. Қизиқишлиарим доирасида ўртоқларим билан биргаликда бирор бир тўғаракка аъзо бўлиш.
34. Касбий фаолиятимда ҳар хил иш услубларини синаб кўриш.

35. Ўқиган соҳам бўйича қўшимча моддий таъминланиш имконияти (масалан, ҳар хил пуллик мукофотлар, грантлар ёки танқис моллар учун алоҳида имтиёзлар).
36. Турмуш ўртогимнинг обрў-эътиборли оиласдан бўлишилиги.
37. Оддий кишилардан фарқ қилиш учун тинмай ўқиб, илм олиш.
38. Фарзандларимни маънавияти бутун ва тўғри сўз инсонлар қилиб қарбиялаш.
39. Аниқ мақсадлар билан жамият хаётида иштирок этиш.
40. Бўш вактлардаги қизиқишларимда бутун қобилиятларимни намо-си қилиб, ўз устимда ишлаш.
41. Одамлар билан тез-тез мулокотда бўлиш имконияти бўлган касб соҳасида ишлаш.
42. Илм-фанда янги, қизикарли кашфиётлар қилиш, илмий унвонлар очиш.
43. Турмуш ўртогим оладиган маошининг юкори бўлиши.
44. Бирор ташкилотга раҳбарлик қилиб, обрў-эътиборли бўлиш.
45. Кўпчиликнинг фикрига қарши бўлса ҳам оилавий ҳаётда ўз қарашларимга таяниш.
46. Жамоат ишида фаол иштирок этиб, маънавий озука олиш.
47. Қизиқишларим доирасидаги мақсадларимга тезроқ эришиш.
48. Касбий вазифамни юкори савияда бажариш.
49. Турли илмий муаммоларни ҳал этишга қаратилган анжуманларда фаол қатнашиш.
50. Оилани бошқариш, бола тарбиялашнинг ҳар хил усусларини ўйлаб топиш.
51. Жамиятда ўз ўрнимни топиб, бадавлат яшаш.
52. Ҳавас ва қизиқишларим доирасида эришган ютуқларим билан магурланиб юриш.
53. Ижтимоий-сиёсий дунёқарашимда, ўзгаларнинг таъсирига берилмаслик, ўз қарашларимга эга бўлиш.
54. Бўш вактлардаги машғулотларим билан бутунлай берилиб шу-гулланиш.
55. Касбий фаолиятимда аниқ мақсадлар сари инитилиб, тез орада уларга эришиш.
56. Ўқиши, таълим олиш жараёнида ақлий қобилиятларимни ривожлантириш.
57. Оилам аъзоларининг тўй-маъракаларда, турли байрам ва маросимларда фаол қатнашиш.

58. Жамиятимизнинг тараққиётига, унинг иқтисодий ва маънавий юксалишига янги таклиф ва ғояларим билан ҳисса қўшиш.
59. Шахсий қизиқишларимни моддий бойлик келтирадиган фаолиятга қаратиш.
60. Менинг ҳавас ва қизиқишларим ўзимга хос хислат ва қобилиятларимни акс эттириши.
61. Қайси қасб эгаси бўлмайин, у мазмунли, одамлар учун фойдали, ҳалол бўлсин.
62. Илмий даража ёки унвон олиш учун аниқ режа асосида ҳаракат қилиш.
63. Аҳил ҳаёт кечириш учун турмуш ўртоғимнинг феъл авторини тушуниш ва унга мослашиш.
64. Жамият ҳаётида фаол қатнашиш, тажрибали одамлар билан ҳамкорлик қилиш.
65. Бўш вактларимда ҳар хил қизикарли, ижодий ишлар билан шуғуланиш.
66. Иш фаолиятимда ўзимнинг услубимга эга бўлиш.
67. Маънавий дунёмни бойитиш учун илм билан шуғулланиш.
68. Оиласвий ҳаётимни обдон режалаштириш.
69. Жамоат ишларида жараёнида одамларни ўз фикрларимга иқрор этишни, ишонтира олишни ўрганиш.
70. Бўш вактларда дўстлар билан ҳамкорликда қизиқсан машгулотларим билан банд бўлиш.
71. Ўқиш ва таълим олишда бошқа кишилар билмаган, «теша тегмаган» билимларни эгаллаш.
72. Оиласага нисбатан ҳалол ва садоқатли бўлиш.
73. Ижтимоий ва ташкилотчилик фаолиятимда катта ютуқларга эришиш.
74. Ҳавас ва қизиқишларимнинг доимий равишда кўпайиб, ривожланиб туриши.
75. Фарзандларимда мустақил дунёқараш, ўзларига хос феъл-авторнинг мавжуд бўлиши.
76. Жамият ҳаёти учун фойдали инсон бўлиш.
77. Бўш вактларимдаги машгулотларимни обдон ўйлаб, аниқ режалаштириш ва муваффақиятларга эришиш.
78. Жамоатчилик орасида ўзимга хос мавқега, ўз феъл-авторимга эга бўлиш.
79. Бўш вактимнинг кўпроқ қисмини ёқтирган машғулотларим билан ўтказиш.

80. Яқин-атрофда ҳеч ким шугулланмаган, ўзига хос ва ноёб машгултлар билан банд бўлиш.

**Ўкувчиларниг қадриятлар йўналишлари ии баҳолаш саволномасининг жавоблар варақаси**

№		№		№		№		№	
1		2		3		4		5	
6		7		8		9		10	
11		12		13		14		15	
16		17		18		19		20	
21		22		23		24		25	
26		26		28		29		30	
31		32		33		34		35	
36		37		38		39		40	
41		42		43		44		45	
46		47		48		49		50	
51		52		53		54		55	
56		57		58		59		60	
61		62		63		64		65	
66		67		68		69		70	
71		72		73		74		75	
76		77		78		79		80	

## **2. ХАТАР ГУРУҲИГА МАНСУБ ЎҚУВЧИЛАРДА ИЖТИМОИЙ ФИКР ДОИРАСИНИ ШУРГАНИШ АНКЕТАСИ**

### **1) Орзу, истак ва хоҳишлар :**

1) Агар Сиз сеҳргар бўлиб қолсангиз, қандай тилак ўйлаган бўлар эдингиз?

---

2). Агар Сизда жуда кўп пул бўлса, уни нимага сарфлаган бўлар эдингиз?

---

### **2) Сиз ўзингизнинг диний эътиқодингизни қандай баҳолайсиз?**

- а) анъанавий ислом динига эътиқод қиласман;
- б) эътиқодимни ўзgartирмоқчиман;
- в) барча динларга бефарқман;
- г) диний эътиқод эскирган деб ҳисоблайман;
- д) \_\_\_\_\_

### **3) Сиз диний амалларни қандай бажарасиз ?**

- а) барча удумларга риоя қиласман;
- б) баъзан масжидга (черковга) чиқиб тураман;
- в) сўнгти вактда диний эътиқодим ўзгармоқда;
- г) диний одатларга риоя қилмайман;
- д) \_\_\_\_\_

### **4) Сиз диний масалаларда қўпроқ кимлар билан мулоқотла бўласиз?**

- а) ота- онам билан;
- б) маҳсус билимга эга бўлган уламолар билан;
- в) катта ёшли қариндошлар билан;
- г) кўнгилли диний тарғиботчи (миссионер)лар билан ;
- д) тенгдошларим билан;
- е) мустақил ўрганишга ҳаракат қиласман;
- ё) \_\_\_\_\_

### **5) Ҳозирги пайтда турли хил диний йўналишилар мавжудлигини биласиз. Сиз бу диний йўналишилар ҳақида қаерда эшитгансиз?**

- а) маҳсус билимга эга бўлган дин пешволаридан;
- б) катта ёшли қариндошларимдан;
- в) кўнгилли диний тарғиботчи (миссионер)лардан;
- г) тенгдошларимдан;
- д) дарс вактида – ўқитувчиларимдан;
- е) маҳсус уюштирилган тадбирларда;
- ё) китоб, аудио, видео, ДВД, СД ва бошқа манбаълардан;
- ж) мустакил ўрганишга ҳаракат киласман;
- з) \_\_\_\_\_

**6) Ноанъаравий оқим тарафдорлари мурожаат этишган бўлса, улар қайси йўналиш вакиллари эди?**

- а) Ислом дининг “Ваҳобийлик” оқими вакиллари;
- б) “Хизбут таҳрирчилар”;
- в) “Исо масиҳчилар”;
- г) Қайси оқим вакиллари эканлигини билмайман;
- д) Менга ҳеч ким мурожаат этмаган ;
- е) \_\_\_\_\_

**7) Ушбу мuloқot Сизга қандай таъсир қўрсатган?**

- а) Улар билан очиқ мuloқотга киришишдан қочганман;
- б) Қўрқсанман;
- в) Уларни тушунишга ҳаракат қилганман;
- г) Ўз эътиқодим ҳақида яна бир бор ўйлаб кўришга мажбур килишган;
- д) Менга ҳеч ким мурожаат этмаган ;
- е) \_\_\_\_\_

**8) Чин мусулмон бўлиш учун либоснинг аҳамияти борми?**

- а) Эътиқод дилда бўлади;
- б) Ха, албаттга, ҳижобда юриш керак;
- в) Менга фарки йўқ;
- г) \_\_\_\_\_

**9) Сизнингча ҳижобга ўранганилар -**

- а) ота-она туфайли ўранган;
- б) қариндошларига эргашиб ўранган;
- в) ўзлари, шу нарсага тайёрлиги учун ўранган;
- г) даъватларга эргашиб ўранган;

д) менга фарқи йўқ;

**10) Сиз жума намозларига чиқиб турасизми?**

а) Ха

б) Йўқ

**11) а) Ҳозирги замон ёшларининг йўналтирувчи кучи**

**б) Мақсадга эришиш учун шахснинг қандай хусусиятлари ривожланган бўлиши керак?**

**в) Ўзбек кадриятларининг қайси бирлари йўқолиб кетишини истамас эдингиз.**

**г) «замонавий одам» деганда қандай одамни тушунасиз?**

**д) «замонавий одам» бўлиш учун түғилган жойнинг, ўқиган даргоҳнинг, оиласининг, миллатининг қандай аҳамияти бор?**

### **№3. «СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ» АНКЕТА**

Хурматли ўкувчи, ҳар бир инсон ҳаётда ўз ўрнини топиб, орзу-умидларига, мақсадларига эришиш хуқуқига эга. Бунинг учун “У“ албатта “Соғлом турмуш тарзи”ни танлаши керак. Ҳозирги вақтда ўзи билмай гиёхвандлик йўлига кириб қолаётган ўкувчилар учраб турибди. Ушбу анкета саволларига очик жавоб беришингизни сўрайман. Балки сизга менинг ёрдамим керакдир! Марҳамат мен сизга ёрдам беришга тайёрман.

**1. «Соғлом турмуш тарзи» деганда нимани тушунасиз?**

**2. Инсон ҳаётида қандай заарли одатлар мавжуд**

**3. Гиёхванд ва заҳарли моддалар тўғрисида маълумотлар олганмисиз ?**

**4. Гиёхванд моддалар тўғрисида маълумотларни қаердан олганмисиз?**

5. Бу мәдениетларни мазмуни қандай? ( сизге нималарни айтиб берішгандай ?)-----

6. Гиёхванд моддалар тұғрисида қандай ёмон нарасаларни биласиз ?-----

7. Гиёхванд моддани яхши томони борми, нима деб үйлайсиз ? - -----

8. Сизга гиёхванд моддани татиб күришни таклиф килишганда олдингизда                    ким                         бўлишини                    хоҳлар                    эдингиз?

Нима учун? Рад этиш осон бўлиши учун, -----  
Таъсири кучли бўлиши учун, -----

9. Гиёхванд модда истеъмол килган ёки қилаётган дўстингиз ёки ўртоғингиз борми ? Улар билан ҳозир ҳам алоқангиз борми?

а) ха    б) йўқ

10. Сизингча, колледж бўйича гиёхвандлик йўлига адашиб кириб колган сиз танийдиган ўкувчилар борми ? -----

Уларга сизнинг ёрдамингиз керактир?

11. Сир сақлаб юришингиз шу йўлга кириб қолган дўстингизга зарар эмасмикан, нима деб үйлайсиз?

12. Сиз яшаётган маҳалла, кўп қаватли уйда гиёхванд моддалар билан савдо қилаётган кимсалар борми? Улар инсон ҳаётини заҳарлашларига сиз караб туролмайсиз, шундайми? Уларга чора кўриш учун нима қилиш керак?

13. Ёшларни гиёхвандлик йўлига кирмасликлари, ўз ҳаётларини заҳарламасликлари учун қандай чора-тадбирлар кўрган бўлардингиз?

10. Гиёхванд модда истеъмол қилувчилар:

- а) ўзлари айбдор;
- б) атроф-мухитидаги одамлар айбдор;
- в) иродаси кучсизлиги айбдор;
- г) кизиқувчанилиги айбдор;
- д) ота-онаси назорат қилмаганилиги айбдор;

е) бўш вақтнинг нотўгри тақсимланганлиги;

ж) дўстни нотўгри танлаганлиги;

и)

---

#### **№4. ИЖТИМОЙИ ПСИХОЛОГИК СЎРОВНОМА**

( III босқич ўкувчиларининг катта ҳаётга, оила қуришга қанчалик тайёргарлигини аниқлаш).

1. Неча ёшда турмуш қурган маъқул деб ҳисоблайсиз?

А) 16-17 ёшда

Б) 18-19 ёшда

В) 20-22 ёшда

Г) 23-25 ёшда

2. Сиз қўйида келтирилганларнинг қайси бирига кўра оила курмоқчисиз?

А) Севган инсоним билан

Б) Ота-онам танлаган инсон билан

В) Фарқи йўқ

Г)

---

3. Оила қуришгач, келин-куёвлар қаерда яшаганлари маъқул?

А) Куёвнинг уйида

Б) Келиннинг уйида

В) Ўзлари алоҳида

4. Оиласда ким бошлиқ бўлиши керак деб ҳисоблайсиз?

А) Эр

Б) Хотин

В) Бунинг аҳамияти йўқ

5. Нечта фарзанд кўришни ҳохлайсиз?

А) Керак эмас

Б) Битта

В) Йикита

Г) Учга ва ундан ортиқ

6. Қандай оиласалар мустаҳкам бўлади деб ҳисоблайсиз?

А) Севги асосида қурилган

- Б) Моддий манфаат асосида қурилган
- В) Ота-она розичилиги асосида қурилган
- Г) Психологик мос келиш асосида қурилган
- Д) \_\_\_\_\_

7. Ўқувчиларга жинсий тарбия ҳақида маълумот бериш керак деб ўйлайсиз-ми?

- А) Ҳа
- Б) Йўқ

8. Жинсий тарбия орқали қайси мақсад амалга оширилиши керак?

- А) Инсон танасининг анатомияси ва физиологиясини ўрганиш;
- Б) Оиласвий ҳаётга тайёрлаш;
- В) Хавфсиз жинсий алоқа ҳақида билим бериш;
- Г) Ўз хатти-харакатлари учун жавобгар бўлишни ўргатиш;
- Д) Севги ва ўзаро муносабатлар маданиятини ўргатиш.

9. Ёшларни оила қуришларигача жинсий ҳаётни бошлаб кейин оила қуришларига муносабатингиз?

- А) Мутлақо қаршиман
- Б) Бизнинг ахлоқка тўғри келмайди деб хисоблайман
- В) Қарши эмасман
- Г) Бирон нарса дейишим қийин.

10. Эркак ва аёл жинсий муносабатлари ҳақида маълумотларга эгамисиз?

- А) Ҳа
- Б) Йўқ.

11. Ушбу маълумотларни қаердан олгансиз?

- А) Тенгдошларимдан
- Б) Интернетдан
- В) Мутахассислардан
- Г) Адабиётлардан.

12. Тери таносил касалликлари ҳақида маълумотга эгамисиз?

- А) Ҳа
- Б) Йўқ.

13. Тери таносил касалликлари ҳақида нималарни билишини хоҳлардингиз?

- А) Келиб чиқишини;

- Б) Номларини;  
В) Белгиларини (симптомларини);  
Г) Олдини олиш воситалари ҳақида.  
Д) \_\_\_\_\_

14. (ОИТС) ҳақида маълумотга эгамисиз?

- А) Ҳа                             Б) Йўқ.

15. ОИТС ҳақида нималарни билишни хоҳлардингиз?

- А) Келиб чиқишини;  
Б) Тарқалиш йўлларини;  
В) Белгиларини (симптомларини);  
Г) Олдини олиш воситаларини.  
Д) \_\_\_\_\_

**ІІІ БОСҚИЧ. ЎҚУВ ЙИЛИ ДАВОМИДА ҚҮЙИДАГИ  
ЖАДВАЛДАГИ ТАРТИБДА МЕТОДИКАЛАРНИ ҚЎЛЛАШ  
ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ**

Даврий жараён	Тавсия этилган методикалар	Ташхис ўтказиш вақти
1 босқич	Ўқувчиларда қадриятларга бўлган муносабатларини баҳолаш саволномаси.	Сентябр октябр
2 босқич	Хатар гурӯҳига мансуб ўқувчиларда ижтимоий фикр доирасини ўрганиш анкетаси.	Ноябр декабр
3 босқич	“Соғлом турмуш тарзи” анкета.	Январ Март
4 босқич	Ижтимоий психологик сўровнома.	Апрел май

**ІІІ БОСҚИЧ ЎҚУВ ЙИЛИ ДАВОМИДА ЎТКАЗИЛГАН  
МЕТОДИКАЛАР БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР**

Даврий жараён	Ташхис натижалари ва улар билан ўтказилган психокоррекцион машғулотлар	
1 босқич		Сентябр октябр
2 босқич		Ноябр декабр
3 босқич		Январ Март
4 босқич		Апрел май

Касб-хунар коллеки маънавий – маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари Ф.И.Ш.-----имзо-----  
Касб-хунар коллеки психологи Ф.И.Ш.-----имзо-----

Гурух раҳбари Ф.И.Ш.-----имзо-----  
Касб-хунар коллекция ишлаб чиқариш таълими устаси  
Ф.И.Ш.-----имзо-----

## ХУЛОСА

Тарбия узлуксиз жараён бўлиб, инсон дунёга келишидан бошлаб, то умрининг охиригача давом этиб боради. Бу жараён давомида атроф-муҳитдаги воқеа-ҳодисаларнинг шахсга салбий ёки ижобий акс таъсир этиши унинг инсоний фазилатлари қай даражада шаклланганлигини белгилайди. Бугунги кунда таълим соҳасини олдида турган энг долзарб муаммолардан бири ҳам айнан, шу мақсадга қаратилганлиги бежиз эмас.

Узлуксиз таълимнинг таркибий қисми бўлган касб-хунар коллежларида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва уларни касбга мослаштириш ўқувчиларни умумкасбий ва ихтисослик ўқув предметларини қай даражада тўғри ташкил этилиши билан ҳам боғлиқ. Аммо жараёнларга ижтимоий-психологик жиҳатдан яъни касб-хунар коллежининг шарт-шароитлари, имкониятлари, келажакда ишга жойлашиш жараёнларида муаммоларга дуч келиши, ўқувчиларнинг ўқув билиш фаолиятига, касбий лаёкат ва қизиқишиларига салбий ўзгариш хулқ-авторини юзага келтириши мумкин.

Бунда, аввало таълим муассасаларда фаолият юритувчи педагоглардан ўқувчи шахси билан психолого-педагогик ёндашиш жараёнларида етарли билим, кўникма малакаларга эга бўлишлари билан бирга ўқувчи шахсини мақсадли касб-хунарга йўналтириш ва мослаштириш юзасида тавсиялар бериш малакаларига ҳам эга бўлишларини талаб этади.

Хатар гуруҳига мансуб болаларнинг хулқи оғишига асосий сабаб бўлувчи омиллар:

- ўсмирда ўтиш даврига хос “катталик ҳисси” нинг пайдо бўлиши кузатилганда ота-оналар ҳамда педагог-мураббийлар уни тан олмайдилар. Чунки бола ҳали ҳам моддий, ҳам маънавий томондан катталарга тобе, улар унга мустақилликни осонликча бермайдилар;
- мураккаб вазиятларда ўзини назорат қила олмаслик, бунинг учун сабр- бардошнинг ҳали шакилланмаганилиги;
- оиласдаги носоғлом вазият, ота-оналарнинг ўсмирлик ёш даври психологияси борасида билимга эга эмасликлари, баъзан эр-котин

ўртасидаги оддий муросасозликнинг йўқлиги, хатто, оиласининг нотўлик мақомга келиб, яъни мураккаб педагогик вазиятлардан чикиш борасида ота- она билимининг етишмаслиги;

- ўкишда тенгқурларидан ортда қолиши, ўсмирнинг ажратиб кўйилиши; боланинг ўзига нисбатан ишончсизлиги, ўзига бўлган баҳонинг пастлиги (ёки баъзан ҳаддан зиёд юқорилиги);

- бола қобилиятларининг катталар томонидан салбий баҳоланиши, ундаги мавжуд фазилатларнинг ота-она ёки педагоглар томонидан ўз вақтида ва ўз ўрнида эътироф этилмаслиги натижасида бола хулк-авторида салбий хатти-харакатларни намоён бўлиши;

- оммавий ахборот воситалари орқали берилаётган зўравонлик, кийноқ, ёмонликнинг жазосиз қолиши каби ахборотларнинг тўғридан-тўғри қабул қилиниши, телевидение ёки интернет тармоқлари орқали биз таъкидлаган жиҳатларнинг намойиш қилиниши ва бола уни тўғридан-тўғри қабул қилини учун тўсиқларнинг йўқлиги натижасида унда мафкуравий иммунитетининг заифлашуви;

- ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва ташлаган касбнинг ижтимоий касбий мослаштириш жараёнларини узункети ранинига ота-она ва таълим муассасалари томонидан доимий узинингни амалга оширилмаслиги натижасида, ўқувчида касбнан олами, шундай кўйилган психофизиологик талаблар ва имкониятлари, қизиқини, мойиллиги, лайёқати, қобилиятига мос касб ташловини катташар томонидан педагогик-психологик тарзда асосланмаганини ўбис, уларда касб танлашда хавотирланиш, қўрқиши, ишончсизлик, касо тўғрисида тўлиқ маълумотларга эга бўлмаслик вазиятларни келтириб чиқаради. Бундай вазиятлар айниқса вояга етмаган хатар гурухига мансуб болаларда касб танлаш ва унга ижтимоий мослашиш жараёнларига салбий муносабат шаклланади:

1. Ўқувчилар у ёки бу касбдаги одамга муносабатни касбнинг ўзига бўлган муносабат билан бир хил деб қарайдилар.

2. Ўқув фанини касб билан бир хил деб тушуниш.

3. Касбни ташки жиҳати билан қизиқиш ва шу аснода баҳолаш;

4. Ўз қобилиятига тўғри баҳо бера олмаслик.

5. Ўқувчи у ёки бу касбга зид бўлган ўз жисмоний хусусиятлари ва нуқсонларини назар писанд қилмаслиги (майда, нозик иш, масалан, соат заводида, аниқ асбоблар заводида. Кўриш органининг заифлиги, масалан, транспортда ишлаш, заргарлик, нақкошлик каби).

6. Ўртоқлари, тенқурларининг таъсири билан касб танлашлари кузатилади.

Дархақиқат, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан оила, маҳалла, таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари, хуқуқни муҳофаза қилувчи мутасадди органлар, илмий педагогик кадрлар шўғулланадилар. Аммо ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва ижтимоий касбий мослаштириш жараёнларида ҳам барча иштирокчиларнинг эътибор доирасида, хатар гурухига мансуб ўқувчиларнинг ўзига хос индивидуал психологик хусусиятлари ва унинг типолгияси, таълим тизимида хатар гурухига мансуб ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва касбга мослаштириш ишларини ташкил этишнинг мазмуни, хатар гурухига мансуб ўқувчилар билан ўтказиладиган касбга мослаштириш тадбирлари ва уни имкониятлари, касбга мослаштириш жараёнларида таълим муассаса ва ойланинг ҳамкорлиги, хатар гурухига мансуб ўқувчиларни ижтимоий-касбий мослаштириш омиллари бўйича ҳамкорликда бажариладиган истиқбол режасини ишлаб чиқиш заруриятини белгилаб бермоқда.

Мазкур баҳамжиҳатлик таъминланса, ўқувчиларнинг мустақил, онгли касб танлаш ва унга ижтимоий касбий мослашуви орқали келажакда биз кутган баркамол авлод буюртмасига эришишимиз мумкин.

## ГЛОССАРИЙ

**Дарсларда касб танлашга йўллаш** - педагог ўкувчиларни улар устахоналардаги машғулотларида бажарадиган иш билан боғлик касблар билан танишитиради.

**Экскурсияларда касб танлашга йуллаш** - одатда, экскурсияларда ўкувчиларни ўкув программаси доирасидан чикувчи материал билан танишитишга қулай шароит юзага келади. Бу имкониятдан ўкувчиларни касб танлашга йўллаш учун фойдаланиш мумкин. Масалан, ўкувчилар металлга ва ёғочга ишлов бериладиган механика цехларига боришганда ускуналарнинг кўп групна ва типларни кўрадилар. Шунинг учун педагогга ана шу ускуналарда ишловчи ишчи касблари ҳакида гапириб бериш тавсия этилади.

**Тўғарак машғулотларида касб танлашга йуллаш** - тўғарак машғулотларида ўкувчиларни турли касблар билан танишитиринига кўпроқ имкониятлар вужудга келади. Агар ўқитувчи ўкувчинини ишчи касблардан бирига, масалан, ёғочга, металлга ишлов беринча мойиллиги борлигини сезса у ўкувчи билан индивидуал иш олиб бориб, унинг билим ва ўкувларини чуқурлашитирини, унга ёқадиган касбга нисбатан қизиқиш уйғотиш назарда тутгилади.

**Касб танлаш** (профвыбор) – йўналтириш, ажратса билин, белгилаш ҳаётда тўғри йўлни танлаш деган маънони билдиради.

**Касб** – инсонларнинг хунари, фаолият тури ва ҳаёт кечиришлари учун манба хизматини ўтайдиган машғулотни билдиради.

**Касб-хунарга йўналтириш** (профориентатция) – ўкувчининг ўз эҳтиёжини оқилона чеклайдиган шахс сифатида баркамол камолотга этишини белгиловчи педагогик ёндашув жараёни.

**Касбий ахборот** - ёшларни замонавий ишлаб чиқариш турлари ва касблари, иктисолиёт соҳасида малакали кадрларга бўлган эҳтиёjlари касб бозорининг келажақдаги ривожланиши, касбларни ўзлаштиришнинг шакллари ва шароитлари ҳамда меҳнат фаолияти жараёнида касбий малакавий ўсиш ва ўз ўзини такомиллаштириш имкониятлари билан танишитириш.

**Касбий маслаҳат** - ёшларнинг педагогик-психологик хусусиятлари ва имкониятлари ҳамда жамиятнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган холда касбий йўлини танлаш бўйича онгли равишда қарор қабул қилиш мақсадида касбий ўзлигини аниқлашда ёрдам кўрсатиш.

**Касбий танлаш** – педагогик-психологик психофизиологик, тиббий ташхис асосида ўзининг психологик-физиологик хусусиятларига кўпроқ мос бўлган турли касбий йўналишлар тўғрисида тавсиялар бериш.

**Касбий саралаш** - инсоннинг маълум касбга тегишли меъёрий талабларига мос равишда касбий лойиклик даражасини аниқлаш.

**Профессионал қобилият** – бу инсон шахсининг анчагина қатъий, гарчи, табиийки, тарбия таъсирида ўзгарадиган индивидуал-психологик сифатларнинг йигиндиси бўлиб, у шахснинг бир сифатини иккинчиси билан компенсация қилиниши асосида маълум меҳнат фаолиятига ўргатиш, уни бажариш ва унда такомиллашишнинг муваффакиятли бўлишини белгилайди.

**Касбий танлов** - ўқувчини касбий фаолиятининг яроқлилик даражасини аниқлашга йўналтирилган ўқувчининг психофизиологик хусусиятлари (танлаш) ёки аниқ бир касбга бўлган психофизиологик меъёрий талаблар (саралаш) асосида ўқувчини ҳар томонлама ўрганиш тизимиdir.

**Касбий фаоллаштириш** - бунда ўқувчиларнинг танлаган касб-хунар юзасида касбий маълумотлар базасини кенгайтириш, ўқув ва ишлаб чиқариш жараёнларига жалб қила бориш ҳамда меҳнат турининг шарт-шароитлари билан таништириб бориш жараёнларини ўз ичига олади.

**Касбий мослашув** - бунда касб-хунар коллежда қабул қилинган ўқувчиларни танлаган мутахассислик йўналишларига ижтимоий касбий мослашиш жараёнлари ҳамда ишлаб чиқаришда касбий фаолиятининг ижтимоий-психологик ва ташкилий-техник шароитларига шахсни мослаштиришга, уни муваффакиятли равишда касбни эгаллаш учун шарг-шароитларни яратишга йўналтирилган комплекс чоралар тизими бўлиб саналади.

**Ўқув-билиш фаолиятига мослашиш** – касб-хунар коллежлари шароитига, ундаги ўқувчилар орасидаги муҳиттга, мустақил амалий фаолият кўрсатишга, коллежда амалда қўлланиладиган ўқув куроллари ва воситаларига, технологик жараёнга, ўқиши вақтининг давомийлигига, ўқувчиларнинг ўзаро таъсир характеристи ва йўналишига мослашишдир.

**Мосланувчанлик** - инсоннинг ҳаётни турли жабҳаларига ҳар қандай шароитда мослашишига имкон берувчи туғма ва ўзлаштирилган қобилиятлари тушунилади.

**Мослашиш** (лотинчада *adaptatio*-мослашиш) кенг маънода инсонларни, гурух ва организмларни мавжуд бўлиши, яшаш шароитига мослашиш жараёнидир.

**Вояга етмаган** - инсоннинг биологик ёшига асосланган психологоик ҳолати билан боғлиқ маъно мужассамлик.

**Девиант хулк-атвор** - шахснинг жамиятда ўрнатилган ахлюк меъёрлари ҳамда конун нормаларига мос келмайдиган, уларга зид бўлган ижтимоий хулқидир.

**Девиация** (лотинча четга оғувчи феъл-атвор деган маънони беради) кўпгина холларда ижтимоий тақиқларни талаб этади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Каримов И. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том.- Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.- Т.: Ўзбекистон, 1992.
3. Исмаилов И., Зиёдуллаев М., Исаилова Н., Азимова Ф. Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликининг олдини олиш: Ўқув-амалий қўлланма.- Т.: MUHARRIR, 2011
4. Ярэма М.В. Организация работы по профориентации в профтехучилище.- М.: Высшая школа, 1998– 27 б.
5. Қодиров К.Б. Касб танлашга тайёрликнинг психологик жиҳатлари ва касбий ташхис/Дис. ... пси.ф.и.- Т.: 2001 – 97 б.
6. Қуронов М., Жумаев Ш., Сафаров О. Тадбир самарадорлигининг ўн шарти: маънавий-мэърифий тадбирлар самарадорлигини ошириш бўйича илмий-амалий тавсиялар.- Т.: Истиқлол, 2006.– 67 б.
7. Зияева М.Ф. Ўқувчиларни медицина касбига қизиқишларини босқичма-босқич шакллантириш. - Т., 2001.-46 б.
8. Пўлатов Ж.А. Ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида касб-хунарга йўналтириш тадбирларини ташкил қилиш: Илмий-услубий тавсиянома.- Т.: ЎМКХТТКМО ва УҚТИ, 2010. - 45 б.
9. Пўлатов Ж.А. Умумий ўрта таълим мактаблари ва касб-хунар коллежларида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириша узвийликни таъминлаш: Махсус курс дастури. - Т.: ЎМКХТТКМО ва УҚТИ 2001.- 35 б.
10. Пўлатов Ж.А. Касб-хунар коллежларининг хатар гурухига мансуб ўқувчилари билан касб-хунарга йўналтириш ишлари бўйича тренинглар дастури ва ўтказиш методикаси: Илмий-услубий қулланма.- Т.: ЎМКХТТКМО ва УҚТИ, 2013. - 122 б.
11. Ироилова Н., Умаров Б.М., Хурвалиева Т.Л., Иванова Ю., Азимова Ф. Тарбияси оғир болалар билан ишлашида психологик хизматнинг ўрни: Услубий қўлланма.- Т.: РБИММ, 2008.
12. Ядгарова Г.Т., Авлаев О.У. Тарбияси қийин, қалтис гурухга мансуб болалар билан ишлаш: Услубий қўлланма.- Т.: ЎМКХТТКМО ва УҚТИ, 2007. - 122 б.
13. Тўлаганова Г.Қ. Тарбияси қийин ўсмирлар: Монография.- Т.: ЎзМУ “Университет” нашриёти, 2005. . – 37 б.

14. Очилов З. Синфдан ташқари тарбиявий ишларда касбга йүллашни шакллантириш.- Т.: Ўқитувчи, 1996 . – 97 б.
15. Шоумаров F., Ахунджанова С., Соғинов Н. Оналарга психолог маслаҳати (Она-бала муносабатлари психологиясига оид илмий-амалий тавсиялар). – Т.: Мөннат, 2002. – 27 б.
16. Леви В.Л., Нестандартный ребёнок М., «Левицентр», 1996 – 127 с.
17. Лютова Е.К., Монина Г.Б. Шпаргалка для взрослых. Психо-коррекционная работа с гиперактивными, агрессивными, тревожными и аутичными детьми. М.: «Генезис», 2000. 136 с
18. Эриксон Э. Идентичность: юность и кризис. М.: Прогресс, 1996. 116 с
19. Байяд Р.Т., Байяд Д. Ваш беспокойный подросток. М.: «Просвещение», 1991 98 с

## **МУНДАРИЖА**

К И Р И Ш .....	3
1. "ХАТАР" ГУРУХИГА МАНСУБ ЎҚУВЧИЛАРНИҢ ЎЗИГА ХОС ИНДИВИДУАЛ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИНГ ТИПОЛОГИЯСИ.....	7
2. ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯДА ВОЯГА ЕТМАГАН ХАТАР ГУРУХИГА МАНСУБ БОЛАЛАР МУАММОСИ ВА УНИ ХАРАКТЕРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ .....	17
3. ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ХАТАР ГУРУХИГА МАНСУБ ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ- ХУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШ ВА КАСБГА МОСЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭГИДИНГ МАЗМУНИ... .....	31
4. КАСБ-ХУНАР КОЛЕЖЛАРИДА ХАТАР ГУРУХИГА МАНСУБ ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ- ХУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШ ВА КАСБГА МОСЛАШТИРИЩДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ .....	40
5. ХАТАР ГУРУХИГА МАНСУБ ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН ЎТКАЗИЛАДИГАН КАСБГА МОСЛАШТИРИШ ТАДБИРЛАРИ ВА УНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ .....	46
6. ХАТАР ГУРУХИГА МАНСУБ ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ХУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШ КАСБГА МОСЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИДА ТАЪЛИМ МУАССАСА ВА ОИЛАНИНГ ҲАМКОРЛИГИ.....	68
7. КАСБ-ХУНАР КОЛЕЖЛАРИДА ХАТАР ГУРУХИГА МАНСУБ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ИЖТИМОЙ-КАСБИЙ МОСЛАШТИРИШ ОМИЛЛАРИ .....	76
ХУЛОСА.....	146
ГЛОССАРИЙ .....	149
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР .....	154

**Ж.А.Пұлатов**

**КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИНИНГ ХАТАР ГУРУХИГА  
МАНСУБ ЎҚУВЧИЛАРИНИ КАСБГА МОСЛАШТИРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

*(касб-хунар колледжлари гурӯҳ раҳбарлари, ихтинослик ўқув предметлари ўқитувчилари, шиалаб чиқарии таълими устазлари ва психологиялари учун методик қўлланма)*

Мухаррир И.Турсунова  
Техник мухаррир Г.Талипова  
Сахифаловчи Б.Ҳайдаров

Наш лиц. А1 № 191, 10.05.2012  
Босишга руҳсат этилди 07.11.2013 й. Бичими 60x84/8.  
Офсет қоғози. Офсет босма усулига бўсалиди. Таҳома гарнитураси.  
Шартли босма табори 9,7. Нашр хисоб табори 6,2.  
Адади 50 ичеха. Буюргтма №

“CHASHMA PRINT” МЦЖ нанириёти,  
100071, Ташкент, Комоний кучаси, 13.

“CREDO PRINT GROUP” МЦЖ йўқ босмахонасида чоп этилди.  
100059, Ташкент, Фурқат, 2.